Константин Курпаяниди
Махаммаджон Ашуров

COVID-19 ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИК ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

GlobeEdit

Imprint

Any brand names and product names mentioned in this book are subject to trademark, brand or patent protection and are trademarks or registered trademarks of their respective holders. The use of brand names, product names, common names, trade names, product descriptions etc. even without a particular marking in this work is in no way to be construed to mean that such names may be regarded as unrestricted in respect of trademark and brand protection legislation and could thus be used by anyone.

Cover image: www.ingimage.com

Publisher:
GlobeEdit
Is a trademark of
International Book Market Service Ltd., member of OmniScriptum Publishing Group
17 Meldrum Street, Beau Bassin 71 504, Mauritius

Printed at: see last page
ISBN: 978-620-0-61381-3

Copyright © Константин Курпаяниди, Махаммаджон Ашуров
Copyright © 2020 International Book Market Service Ltd., member of OmniScriptum Publishing Group

DOI: http://dx.doi.org/10.17605/OSF.IO/7NMHQ

КУРПАЯНИДИ К. И., АШУРОВ М.С.

COVID-19 ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИК ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

МОНОГРАФИЯ

и. ф. д., профессор М.А.Икрамов,
таҳрири остида

GlobeEdit Academic Publishing, European Union, 2020.

BQ 65.291. 551
UDK 334.722
JEL classification: E32, F40, P48
ISBN: 978-620-0-61381-3
DOI: 10.17605/OSF.IO/7NMHQ

Курпаяниди К.И., Ашуров М.С. COVID-19 пандемия шароитида тадбиркорлик ва уни ривожлантириш масалалари: назария ва амалиёт Монография. и.ф. д., профессор М.А. Икрамов, таҳрири остида. GlobeEdit Academic Publishing, European Union, 2020. – 202 б.

Салбий иқтисодий оқибатларни юмшатиш мақсадида монографияда жисмоний ва тадбиркорлик субъектларига, шунингдек, давлатга COVID-19 оқибатлари билан шуғулланишга ёрдам берадиган таклиф этилган чора-тадбирлар ва стратегияларнинг айримлари муҳокама қилинади. Монографияда жаҳон инқирози оқибатларини бартараф этишда Ўзбекистон Республикаси амалиётида давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг айрим йўналишлари кўриб чиқилган.

Пандемия шароитида муваффақиятли бизнес юритиш учун тадбиркорлик муҳитининг замонавий ҳолатини умумий ва дунёнинг илғор мамлакатлари кесимида шунингдек, Ўзбекистон Республикаси мисолида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш муаммоларини ўрганиш, Ўзбекистон Республикаси амалиётида давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг айрим йўналишларини ўрганиш ушбу монографиянинг мақсад ва вазифаси ҳисобланади. Пандемия шароитида тадбиркорлик фаоллигини ошириш учун таъсир қилувчи омиллар аниқланган.

Монография талабалар, илмий ходимлар, тадбиркорлик ва кичик ва хусусий бизнеснинг иқтисодий қирралари билан қизиқувчилар учун тавсия этилган.

Калит сўзлар: бизнес, иқтисодиёт, пандемия, тадбиркорлик, Ўзбекистон иқтисодиёти, чора – тадбирлар.

Тақризчилар:

Мўминова Э.А. - *и.ф.н., доцент, Фарғона политехника институти*

Шарипов А. – *Чет эл капитали иштирокидаги "Hamkorbank" АТБ Фарғона минтақавий филиал бошқарувчиси*

Ғофуров У.В. - *и.ф.д., профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

Фарғона политехника институти Кенгаши рухсати билан чоп этилди. Баён № 18, 8 сентябрь 2020 й.

ISBN: 978-620-0-61381-3

© Курпаяниди К.И., Ашуров М.С., 2020.

BQ 65.291. 551
UDK 334.722
JEL classification: E32, F40, P48
ISBN: 978-620-0-61381-3
DOI: 10.17605/OSF.IO/7NMHQ

Курпаяниди К.И., Ашуров М.С. Предпринимательство и направления его развития в условиях пандемии COVID-19: теория и практика. Монография. Под редакцией д.э.н., профессора Икрамова М.А., GlobeEdit Academic Publishing, European Union, 2020. – 202 с.

В монографии рассмотрены стратегия и мероприятия по смягчению негативных экономических последствий пандемии COVID-19 как в экономике в целом, так и для предпринимательских структур в частности. Авторы изучили основные направления государственной поддержки и меры по ликвидации последствий мирового кризиса для экономики Республики Узбекистан.

Целью и задачей данной монографии является изучение современного состояния предпринимательской среды для успешного ведения бизнеса в условиях пандемии в целом и в разрезе экономически развитых стран мира, а также проблем развития предпринимательской деятельности, направлений государственной поддержки бизнеса в Республике Узбекистан. Выявлены факторы, влияющие на рост предпринимательской активности в условиях пандемии.

Монография рекомендована студентам, профессорско-преподавательскому составу, предпринимателям и всем, кто интересуется экономическими аспектами малого и частного предпринимательства.

Ключевые слова: бизнес, экономика, пандемия, предпринимательство, экономика Узбекистана, мероприятия.

Рецензенты:

Муминова Э.А. – *к.э.н., доцент, Ферганский государственный университет*

Гофуров У.В. – *д.э.н., профессор, Ташкентский государственный экономический университет*

Шарипов А. – *управляющий Ферганским региональным филиалом акционерно-коммерческого банка с участием иностранного капитала Hamkorbank*

Публикуется по решению Совета Ферганского политехнического института. Протокол № 18 от 8 сентября 2020 года.

ISBN: 978-620-0-61381-3

© Курпаяниди К.И., Ашуров М.С., 2020.

BQ 65.291. 551
UDK 334.722
JEL classification: E32, F40, P48
ISBN: 978-620-0-61381-3
DOI: 10.17605/OSF.IO/7NMHQ

Kurpayanidi K. I., Ashurov M. S. Entrepreneurship and directions of Its development in the context of the COVID-19 pandemic: theory and practice. Monograph. Edited by doctor of Economics, Professor M. A. Ikramov, GlobeEdit Academic Publishing, European Union, 2020. - 202 p.

The monograph examines the strategy and measures to mitigate the negative economic consequences of the COVID-19 pandemic both in the economy as a whole and for business structures in particular. The authors studied the main directions of state support and measures to eliminate the consequences of the global crisis for the economy of the Republic of Uzbekistan.

The purpose and objective of this monograph is to study the current state of the business environment for successful business in the context of the pandemic in General and in the context of economically developed countries of the world, as well as problems of business development, areas of state support for business in the Republic of Uzbekistan. Factors influencing the growth of business activity in the context of the pandemic are identified.

The monograph is recommended to students, faculty, entrepreneurs, and anyone interested in the economic aspects of small and private entrepreneurship.

Keywords: business, economy, pandemic, entrepreneurship, economy of Uzbekistan, events.

Referees:

Muminova, E. A. – *candidate of Economics, associated Professor, Fergana state University*

Gofurov, U. V. - *doctor of Economics, Professor, Tashkent state University of Economics*

Sharipov, A. - *Manager of the Ferghana regional branch of the joint-stock commercial Bank with foreign capital participation Hamkorbank*

Published by the decision of the Council of the Ferghana Polytechnic Institute. Protocol No. 18 of September 8, 2020.

ISBN: 978-620-0-61381-3

© Kurpayanidi K. I., Ashurov M. S. 2020.

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	11
1 Боб	**COVID-19 ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**	19
2 Боб	**ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ҲОЛАТИ ВА САМАРАЛИ РИВОЖЛАТИРИШНИ БАҲОЛАШ**	47
2.1.	Тадбиркорлик субъектларини фаолият олиб боришининг меъёрий - ҳуқуқий асослари	47
2.2.	Пандемия шароитида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес корхоналари фаолиятининг тизимли таҳлили	71
2.3.	Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши ва уларнинг фаолияти таҳлили	87
2.4.	Пандемия шароитида тадбиркорлик инфратузилмасининг самарали фаолияти таҳлили	109
3 Боб	**ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ COVID-19 ПАНДЕМИЯСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ**	117
3.1.	Тадбиркорликни ривожланишига коронавирус пандемиясининг иқтисодий таъсири	117
3.2.	Пандемия шароитида Ўзбекистонда бизнесни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари таҳлили	127
3.3.	Тадбиркорлик субъектларига пандемиянинг салбий таъсирларини юмшатиш ва олдини олишда солиқли қўллаб-қувватлаш йўналишлари	140
	ХУЛОСА	157
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	166

КИРИШ

Коронавирус касаллиги тарқалиши 2020 йилнинг бошида дастлаб Хитой ва кейинчалик бошқа давлатлар иқтисодиётига таъсир қила бошлади. COVID-19 номи билан аниқланган коронавирус касаллиги қисқа вақт ичида глобал миқёсда кенг тарқалиб, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан пандемия деб эълон қилинди.

Мазкур пандемия ер юзининг деярли барча давлатларининг иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатди ва унинг таъсири ҳамон кенгайишда давом этмоқда.

Bloomberg халқаро агентлиги[1] экспертларининг ҳисоб-китобларига кўра коронавирус жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръатларига таъсир ўтказади ва унинг секинлашуви ҳамда камайишига олиб келади. Ундан ташқари баъзи бир экспертларнинг фикрича, ўсиш суръатлари умуман бўлмаслиги ёки у 0 га тенг бўлиши ва мазкур вирус жаҳон иқтисодиётига 2, 7 трлн.долл. миқдорида зарар келтириши мумкинлиги айтилмоқда. Бу сумма Буюк Британия давлатининг йиллик ялпи ички махсулотига тенг миқдорни ташкил этади. Агарда Хитой ушбу эпидемияни тезда бартараф эта олса, Жанубий Корея, Япония, Италия, Франция, Испания, Германия каби давлатларни тез суръатларда ва кенг кўламда қамраб олганлиги ушбу давлатлар иқтисодиётининг анъанавий ўсиш суръатлари салбий таъсир кўрсатиши кутилмоқда. Бу давлатлар иқтисодиётининг ўсиш суръатлари коронавирус пайдо бўлгунчага 2020 йил учун режалаштирилган 3,1 % ўсиш ўрнига нисбатан 2,3 % гача пасайиши прогноз қилинмоқда.

Вируснинг АҚШ, Ҳиндистон, Буюк Британия, Канада, Бразилия каби жаҳон иқтисодиётининг йирик ўнталигида тарқалиши уларнинг кўпроқ маблағларни вирус билан курашишга йўналтириши натижасида бу жаҳон иқтисодиёти ўсишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу ҳолда жаҳон иқтисодиёти 2020 йилда 1,2 % га тушиб кетиши, Европа иттифоқи ва

[1] https://www.bloomberg.com/search?query=covid%20pandemic

Япония рецессияга тушиши, АҚШ иқтисодиётининг ўсиш суръатлари 0,5 % гача тушиб кетиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда. Вирус глобал пандемияга айланиб бутун дунёни қамраб олиши юқорида таъкидлаганимиздек, жаҳон иқтисодиёти 2,7 трлн. долл. ни йўқотиши ва унинг йиллик ўсиш суръати 0 га тенг бўлишига олиб келиши мумкин.

Халқаро валюта жамғармасининг базавий прогнозларига кўра, 2020 йилда жаҳон иқтисодиёти 3 фоизга қисқариши кутилмоқда. Бунда, иқтисодий пасайиш ривожланган давлатларда 6,1 фоизни (шу жумладан, АҚШ -5,9 фоиз, Евроҳудуд мамлакатлари -7,5 фоиз) ва ривожланаётган мамлакатларда -1 фоизни, шунингдек, Россияда -5,5 фоизни ва Қозоғистонда -2,5 фоизни ташкил этиши, Ўзбекистонда эса 1,8 фоизлик иқтисодий ўсиш прогноз қилинмоқда.

Ўзбекистонда пандемия натижасида вужудга келадиган глобал инқироз ҳолатларининг олдини олишда ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида асосий пойдевор бўлиб тадбиркорлик субъектларининг ривожланиши ҳисобланади. Шу ўринда тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришнинг ижтимоий жиҳатлари сиёсий -иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ишсизлик даражасини пасайтиришга хизмат қилиши, меҳнатга лаёқатли кишиларнинг иш билан банд бўлишларидаги қулайлиги нуқтаи назаридан ўзига хос ўрин эгаллайди.

Бундан кўринадики, пандемия шароитида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш энг жиддий ва долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан коронавирус пандемиясининг мамлакатимиздаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсирини юмшатиш вазифаси, биринчи навбатда, киритилган чекловларни эҳтиёткорлик билан босқичма-босқич олиб ташлаш ва келгусидаги вазиятни имкон қадар аниқроқ баҳолай олиш орқали инқироздан кейинги иқтисодий тикланиш сиёсатини тўғри шакллантириш ва амалга оширишдан иборат бўлади.

Шу мақсадда пандемиянинг республикамиз иқтисодиётига таъсирини батафсил ва ҳар томонлама таҳлили ва тадқиқини ёритиш, очиб бериш, вазиятларни баҳолаш ва айрим хулосалар бериш мақсадида ушбу монография ёзилди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Институционал ўзгаришлар шароитида тадбиркорлик, кичик бизнес назариясига асос солувчи қирралари таниқли хорижий иқтисодчи олимлар Дж. Гэлбрейт[2], Д.Диксин[3], П.Друкер[4], А.Маршалл[5], А. Смит[6], Б.Санто[7], К.Татеиси[8], А.Хоскинг[9], Й.Шумпетер[10] ва бошқаларнинг ишларида баён қилинган.

МДҲ да кичик бизнес ривожланишининг у ёки бу жиҳатларини ёритиб берган ўта муҳим тадқиқотлар орасида қуйидаги муаллифлар: Л.Абалкин[11], В.Автономов[12], А.Блинов[13], Т.Койчуев[14], О.Криворучко[15], М.Лапуста[16],

---

[2] Гэлбрейт Д. Экономическая политика измеряется результатами //Проблемы теории и практики управления. – 1999. – №. 5. – С. 32-37.

[3] Deakins D., Freel M. S. Entrepreneurship and small firms. – McGraw-Hill College, 2009.

[4] Друкер П. Ф. Бизнес и инновации. – Вильямс, 2007.

[5] Маршалл А. Принципы экономической науки //М.: Прогресс. – 1993. – Т. 1. – С. 416.

[6] Смит А. Исследование о природе и причинах богатств народов.- М.: Соцэкгиз, 1962.– 684 с.

[7] Санто Б. Философия предпринимательства //Проблемы теории и практики управления. – 1990. – №. 3. – С. 96-101.

[8] Татеиси К. Вечный дух предпринимательства //К.: Укрзакордонвизасервис. – 1992.

[9] Курс предпринимательства: Практическое пособие / Пер с англ. – М.: Международные отношения, 1993.

[10] Шумпетер Й., Милейковский А. Г., Бомкин В. И. Теория экономического развития:(Исследование предпринимательской прибыли, капитала, кредита, процента и цикла конъюнктуры): Пер. с нем. – Прогресс, 1982.

[11] Абалкин Л. И. Заметки о российском предпринимательстве/Избранные труды: В 4-х т. т. Т. III //ВЭО России.- М.: ОАО «НПО Экономики».-2000.-365-436с. – 2007.

[12] Автономов В. Практики глазами теоретиков (феномен предпринимательства в экономической теории) //Предпринимательство в России. – 1997. – №. 4. – С. 5-11.

[13] Блинов А. О. Государство и предпринимательство (теория среднего класса) //М.: Палеотип. – 2003.

[14] Койчуев Т., Койчуева М. Теория и практика экономического развития в переходный период //Реформа, Бишкек. – 2001.

[15] Криворучко О. Н., Зайцев А. А., Лобанов С. Н. Становление предпринимательской экономики в России. – " Экономика", 2000.

[16] Лапуста М. Г., Старостин Ю. Л. Малое предпринимательство. – Инфра-М, 2005.

А.Орлов[17], В.Рубе[18], Э.Примов[19], Ф.Шахмалов[20], А.Юданов[21] ва бошқаларни қайд этиб ўтиш мумкин.

Иқтисодиётнинг ушбу секторини Ўзбекистонда оёққа туриши ва ривожланиши хусусиятларига бағишланган тадқиқотларни А.Хикматов[22], Б.Беркинов, М.Икрамов[23], Н.Махмудов, М.Турсунходжаев, З.Худайбердиев, В. Батурин, Д. Тростянский ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида кўриш мумкин.

А.Ахмедиев, У. Валижанов, О. Исмаилов, Л. Ишмухамедов, С.Салаев, И.Турсунов, Э.Эргашев, М.Эшов ва бошқаларнинг диссертация ишлари бевосита янги институционал шароитларда тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган. Уларнинг ишларида ушбу муаммони ҳал этишнинг худудий ёки тармоқ аспектларига асосий эътибор қаратилган. Бироқ, охирги вақтларда муаммони тадқиқ этиш йўналиши бир оз ўзгарган. Эндиликда, кичик бизнеснинг умумий муаммолари (ижтимоий муаммолар, бандлик муаммоси ва ҳ.к ҳал этишда, иқтисодий тизимдаги ўрни ва роли) ни тахлил қилишдан, кичик тадбиркорликни ривожлантириш ва уни фаоллаштиришга тўсқинлик қилувчи сабабларни таҳлил қилиш масалаларига ўтиш заруратга айланди.

Салбий иқтисодий оқибатларни юмшатиш мақсадида монографияда жисмоний ва тадбиркорлик субъектларига, шунингдек, давлатга COVID-19

---

[17] Орлов А. К. Особенности инвестиционной оценки девелоперских мегапроектов с участием государства //Экономика и предпринимательство. – 2015. – №. 5-1. – С. 892-895.

[18] Примов Э. Формирование и развитие предпринимательской деятельности в Кыргызской Республике //Общество и экономика. – 2003. – №. 9. – С. 127-134.

[19] Рубе В. Институциональные аспекты организации малого бизнеса в развитых странах и в России. Учебное пособие. – Litres, 2017.

[20] Шамхалов Ф. Малое предпринимательство в системе рыночных реформ: проблемы роста или выживания //Вопросы экономики. – 2011. – Т. 10.

[21] Юданов А. Ю. Носители предпринимательства: фирмы-газели в России //Журнал Новой экономической ассоциации. – 2010. – №. 5. – С. 91-108.

[22] Хикматов А., Тростянский Д. Развитие малого предпринимательства как фактор экономического роста в Узбекистане //Общество и экономика. – 2002. – №. 2. – С. 142-148.

[23] Икрамов М. А., Некоторые вопросы государственного регламента инновационного процесса: зарубежный опыт и практика Узбекистана //Инновационная экономика: перспективы развития и совершенствования. – 2013. – №. 3. – С. 198-205.

оқибатлари билан шуғулланишга ёрдам берадиган таклиф этилган чора-тадбирлар ва стратегияларнинг айримлари муҳокама қилинади. Ҳозирги тадқиқот дунё экспертлари, хусусан АҚШ даги иқтисодчиларнинг бутун иқтисодиётга ноаниқ вақтларда фойда келтирадиган бир қатор чора-тадбирларни таклиф қилган нуқтаи назарларини таҳлил қилишдан бошланади. Монографияда жаҳон инқирози оқибатларини бартараф этишда Ўзбекистон Республикаси амалиётида давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг айрим йўналишлари кўриб чиқилган.

Пандемия шароитида муваффақиятли бизнес юритиш учун тадбиркорлик муҳитининг замонавий ҳолатини умумий ва дунёнинг илғор мамлакатлари кесимида шунингдек, Ўзбекистон Республикаси мисолида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш муаммоларини ўрганиш, Ўзбекистон Республикаси амалиётида давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг айрим йўналишларини ўрганиш ушбу монографиянинг мақсад ва вазифаси ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг воситавий – услубий аппарати тизимли ёндошув доирасида тадқиқотнинг умумилмий услублари: мантиқий ва вазиятли таҳлил, эксперт баҳолаш, сўровнома, кузатиш, интервью, гурухлаш, таққослаш каби тахлил воситаларини қўллашга асосланади. Ушбу воситалар тадқиқот олиб боришнинг турли босқичларида турли комбинацияларда фойдаланилади, якуний натижалар, хулосалар ва таклифларни илмий асосланганлигини таъминлашга имкон беради.

Таҳлил ва натижалар

2016 - 2019 йиллар мобайнида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун шароит яратиш, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш учун асос бўлган кичик ва хусусий тадбиркорлик учун хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича қатор тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, 2016 йил 5 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг №ПФ-4848 сонли "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"[24] ги Фармони, 2017 йил 1 февралда “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора - тадбирлар тўғрисидаги”[25] Қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар барча турдаги режадан ташқари, тасодифий назоратларни бекор қилиш ва тўсиқларни олиб ташлаш асосида мамлакатда қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган.

Кичик ва хусусий корхоналарни жадал модернизация қилиш ва уларнинг экспорт фаолиятларини рағбатлантириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш, тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда, иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосий йўналиши бўлишлигини, шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортдп иштирокини янада рағбатлантиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни назарда тутади. Бундан ташқари, банклар ва кредит бюролари, уларнинг филиаллари ва ваколатхоналаридан ташқари барча тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш "бир ойна" тизими марказлари зиммасига юклатилади. Ушбу чора-тадбирлар фаолиятдаги тарқоқ тизим ўрнига тадбиркорлик субъектларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва рўйхатга олишнинг ягона тизимини яратишга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июнда қабул қилинган "Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар

[24] Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами, 2016 й., № 40, 467 бет
[25] Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами, 2017 й., № 5, 61 бет, № 20, 354 бет, № 27, 608 бет, № 29, 68 бет

тўғрисида " ги[26] Фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида" ги Қарорига[27] мувофиқ, савдо саноат палатасининг фаолияти унинг вазифа, функция ва ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли такомиллаштирилади. Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, корхоналар фаолияти билан боғлиқ бўлган барча фаолият турларининг шафофлик даражасини ошириш, уларни қисқартириш, соддалаштириш ва жаҳон амалиётида кенг эътироф этилган бизнес юритиш шароитларини баҳолаш мезонлари тизимини жорий этиш, шу асосда Ўзбекистоннинг ишбилармонлик ва инвестициявий муҳитининг халқаро рейтингини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ №4455-сонли "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони қабул қилинди. Ушбу қабул қилинган хужжатларга мувофиқ[28] иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Марказий банк, манфаатдор идоралар ва тузилмалар билан биргаликда мамалакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасидаги стратегик вазифалар белгилаб берилди.

Бугунги кунда ушбу қарор ва фармонлар асосида тадбиркорлик субъектларининг ривожланиши, жумладан замонавий хизматлар кўрсатиши ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариши учун давлат томонидан бир қанча ижобий ишлар олиб борилмоқда, ҳамда уларни қўллаб -қувватлатлаш ва молиявий ёрдам кўрсатишга катта эътибор берилмоқда.

---

[26] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги ПФ-5087-сонли «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 27 июня 2017 г., N 25, ст. 522

[27] О совершенствовании организации деятельности торгово-промышленной палаты Республики Узбекистан. Постановление Президента Республики Узбекистан//Народное слово, 10 июля 2018 г.

[28] Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами, 2012 й., № 29, 328 бет; 2013 й., № 36, 477 бет

Бирок, 2020 йилда дунёда коронавирус тарқалиши оқибатида пандемия ҳолати юзага келди. Бу, ўз навбатида, дунёнинг кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодиётини издан чиқишига олиб келди. Иқтисодиётларда кузатилаётган иқтисодий ҳаракатсизлик натижасида халқ хўжалигининг қатор тармоқларида сезиларли муаммолар кузатилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Бундай хавф-хатарлар даврида мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, ташқи савдо фаолиятини рағбатлантириш, аҳолимизни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг даромадларини кескин пасайиб кетишининг олдини олиш ҳамда тадбиркорлик субъектларини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан март-июл ойларида муҳим фармонлар қабул қилинди.

“Ҳамма шуни яхши билиши керак: бирорта ҳам тадбиркорни ўз ҳолига ташлаб қўймаймиз”, – деди давлатимиз раҳбари[29].

Зеро, бугунги кунда мамлакатни иқтисодий инқироз ҳолатидан чиқишнинг ҳамда аҳолининг бандлигини таъминловчи асосий йўналишларидан бири бу тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришдир.

Муаллифлар пандемия шароитида мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва уларни қўллаб қувватлаш, пандемиянинг иқтисодий жиҳатдан салбий оқибатларини юмшатиш борасида олиб борилаётган чоратадбирлар тизимли таҳлили, баҳолашни амалга оширади.

Муаммонинг долзарблиги, унинг илмий ва амалий аҳамияти, шунингдек мавзунинг кам ўрганилганлиги ушбу монографияни ёзишга туртки берди, бу эса унинг объекти ва предмети, мантиқий тузилиши ва структурасини яратишга олиб келди.

---

[29] https://uza.uz/oz/politics/shavkat-mirziyeev-birorta-am-tadbirkorni-z-oliga-tashlab-yma-03-04-2020

I Боб COVID-19 ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

2000 йиллардан бошлаб Ўзбекистон иқтисодиёти йилига ўртача 8 % га ўсиб иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатларига эришди, шунингдек, паст даражадаги ташқи қарз, барқарор алмашинув курси ва даромадларнинг тенг тақсимланишига эришилди. Ҳукумат кучли саноат сиёсати орқали босқичма-босқич таркибий ўзгаришларга эришди. Глобал инқирозга қарши курашда кўплаб ривожланган давлатлар ҳукуматлари инсоннинг ўзи қабул қилган қарорлари учун шахсий жавобгарлиги аслида хусусий мулкни обрўсизлантириши, бозор иқтисодиётининг мустаҳкам пойдеворига путур етказишига қарши курашга бутун кучини сарфламоқда. Иқтисодий инқироз сиёсатчилар ва экспертлар олдига замонавий хўжалик тизимларнинг фаолиятига доир бир қатор жиддий масала ва вазифаларни ҳал этишни талаб қилиб қўйди.

Бу масала ва вазифаларни ҳал этиш, янги интелектуал билимларни талаб этади.

Ушбу бобда COVID-19 пандемия шароитида Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг ривожланиш истиқболларига таъсирини аниқлаймиз, атрофлича, тизимли таҳлил қиламиз. Шу асосда мамлакатда тадбиркорликни ривожланиш шароитлари ва йўналишларини кўриб чиқиш мумкин бўлади.

Ретроспектив усул асосида биз Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ривожлантиришнинг замонавий йуналишлари, хусусиятларини тасаввур этамиз. Статистик усуллар ёрдамида биз инқироздан кейинги даврда Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиш истиқболларини асослаймиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришган даврда нафақат ўзининг саноат салоҳиятини сақлаб қолди, балки уни модернизация қилиш сиёсатини ҳам олиб бормоқда. Миллий иқтисодиётда қишлоқ хўжалиги улушини қисқартириш билан бирга, қишлоқ хўжалиги тармоғини модернизация қилишга ҳам

муваффақ бўлди. Республика банк тизимини сезиларли даражада мустаҳкамлади ва хизмат кўрсатиш тармоғини кенгайтирди.

Жаҳон иқтисодий тизимининг замонавий ривожланиш босқичининг асосий хусусияти шундаки, COVID-19 пандемия шароитида инқирознинг оқибатларини бартараф этиш ва жаҳон молиявий архитектурасини ислоҳ қилиш бўлиб ҳисобланади, бу эса ўз навбатида, айрим давлатларнинг пул-кредит сиёсатига инқирозга қарши тузатишлар киритишни талаб қилади[30].

Инқирозга қарши чоралар дастурини самарали амалга ошириш, бир қатор асосий масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқдир. Биринчи савол миллий иқтисодиётни ривожлантириш стратегияси ва иқтисодий сиёсатнинг якуний мақсадига нисбатан инқирозга қарши сиёсатнинг табиати ва мақсадлари билан боғлиқ. Агар инқирозга қарши дастур вақтинчалик тавсифга эга бўлса, ундай ҳолда бундай молиявий сиёсат ва унинг хатарлари инқироздан кейинги давр иқтисодиётига қандай таъсир кўрсатади? Агар бу сиёсат узоқ муддатли тавсифга эга бўлса ва "янги иқтисодий сиёсат" сифатида намоён бўлса, унинг вазифалари инновацион пост-саноат иқтисодиётини яратиш ва ҳаёт сифатини оширишга қаратилган мақсадлар билан қандай боғлиқ? Ушбу масалаларнинг юзага келиши иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг мавжуд тизимининг муайян даражада самарасиз эканлигидан далолат беради. Инқироздан чиқиш учун фавқулодда чоралар кўрилган бўлса, ҳозирги пайтда макроиқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларини аниқлаш вақти келди.

Иқтисодий сиёсатнинг яна бир муҳим хусусияти миллий сиёсат (манфаатлар) ва глобал қадриятлар ўртасидаги зиддиятни бартараф этишдир.

---

[30] Abdullaev, A.M., Nabieva, N. M., Muminova, E. A., Honkeldieva, G. Sh. (2020). Economic and Social Policies During Covid-19 Period: Relief Plan of Uzbekistan. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(06), 5910 - 5921. Retrieved from http://sersc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/19871

Ушбу вазифани ҳал этишга иқтисодий соҳадаги халқаро ҳамкорликда юзага келган ўзига хос ҳусусиятлар тўсқинлик қилмоқда[31].

Глобал бошқарувда асосий актёр сифатида давлатнинг тутган ўрни ўзгармоқда. Агар илгари глобал бошқарувда давлат иштирокининг шаклларини бевосита ёки билвосита эканини аниқ ажратиб олиш мумкин бўлган бўлса, унда янги дунё тартибини шакллантириш шароитида ва халқаро иттифоқлар ва минтақавий интеграция гуруҳларининг аҳамияти ўсиб бораётган шароитда глобал бошқарувда давлат иштирокининг воситачилик шакли устунлик қилмоқда. Шу билан бирга, давлат ўз ваколатларини кенгайтириб, уларнинг бир қисмини трансмиллий босқич (инстанция)ларга топширди.

Глобал инқирозга қарши курашда кўплаб ривожланган давлатлар ҳукуматлари инсоннинг ўзи қабул қилган қарорлари учун шахсий жавобгарлиги, аслида хусусий мулкни обрўсизлантириши, бозор иқтисодиётининг мустаҳкам пойдеворига путур етказишига қарши курашга бутун кучини сарфламоқда. Давлат хусусий хавфларни ўзига олишга тайёр, бошқача айтганда, йўқотишларни миллатлаштириш сиёсати кейинги босқичда хавфларни миллатлаштиришга олиб келиши муқаррардир. Иқтисодий инқироз сиёсатчилар ва экспертлар олдига замонавий хўжалик тизимларнинг фаолиятига доир бир қатор жиддий масала ва вазифаларни ҳал этишни талаб қилиб қўйди. Бу каби масалалар, одатда, янги ҳақиқатларни англаб етиш ва аниқ ечимларга эга бўлмаган вазифани ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган интеллектуал кашфиётларни талаб этади. Муҳокама қилинаётган чора-тадбирларнинг аксарияти миллий даражада етарли даражада сиёсий қўллаб-қувватланмади. Шубҳасиз, молиявий секторни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида қарор қабул қилишга шошилиш яширин таваккалчиликларнинг пайдо бўлишига ва амалга ошишига олиб келиши мумкин, келажакда турли юрисдикциялар ўртасида арбитражни

[31] Ашуров, М. С., Шакирова, Ю.С. (2019). Вопросы устойчивого развития промышленных предприятий Узбекистана в условиях риска. Проблемы современной науки и образования, (4 (137)), 32-36.

ривожланишига ва жаҳон харитасида молиявий марказлар кучлари жойлашувининг ўзгаришига олиб келиши мумкин[32]. Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда тартибга солувчи органлар бошқа давлатларнинг тартибга солувчи органларининг фаолиятига қарамасдан қарорлар қабул қила олмайди. Ҳозирги шароитда миллий молиявий секторлар мониторинги механизми ва трансчегаравий битимлар ва тартибга солувчи иштирокчиларнинг хатарларини ҳисобга олиш долзарб бўлиб қолмоқда. Муаммо шундаки, глобаллашган бозорлар миллий даражада тартибга солинади. Бироқ, бу фақат кўрсатиб ўтилган зиддиятни енгиллаштиради, аммо уни бартараф қилмайди. Иқтисодиётни тартибга солувчи сифатида давлат функцияларини кўриб чиқа туриб, у дуч келадиган умуман янги парадигмани ҳисобга олиш керак. Кўпгина анъанавий соҳаларда унинг жойлашуви миллий даражадаги тартибга солувчилардан анча ортда қолмоқда. Марказий банкнинг асосий ставкаси, миллий валютанинг алмашинув курси, импорт тўсиқлари, экспорт субсидиялари, солиққа тортиш, ижтимоий сиёсат, таълим, кадрларнинг касбий тайёргарлиги - улар ташқи регуляторлар фойдаси билан қоришиб кетувчи давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш воситаси бўлиб ҳисобланади[33]. Аслида тарихда биринчи марта ҳукумат ўз ҳудудида иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари устидан назорат қилишда ўзининг суверен ҳуқуқларидан қисман воз кечиши кераклиги ҳақида гап кетмоқда.

Жаҳон тажрибаси, муайян даражада давлат аралашувига асосланган бозор механизмларига эга ўзини ўзи бошқариш иқтисодиёти юқори самарадорли эканлигини кўрсатмоқда. Инқироз сабоқлари шуни кўрсатадики, ўз ихтиёрига қўйиб қўйилган бозор, ҳам иқтисодий тизимни, ҳам бутун давлатнинг пойдеворига путур етказишга қодир жуда кўплаб олдиндан айтиб бўлмайдиган

---

[32] Барыкин, С. А. (2020). Новые возможности и вызовы для системы регулирования финансового сектора в результате развития мирового рынка финансовых технологий. *Ars Administrandi*, *12*(1).

[33] Хазраткулова, Л. Н., & Шайданов, Т. Р. (2019). Институциональные основы межбюджетных отношений в республике Узбекистан. In *Стратегия устойчивого развития в антикризисном управлении экономическими системами* (pp. 294-300).

муаммоларни келтириб чиқаради. Бунинг сабаби шундаки, бозор барқарор инфратузилмани яратиш ва қўллаб-қувватлашга қодир эмас[34]. Шу нуқтаи назардан, ҳозирги босқичда барча саноати ривожланган давлатларда давлат муҳим рол ўйнаган ва ўйнашда давом этмоқда.

Пандемия шароити, унинг жиддийлиги ва динамикаси глобал жараёнларнинг миллий иқтисодиётга таъсири кучаяётганини намойиш этди. Глобаллашувнинг ўсиб бораётган тенденцияси деярли барча соҳалар ҳаёт фаолиятини, айниқса иқтисодиётда интеграция ва ҳамкорлик кўламини оширди, айни шу пайтда халқаро рақобатни кучайтирди. Буларнинг барчасида миллий манфаатларни рўёбга чиқариш учун жиддий синовларни акс эттирувчи кучли рақобат муҳити туради. Вазият, кўпгина хорижий давлатлар пандемия шароитида юзага келган инқироздан кейинги даврда ўз бозорларини ҳимоя қилиш ва экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича харакатларни амалга оширишга эътиборни кучайтирадилар.

Буларнинг барчаси турли хил тўсиқлар ва ҳимоя механизмларини яратиш, шунингдек, иқтисодиётга нафақат ички капитални киритиш орқали рецессияни бартараф этиш асоссизлигини кўрсатмоқда. Ушбу йўналишда давлат янги иқтисодий тартибнинг шаклланишига таъсир кўрсатиш имкониятини йўқотиб, охир-оқибат, уларни жаҳон иқтисодий иерархиясида четки ўринларига дучор қилади.

Ҳозирги шароитда миллий иқтисодиётни ривожлантиришни жадаллаштиришнинг ягона йўли - бу миллий ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш бўйича фаол сиёсат асосида жаҳон бозорлари билан ўзаро муносабатларни кенгайтиришдан иборат[35]. Бундай шароитларда рақобат муҳитини ривожлантириш биринчи даражали аҳамият касб этиб, корхоналарда товарлар ва хизматларга бўлган пасайиб

[34] Попов В. В. Экономическое чудо переходного периода: как Узбекистану удалось то, что не удалось ни одной постсоветской экономике //Журнал Новой экономической ассоциации. – 2014. – №. 1. – С. 136-159.

[35] Чепель, С. В. (2020). Макрорегулирование в интересах устойчивого развития: приоритеты для россии и Узбекистана. *Россия: тенденции и перспективы развития*, (15-1).

бораётган талабни қаноатлантириш ва молиявий ресурслар учун кураш кескинлашмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни давлат томонидан самарали тартибга солиниши, иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва унинг тез ўзгариб борувчи ташқи муҳит шароитларига юқори даражадаги мослашувчанлиги учун асос бўлди[36]. Молия-иқтисод, бюджет, банк-кредит тизимлари, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ва узлуксиз ишлашини таъминлаш учун республикада етарли даражада мустаҳкамлик захираси ва зарур ресурслар базаси яратилиши керак.

Умуман, миллий иқтисодиёт асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича ижобий тенденциялар билан тавсифланади (1.1.1-жадвал).

1.1.1.-жадвал

Ўзбекистон миллий иқтисодиёти ривожланишининг 2000-2019 йиллардаги асосий динамик кўрсаткичлари[37]

Иқтисодиётни ривожлантириш кўрсаткичлари	2000 й.	2011 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
ЯИМ нинг ўсиш суръати	3,8	8,3	8,0	7,8	5,3	5,1	5,6
ЯИМ аҳоли жон бошига АҚШ долларида[38]	2493	5489	6343	6452	6518	6914	7288
Бюджет камомади	-4,2	+0,3	+0,1	+0,1	+0,1	-0,2[39]	

[36] Виноградов, А. В., & Рябов, А. В. (2019). Политические системы постсоветских стран и китая в процессе межсистемной трансформации. *Polis: Journal of Political Studies*, (3).

[37] Манбаа: Ўзбекистон Республикаси Давстатқўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ҳисобланган.

[38] Жаҳон банки маълумотлари асосида. Электрон ресурс. Кириш тартиби: https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.PCAP.PP.CD?end=2019&locations=UZ&most_recent_year_desc=false&start=1990&view=chart

[39] https://lex.uz/ru/docs/4131693

Иқтисодиётнинг солиқ юки, ЯИМ нисбатан % да	39,5	22	20,7[40]	19,1	19	19,4[41]	21,9[42]
Нарх индекси (инфляцияда даражасида) % да	н/д	7,3	5,6	9.7	14,4	14.3	15.2[43]
Ташқи қарз, ЯИМ га нисбатан % да	н/д	17,5	18,5	11,6	19,7	29,1	30,5[44]
Саноат корхоналарининг ЯИМдаги улуши, % да	14,2	24,1	33,1[45]	32,9[46]	22,2[47]	26,5[48]	30,0[49]
Хизматларнинг ЯИМ даги улуши,%	37	47,8	48,6	49[50]	47,3[51]	35,6[52]	35,5[53]
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-ликнинг ЯИМ даги	31,0	54,0	56,7	56,9	63,6[54]	60,4[55]	56,5[56]

[40] 2016 йилда Ўзбекистон иқтисодиётида солиқ юки 19,1% гача пасаяди. [Электрон ресурс]. Кириш тартиби. URL:http://review.uz/index.php/novosti-main/item/5300-nalogovoe-bremya-ekonomiki-uzbekistana-v-2016-godu-snizitsya-do-19-1.

[41] Электрон ресурс. Кириш тартиби: https://static.norma.uz/official_texts/itogi.pdf 14 бет

[42] Электрон ресурс. Кириш тартиби: https://static.norma.uz/official_texts/itogi.pdf 14 бет

[43] Электрон ресурс. Кириш тартиби: https://cbu.uz/oz/monetary-policy/annual-inflation/

[44] Электрон ресурс. Кириш тартиби: https://www.mf.uz/media/file_uz/davlat_ karzi/2019.pdf 4 бет

[45] Электрон ресурс. Кириш тартиби: https://stat.uz/uploads/doklad/2016/yanvar_dekabr_2016_uz.pdf 6 бет (Саноат қурилишни қўшган ҳолда)

[46] Электрон ресурс. Кириш тартиби: https://stat.uz/uploads/doklad/2016/yanvar_dekabr_2016_uz.pdf 6 бет (Саноат қурилишни қўшган ҳолда)

[47]Электрон ресурс. Кириш тартиби: https://stat.uz/uploads/doklad/2019/yanvar-dekabr/uz/1.pdf 11 бет

[48] Электрон ресурс. Кириш тартиби: https://stat.uz/uploads/doklad/2019/yanvar-dekabr/uz/1.pdf 10 бет

[49] Электрон ресурс. Кириш тартиби: https://stat.uz/uploads/doklad/2019/yanvar-dekabr/uz/1.pdf 11 бет

[50] Электрон ресурс. Кириш тартиби: https://stat.uz/uploads/doklad/2017/yanvar-dekabr/uz/doklad-uz-yanvar-dekabr17.pdf

[51] Электрон ресурс. Кириш тартиби: https://stat.uz/uploads/doklad/2018/yanvar-dekabr/uz/1.pdf

[52] Электрон ресурс. Кириш тартиби: https://stat.uz/uploads/doklad/2018/yanvar-dekabr/uz/1.pdf

[53] Электрон ресурс. Кириш тартиби: https://stat.uz/uploads/doklad/2019/yanvar-dekabr/uz/1.pdf

[54] Электрон ресурс. Кириш тартиби: https://stat.uz/uploads/doklad/2018/yanvar-dekabr/uz/8.pdf 2 бет

[55] Электрон ресурс. Кириш тартиби: https://stat.uz/uploads/doklad/2019/yanvar-dekabr/uz/8.pdf 2 бет

[56] Электрон ресурс. Кириш тартиби: https://stat.uz/uploads/doklad/2019/yanvar-dekabr/uz/8.pdf 2 бет

улуши, %							
ЯИМ дефлятори, %[57]					119,4	127,5	119,2

2015-2019 йилларда иқтисодиётни диверсификация қилиш ислоҳотларни давом эттириш, таркибий ўзгаришларга доир дастурлар ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш имконини берди.

2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича комплекс дастурни амалга ошириш ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш имконини берди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 511 838,1 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йил1 билан таққослаганда 5,6 % га ўсди. ЯИМ дефлятор индекси 2018 йилдаги нархларга нисбатан 119,2 % ни ташкил этди.

2019 йил якунларига кўра, ЯИМ таркибида товарлар ишлаб чиқаришда 300 304,2 млрд. сўм, хизматлар кўрсатиш соҳасида 165 053,2 млрд. сўм миқдорида ялпи қўшилган қиймат яратилди, маҳсулотларга соф солиқлар эса 46 480,7 млрд. сўмни ташкил этди.

2019 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ўртача йиллик курси бўйича ҳисобланган ЯИМ ҳажми 57 907 млн. АҚШ долларини ташкил этди (2018 йилда – 50 397 млн. АҚШ долл.). Маълумот учун: АҚШ долларининг сўмга нисбатан расмий курси ўртача йиллик ҳисобда 2018 йилда 8 069 сўм, 2019 йилда 8 839 сўмга тенг бўлган.

[57] Электрон ресурс. Кириш тартиби: https://stat.uz/uploads/doklad/2019/yanvar-dekabr/uz/1.pdf 7 бет

1.1.2-жадвал

2017 – 2019 йилларда иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМ ишлаб чиқариш хажми

	2017 йил	*2018 йил*	*2019 йил*
I. ЯИМ - жами	**302 536,8**	**406 648,5**	**511 838,1**
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	267 744,8	361 072,7	465 357,4
Маҳсулотларга соф солиқлар	34 792,0	45 575,8	46 480,7
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	**267 744,8**	**361 072,7**	**465 357,4**
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	**90 983,9**	**113 660,7**	**130 599,9**
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	**74 799,0**	**117 905,0**	**169 704,3**
саноат	59 570,4	95 803,9	139 812,8
қурилиш	15 228,6	22 101,1	29 891,5
Хизматлар	**101 961,9**	**129 507,0**	**165 053,2**
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	21 540,6	26 747,9	32 191,5
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	25 305,5	30 616,0	35 824,0
бошқа хизмат тармоқлари	55 115,8	72 143,1	97 037,7

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ 15 242,0 минг сўмни (ёки 1 724 АҚШ долл. эквивалентида) ташкил этди ва бу кўрсаткич 2018 йил билан таққослаганда 3,6 % га ўсди. Аҳоли жон бошига ЯИМ ўсиши 2017 ва 2018 йилларда мос равишда 2,7 % ва 3,6 % ни ташкил этган.

2017-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқларининг қиёсий таҳлили саноат тармоғи улушининг 30,0 % гача ошиши (2018 йилда – 26,5 %, 2017 йилда – 22,2 %) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғи улушининг 28,1 % гача (2018 йилда – 31,5 %, 2017 йилда – 34,0 %) камайиши билан боғлиқ бўлган таркибий ўзгаришларни қайд этиш имконини беради.

1.1.1-расм. 2019 йилда ЯИМнинг тармоқлар бўйича таркиби (жамига нисбатан, %)

2019 йилдаги иқтисодий ўсиш суръати иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ижобий динамика билан боғлиқдир. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми ЯИМ умумий ҳажмининг 90,9 % ини ташкил этди ва 5,6 % га ўсди (ЯИМ мутлоқ ўсишига таъсири 5,0 фоиз пунктни ташкил этди).

Маҳсулотларга соф солиқларнинг ЯИМ таркибидаги улуши 9,1 % ни ташкил этди ва мос равишда 5,6 % даражасида ўсиш қайд этилди (ЯИМ мутлоқ ўсишига таъсири 0,6 ф.п.).



1.1.2-расм. 2019 йилда ЯИМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича мутлоқ ўсиш суръратлари (ўтган йилга нисбатан, %)

2019 йилда саноат тармоғининг қўшилган қийматида 6,6 % га ўсиш қайд этилди. Саноат ишлаб чиқаришининг ЯИМ мутлоқ ўсиш суръатига ижобий таъсири 1,6 ф.п.ни ташкил қилди. Саноат тармоғидаги ижобий динамика асосан ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат тармоғи қўшилган қийматининг 9,4 % (2018 йилда – 7,9 %, 2017 йилда – 4,2 %) га ўсиши ҳисобига таъминланди. Ўтган икки йил давомида сезиларли ўсишдан сўнг, таққослама нархларда тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш тармоғи қўшилган қиймати ҳажмининг 1,0 % га пасайиши кузатилди (ўсиш 2018 йилда – 26,5 %, 2017 йилда – 17,6 %).

2019 йил якунлари бўйича, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноати қўшилган қиймати таркибида энг катта улуш металлургия ва металлни қайта ишлаш саноатига (машина ва ускуналардан ташқари) тўғри келди ва 36,3 % ни ташкил этди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши 13,8 %, тўқимачилик маҳсулотлари, кийим, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш – 13,4 %, резина, пластмасса

буюмлар ва бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш – 9,7 %, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 7,3 %, автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицеплар ҳамда бошқа транспорт ускуналари ишлаб чиқариш – 6,2 %, электр ускуналари ишлаб чиқариш – 3,2 %, кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 2,5 % ҳамда ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатининг бошқа маҳсулотларини ишлаб чиқариш – 7,6 % ни ташкил қилди.

Турар жой мажмуаларини, ижтимоий соҳа ва муҳандислик инфратузилма объектларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш, шунингдек, саноатнинг базавий тармоқлари корхоналарини қуриш ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар натижасида **қурилиш ишлари** ҳажми 2018 йил билан таққослаганда 19,0 % га ўсди. Қурилиш тармоғининг ЯИМ ўсишидаги ижобий ҳиссаси 1,0 ф.п.ни ташкил қилди.

2019 йил якунлари бўйича, **хизмат кўрсатиш соҳасининг** ялпи қўшилган қиймати ҳажми 165 053,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилга нисбатан 5,1 % га ўсди (ЯИМ ўсишидаги ҳиссаси 1,7 ф.п.ни ташкил этди). Шундан, савдо хизматлари (автотранспорт воситаларини таъмирлашни қўшган ҳолда) 4,9 % га, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 5,9 % га, ташиш ва сақлаш хизматлари 4,9 % га, ахборот ва алоқа хизматлари 8,0 % га ва хизматлар соҳасининг бошқа тармоқлари 5,0 % га ўсди.

2019 йилда **савдо (автотранспорт воситаларини таъмирлашни қўшган ҳолда) тармоғининг** ялпи қўшилган қиймати таркибида энг катта улуш чакана савдо (автотранспорт воситалари савдосидан ташқари) га тўғри келди ва 67,3 % (2018 йилда – 67,3 %, 2017 йилда – 68,2 %) ни ташкил этди. Улгуржи савдо (автотранспорт воситалари савдосидан ташқари) нинг улуши 26,0 % (2018 йилда – 26,2 %, 2017 йилда – 26,5 %) ни, автотранспорт воситаларининг улгуржи ва чакана савдоси ҳамда уларни таъмирлаш 6,7 % (2018 йилда – 6,5 %, 2017 йилда – 5,3 %) ни ташкил қилди.

2019 йилда **ташиш ва сақлаш тармоғининг** қўшилган қиймати таркибида энг кўп улуш автомобиль транспортига тўғри келди ва 53,3 % ни ташкил этди (2018 йилда – 55,5 %, 2017 йилда – 63,6 %). Мазкур тармоқ умумий қўшилган қийматида қувур транспортининг улуши 17,3 % (2018 йилда – 15,0 %, 2017 йилда – 12,7 %), темир йўл транспортининг улуши 11,9 % (2018 йилда – 11,8 %, 2017 йилда – 10,3 %), ёрдамчи транспорт фаолиятининг улуши 10,9 % (2018 йилда – 11,4 %, 2017 йилда – 8,2 %) ва ҳаво транспортининг улуши 6,6 % (2018 йилда – 6,3 %, 2017 йилда – 5,2 %) ни ташкил этди.

2019 йил якунлари бўйича, кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан 262 984,4 млрд. сўм миқдорида қўшилган қиймат ёки иқтисодиётда яратилган жами қўшилган қиймат ҳажмининг 56,5 % и яратилди. Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича ялпи қўшилган қийматда кичик тадбиркорлик (бизнес) нинг улуши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 98,6 %, қурилишда 78,7 %, хизматлар соҳасида 40,7 % ва саноатда 31,1 % ни ташкил этди.

2019 йил давомида 92,9 мингта янги кичик корхона ва микрофирмалар (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) ташкил этилди ва бу кўрсаткич 2018 йилдагига нисбатан 1,9 баробар кўпдир. Кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг энг кўп сони савдо (39,1 %), саноат (21,0 %), қурилиш (9,4 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (8,0 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (7,8 %), ташиш ва сақлаш (3,2 %) соҳаларида ташкил этилди.

1.1.3-расм. 2019 йилда иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМ да кичик тадбиркорлик (бизнес) нинг улуши (ЯҚҚ га нисбатан фоизда)

2019 йилда ЯИМ дефлятор индекси 2018 йилнинг мос давридаги нархларга нисбатан 119,2 % ни ташкил этди. ЯИМ таркибида дефлятор индексининг юқори кўрсаткичлари саноат тармоғида – 136,9 % (хусусан, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш тармоғида – 151,4 %; ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатида – 132,7 %; саноатнинг бошқа тармоқларида – 140,2 %) ва бошқа хизмат тармоқларида – 128,1 % қайд этилди.

Республиканинг ўртача даражаси (119,2 %) дан паст бўлган дефлятор индекслари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (112,1 %), қурилишда (113,7 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда (114,7 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқада (110,8 %) ва маҳсулотларга соф солиқларда (96,6 %) кузатилди.

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 189,9 трлн. сўм, (доллар эквивалентида 21,5 млрд. АҚШ долл.) ёки 2018 йилга нисбатан 133,9 % асосий капиталга инвестициялар

ўзлаштирилди. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатларига эришилишда тўғридан - тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг юқори ўсиш суръатлари асосий омил бўлди. Улар 2018 йилга нисбатан 3,9 мартага ўсиб, жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг – 31,0 %ини, шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 19,6 % (ёки 3,6 марта ўсишни) ташкил этди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат кафолати остида хорижий кредитлар – 14,7 % (ёки 142,4 %), бюджет маблағлари – 7,6 % (ёки 117,7 %) ташкил этди.

2019 йилнинг январь-декабрида жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг асосий қисми, яъни 52,5 % республиканинг тўртта ҳудудида, жумладан, Тошкент шаҳрида – 21,8 %, Қашқадарё вилоятида – 12,4 %, Навоий вилоятида – 9,4 % ва Тошкент вилоятида – 8,9 % ўзлаштирилган. Ҳудудларда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари Жиззах вилоятида 195,2%, (асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 7919,3 млрд. сўм), Сирдарё вилоятида - 194,3% (6129,2 млрд. сўм), Хоразм вилоятида - 167,1 % (5566,8 млрд. сўм), Сурхондарё вилоятида - 148,8 % (12232,4 млрд. сўм), Навоий вилоятида - 145,7 % (17775,3 млрд. сўм), Тошкент шаҳрида - 142,5 % (41497,9 млрд. сўм), Андижон вилоятида - 142,3 % (8183,7 млрд. сўм) ва Фарғона вилоятида - 140,1 % (9164,2 млрд. сўм).

Ташқи савдо айланмаси**.** Ҳукуматнинг ташқи иқтисодий фаолият борасида сўнгги йилларда амалга ошираётган экспортни рағбатлантириш, импортни оптималлаштириш ва умуман олганда ташқи савдо мувозанатини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотлар 2019 йил якуни билан республиканинг ташқи савдо айланмасини (матнда ТСА) 42,2 млрд. АҚШ долларига етишини ва 2018 йилга нисбатан 8,7 млрд. АҚШ долларига ёки 26,2 % га ошишини таъминлади. Ушбу натижа мамлакат тарихида энг юқори кўрсаткич сифатида қайд этилди.

ТСАда экспорт ҳажми 17,9 млрд. АҚШ долларига (ўсиш суръати – 128,0 %) ва импорт ҳажми 24,3 млрд. АҚШ долларига (ўсиш суръати – 124,9 %) етди. Ҳисобот даврида 6,4 млрд. АҚШ доллари қийматида пассив ташқи савдо баланси қайд этилди. Ўзбекистон Республикасининг ТСА динамикаси таҳлили 2019 йилда ўтган йилга нисбатан экспорт ва импорт ҳажмларини ўсишини кўрсатди. 2017 йилга нисбатан ТСА 1,6 баробарга ошди ва импорт (1,9 баробар) эса экспортга (1,3 баробар) нисбатан тезроқ ўсди.

2017-2019 йиллардаги ташқи савдо баланси ҳажмлари ўсишига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Яъни, 2018 йилнинг III чорагида энг юқори пассив ташқи савдо баланси кузатилиб, 2017 йилнинг III чорагидаги актив ташқи савдо балансига нисбатан 2,6 млрд. АҚШ долларга ошган ва 2019 йилнинг IV чорагига келиб пассив савдо баланси 2,1 млрд долл. ташкил этди.

Экспорт таркибида товарлар улуши 80,1 %ни ташкил этиб, улар асосан қимматбаҳо металлар (кумуш билан бирга 28,2 %), энергия ташувчи ва нефть маҳсулотлари (14,1 %), тўқимачилик буюмлари (9,1 %), озиқ-овқат маҳсулотлари (8,5 %, аксарият мева-сабзавот – 6,7 %), рангли метал ва ундан тайёрланган буюмлар (5,3 %) ҳамда кимё маҳсулотлари ва буюмлари (4,9 %) ҳиссасига тўғри келмоқда.

Иқтисодёт назарисида барқарор иқтисодий ўсиш ҳақида тушунча мавжуд бўлиб, у барқарор ривожланишининг ажралмас қисми ҳисобланади[58].

Барқарор ўсишни қандай мезонлар асосида аниқлаш мумкин? Барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари - бу макроиқтисодий кўрсаткичларнинг узоқ муддат давомида (одатда камида беш йил) ушбу кўрсаткичларнинг доимий ўсиши пропорционал суръат асосида сезиларли тебранишларисиз амалга ошадиган ижобий ўсиш динамикасидир.

[58] Paun, C. V., Musetescu, R. C., Topan, V. M., & Danuletiu, D. C. (2019). The impact of financial sector development and sophistication on sustainable economic growth. *Sustainability*, *11*(6), 1713.

Барқарор иқтисодий ўсишга қандай қилиб эришиш мумкинлиги ҳақидаги саволга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Энг аввало, иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва улардан самарали фойдаланишга таъсир қилувчи омилли ресурсларни ҳисобга олишимиз керак. Уларнинг таркибига нималар киради? Унинг таркибига қуйидагилар: табиий ресурслар миқдори ва уларнинг сифати; меҳнат ресурслари сони ва интеллектуал қобилиятлари; асосий капиталнинг ҳажми; замонавий технологиялар киради.

Ўзбекистонда моддий қийматликлар ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг динамик (барқарор)лик хусусияти шундаки, бир томондан, ишлаб чиқариш ресурсларининг мавжудлиги ва улардан самарали фойдаланиш, шунингдек, илмий - техник тараққиётнинг натижаси бўлса, бошқа томондан мавжуд ресурсларни ўзлаштириш имкониятларига бевосита боғлиқ бўлиб ҳисобланади[59].

Шу билан бирга, иқтисодий ўсишни таъминлашда, ички капитал етишмаслигининг мавжудлиги ташқи иқтисодий омиллар, айниқса, хорижий инвестициялар ва кредитларнинг ролини оширади.

Ялпи ички маҳсулот ва унинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳажмининг ўсиши ёки пасайиши натижасида нима юзага келади?

ЯИМ мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини ифодаловчи ва фуқароларнинг фаровонлигини кўрсатувчи муҳим кўрсаткичдир.

ЯИМ ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ўсиши - мамлакат иқтисодиёти ва унинг аҳолиси учун яхши бўлади. Бу кўрсаткичнинг пасайиши иқтисодиётда муаммоларнинг келиб чиқиши ва аҳолининг фаровонлигини пасайишини англатади.

Шу билан бирга, халқаро амалиёт шуни кўрсатадики, девалвация натижасида инфляция жараёни кучаяди, шунинг учун истеъмол қобилиятининг

[59] Shirinov, S. (2020). A conceptual approach to implementing a sustainable strategy for economic development. *Economic and Social Development: Book of Proceedings, 4,* 51-55.

пасайиши табиий ҳисобланади. Ушбу ҳолатда аҳолининг камбағал ёхуд қашшоқ бўлиб қолиши ҳақидаги саволга жавоб бериш учун ЯИМни харид қобилиятини кўриб чиқиш зарур.

2019-2020 йилларда Ўзбекистонда ЯИМ ҳажми АҚШ долларида ўсиши прогноз қилинмоқда, бу эса доллар курсининг ўсиши ҳақида маълумот бермоқда. Бу ҳолатда, экспорт хажми ва унинг ЯИМдаги улушининг ўсиши ЯИМни доллардаги ифодасининг ўсишида асосий омил бўлиб қолади.

Бугунги кунда 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича харакатлар Стратегияни амалга ошириш доирасида Республикада кенг миқёсли институционал ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947[60]-сонли Фармони билан тасдиқланган ҳаракатлар Стратегияси мамлакатнинг давлат ва ижтимоий ривожланиш истиқболларини стратегик режалаштириш тизимига сифат жиҳатидан янгича ёндашувни белгилаб берди.

Стратегик тараққиётнинг устувор йўналишларини амалга оширишнинг бошланғич механизми сифатида ҳукумат «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» да харакатлар Стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастурини тасдиқлади.

2017 йил якунлари дастлабки натижаларига кўра, Давлат дастурини самарали амалга оширишга йўналтирилган давлат органлари, ноҳукумат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, хорижий мутахассислар ва халқаро экспертларни фаол жалб этган ҳолда кучларнинг бирлашиши кузатилмоқда.

Бугунги кунда харакатлар Стратегияни амалга ошириш доирасида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга қаратилган 19 та қонун ва 700 дан ортиқ бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

---

[60] Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами, 2017 й., № 6, 70 бет, № 20, 354 бет, № 23, 448 бет, № 29, 683 бет, 685 бет, № 34, 874 бет, № 37, 982 бет

Шу билан бирга, Ўзбекистон бизнес тизимида динамик тавсифга эга ва реал мулк эгаларининг синфини шакллантиришга тўсқинлик қилувчи субъектив омилларни максимал даражада камайтиришга қаратилган ҳуқуқий соҳани шакллантириш жараёнига эътибор қаратиш лозим. Шундай қилиб, ҳуқуқий - меъёрий асосни такомиллаштириш икки йўналишда амалга оширилади, айнан:

- тадбиркорликнинг асосий эҳтиёжларини акс эттирадиган ва унинг субъектлари учун умумий қоидаларни белгилайдиган ягона, бирлаштирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни яратиш;
- тартибга солиш тизимининг етишмаётган элементларини тўлдириш билан амалдаги ҳуқуқий меъёрларни тизимлаштириш.

Иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим таркибий қисми тадбиркорликни янада ривожлантириш учун максимал бизнес муҳитини шакллантиришдир. Ушбу соҳадаги асосий йўналишларидан бири келгусида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг назорат ва бошқарув функцияларини янада қисқартириш, маъмурий ҳаракатларни соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларни бартараф этишдан иборат.

Мамлакатда тадбиркорларнинг давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари билан муносабатларида улар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили жорий қилинган. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишни соддалаштириш ва кўмаклашиш мақсадида 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга тузатишлар ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, янги киритилган тартибга кўра, агар шахс солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятларни биринчи марта содир этган бўлса, қонун бузилиши аниқлангандан сўнг 30 кун ичида давлатга етказилган зарар тўлиқ қопланган бўлса, жиноят иши қўзғатилмайди ва шахс жавобгарликдан озод қилинади.

Хусусий мулкдорлар ва тадбиркорларнинг қонундаги ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш масалаларини ҳал қилишда суд тизимининг ролини кучайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Судлар тадбиркорлик субъекти томонидан шикоят қилинганда тегишли даъвони кўриб чиқиш даврида назорат органининг қарорини бажарилишини тўхтатиш ҳуқуқига эга.

Солиқ ва божхона қонунчилигини бузганлиги сабабли тадбиркорлик субъектларнинг мол-мулки фақат суд қарорига кўра олиб қўйилиш меъёри қонунчиликка киритилди, даъвони кўриб чиқиш вақти сезиларли даражада қисқартирилди.

Ҳозирги кунда микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг қарори билан режали равишда ҳар тўрт йилда бир марта, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар учун эса ҳар уч йилда бир марта амалга оширилади.

Ислоҳотлар доирасида давлатнинг институтционал сиёсатини тегишли даражада рақобат сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлган зарур ҳуқуқий доира ва инстititутлар таъминлайди. Бундай ҳолатда, бизнинг фикримизча, давлат бозор механизмлари бозорни ҳаддан зиёд тартибга сола олмаган ҳолда ушбу томоилдан келиб чиқиб иш олиб боради. Акс ҳолда, рақобат корхоналар фаолияти эркинлигини чеклайдиган давлат томонидан тартибга солиш тизими билан алмашиш хавфи юзага келади. Бундай сиёсат, биринчи навбатда, реал бозор рақобатини босим остида қолишига, иккинчидан, потенциал кучли миллий ишлаб чиқарувчиларни ташқи бозорлардаги рақобат курашларида рақобатбардошлигини заифлаштиришига олиб келиши мумкин. Бу жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган "ўзбек модели" нинг асосий тамойилларига зид келади.

Глобаллашув жараёнлари таъсирининг кенгайиши, ички ва ташқи товар бозорларида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг келгусидаги

рақобатбардошлигини ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш зарурлигини талаб қилади. Республикада монополияга қарши қонунчиликни такомиллаштиришда рақобат сиёсатининг асосий тамойилларидан келиб чиқувчи - монополист корхоналар фаолиятини қаттиқ тартибга солишдан, уларнинг бозордаги рақобатга зид бўлган хатти-ҳаракатлари ҳақида огоҳлантиришга ўтиш керак. Бунда корхонанинг устун мавқеи, унинг самарали фаолият кўрсатаётганлиги ва ташқи бозорда рақобатбардошлик бўйича муҳим устунликка эришаётганлигидан дарак бераётганлигини эътиборга олиш керак. “Рақобат тўғриси” даги Қонунининг янги таҳririни қабул қилиш, бизнинг фикримизча, рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қоидаларни мустаҳкамлайди, бу эса ушбу соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг шаффофлиги ва самарадорлигини оширади, шунингдек тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун тенг шароитлар яратади. Бу республикада рақобатни ривожлантириш ва товар ва хизматлар бозорларида уни ҳимоя қилишнинг энг муҳим жиҳати бўлиб ҳисобланади.

Шу муносабат билан биржа савдосининг энг муҳим ютуқлари, яъни фьючерс шартномалари, савдо терминали ва шошилинч бозор учун ахборот панелининг киритилиши, биржа хизматлари учун тўловлар хажмининг пасайтирилиши каби янги воситаларнинг ишга туширилишини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг рақобат имконияти доираси кенгайтирилди, бу эса бутун республикани қамраб оладиган кенг миқёсли ҳудудий тармоқнинг мавжудлиги, биржа битимларини кафолатли амалга ошириш, энг янги ахборот - биржа технологиялари, савдо воситаларининг кўплаб имкониятлари, юқори даражадаги ахборот хизматлари сервиси, воситаларни савдо механизмларининг бутун тизимини тартибга солувчи меъёрий-услубий таъминотнинг мавжудлиги биржа майдонларининг жозибадорлигини оширади.

Давлат тузилмалари кўмагида Республика иқтисодий комплексида биржали товар бозори турли сегментларида биржа битимларини амалга

ошириш қоидалари сезиларли даражада такомиллаштирилди ва савдога қўйиладиган маҳсулот хажми ва ассортименти ошди. Замонавий савдо майдончалари брокерларга биржа савдоларида уларга кўп сонли иштирокчиларни уланишлари орқали ҳар қандай иш жойидан туриб қатнашиш имконини беради.

Янги таҳрираги "Электрон тижорат тўғрисида" ги қонуннинг қабул қилиниши савдоларни ўтказиш билан боғлиқ харажатларни сезиларли даражада қисқартирди ва электрон тижорат субъектларининг бир-биридан географик узилиши билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал этилишига имконият берди, тўғридан-тўғри шартномавий муносабатларни тезкор тарзда ўрнатиш учун шароитлар яратди, операцияларнинг ошкоралигини оширди, бу эса харидор ва сотувчиларга нархлар, сифат ва етказиб бериш шартлари тўғрисида ўз вақтида тўлиқ маълумот олиш учун имконият яратди.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг бизнес фаоллиги ва молиявий барқарорлигининг ошиши, биринчи навбатда солиқ юкини камайтиришга қаратилган оқилона солиқ сиёсатини олиб боришга имкон берди[61]. Ҳукумат солиқ базасини кенгайтириш ва солиқ юкини камайтириш стратегиясини амалга оширади, бунга мувофиқ умумий солиқ тушумлари ЯИМда улуш кўринишида қисқаради. Жами солиқ даромадлари 1991 йилдаги 41,2 фоиздан 2008 йилда ЯИМга нисбатан 21,5 фоизгача ва 2012-2013 йилларда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 20,5 фоизга камайган. 2017 йилда солиқларни қисқартириш давом эттирилди, ЯИМ га умумий солиқ тушумларининг камайиши 19,1% га етди, бу солиқ қонунчилигига амал қилиш даражасини ошириш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш мақсадида амалга оширилди.

Давлат босқичма-босқич энг юқори солиқ ставкаларини камайтириб бормоқда. 2000 йилда жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ

[61] Попов В. В. Сохранит ли экономика Узбекистана высокие темпы роста? Сценарии развития на 2015–2030 гг. //Журнал Новой Экономической Ассоциации. – 2015. – №. 3. – С. 163-181.

энг юқори 40% фоизлик ставкадан 23% гача, 2014 йилда эса беш минимал иш ҳақидан ошмайдиган даромадларга солиқ ставка 7,5% гача камайтирилди. 2015 йилдан бошлаб энг кам иш ҳақининг 1 баробаридан ошмаган даромад солиғи ставкаси нолга камайтирилди. Корхоналар даромад солиғи 2014 йилда 2000 йилдаги 31% дан 8% гача ва 2016 йилда 7,5% гача қисқартирилди. Тижорат банкларининг солиққа тортиш даражаси ўзгаришсиз қолди ва 15 фоизни ташкил этди[62].

2017 йилда тадбиркорлик субъектларининг инвестицион фаолиятининг ўсиши микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг 5 фоизигача пасайишига имкон берди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёнида ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, техник ва технологик янгилаш, мамлакат иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишга йўналтирилган инвестицияларни жалб этиш борасида жиддий иш олиб борилаётганлиги диққатга сазовор. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш учун кичик бизнес субъектларининг миллий валютадаги ҳисобварақлари бепул очилмоқда ва уларнинг кредит бўйича аризалари тижорат банклари томонидан уч банк кунида кўриб чиқилмоқда.

Мамлакатда банкларнинг капиталлашув даражасини, уларнинг барқарорлиги ва ликвидлигини ошириш ва банкларнинг инвестицион фаоллигини кенгайтириш бўйича мақсадли ва изчил ишлар амалга ошириб келинмоқда.

[62] 2017 йил учун Ўзбекистон Республикаси асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва давлат бюджети параметрлари прогнози тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори //Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами, 2016 й., № 52, 601 бет

1.1.3.жадвал

Банк тизими фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида МАЪЛУМОТ

млрд. сўм

Кўрсаткич-лар номи	01.01.2020 й.			01.07.2020 й.			Номинал ўсиши, фоизда	Ҳақиқий ўсиши, (девальвацияни хисобга олмаган ҳолда) фоизда
	жами	шундан, хорижий валютада	улуши, фоизда	жами	шундан, хорижий валютада	улуши, фоизда		
Банк активлари, жами	272 727	129 077	47,3%	315 976	153 788	48,7%	15,9%	12,2%
Кредит қўйилмалари, жами	211 581	100 947	47,7%	244 906	122 025	49,8%	15,8%	12,0%
Жалб қилинган жами депозитлар	91 009	39 969	43,9%	98 228	43 302	44,1%	7,9%	4,8%
Жами капитал	51 031	305	0,6%	54 926	326	0,6%	7,6%	7,6%

2020 йил 1 май ҳолатига кўра Ўзбекистон банк тизимида 31 та тижорат банки, шу жумладан, 5 та давлат, 15 та акциядорлик тижорат банки, 6 та хусусий, 5 та хорижий капитал иштирокидаги банклар фаолият юритмоқда[63].

Халқаро стандартларга мувофиқ самарали банк назоратини доимий равишда амалга ошириш, ликвидлик ва банк активларининг сифати мониторинги барча тижорат банклари учун халқаро рейтинг агентликларининг "барқарор" рейтингини тасдиқлаш имконини берди. Олти йил давомида Moody’s халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш

[63] https://cbu.uz/ru/credit-organizations/banks/head-offices/

истиқболлари учун "барқарор" прогнозли рейтинг баҳосини бермоқда. Ўзбекистон банк тизимининг фаолияти Standard and Poor’s ва Fitcҳ Ratings рейтинг агентликлари томонидан ҳам "барқарор" деб баҳоланмоқда.

Шундай қилиб, барча маҳаллий банклар учта йирик рейтинг агентликларининг "барқарор" рейтингларига эга. Хусусан, Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида давлат сиёсати авваламбор аҳоли турмуш даражасини пасайишининг олдини олишга қаратилган. Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши дастурини бир қатор МДҲ мамлакатларининг дастурларидан ажратиб турадиган муҳим жиҳати, унинг ижтимоий омилларни ҳисобга олгани бўлди[64]. Бир қатор МДҲ мамлакатлари ҳукуматларининг инқирозга қарши дастурларини таҳлил қилиш натижалари, уларнинг асосий йўналиш молиявий секторни барқарорлаштириш, инфратузилмани ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш эканлигини кўрсатди. Шунинг учун инқироз даврида аҳоли турмуш даражасини сақлаб қолишнинг ижтимоий компоненти инқирозга қарши дастурлардан ташқарида олиб борилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, саноат корхоналари билан ҳамкорлик асосида касаначиликни таъминлаш, шунингдек янги объектларни ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқаришларни реконструкция қилиш ва кенгайтириш ҳисобидан иш ўринларини яратиш МДҲнинг бошқа бир қатор мамлакатларида кузатилган емирилиш даражасидаги ишсизликнинг ўсиши ва жамиятнинг ижтимоий кайфиятида пессимизмни кучайтирмаслик учун кучли тўсиқ бўлди. Дастур чора-тадбирларининг аниқ ижтимоий йўналтирилганлиги фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва маданиятни ҳар томонлама давлат қўллаб-қувватлашида ҳам ифодаланган. Инвестиция жараёнларига банк тузулмалари, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолини жалб этиш, уларнинг иштирокини янада рағбатлантириш йўли билан ички талабни ошириш бўйича чора-тадбирларни

[64] Попов В. В. Сохранит ли экономика Узбекистана высокие темпы роста? Сценарии развития на 2015–2030 гг. //Журнал Новой Экономической Ассоциации. – 2015. – №. 3. – С. 163-181.

амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган замонавий архитектура ва саноатлаштириш асосида қишлоқларни тубдан қайта қуриш ва ташқи қиёфасини ўзгартириш асосида қишлоқ аҳолиси ҳаёт даражасини ошириш, уни шаҳар шароитларига тенглаштиришга йўналтирилган, қишлоқларда уй-жойлар ва ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва қуриш бўйича Дастур бунга мисол бўла олади.

Якунда шуни айтиш мумкинки, ҳар бир мамлакат барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга ҳаракат қилади, чунки у биринчи навбатда миллий маҳсулот ва даромадларни оширишга, иккинчидан, ресурслардан оқилона фойдаланишга, учинчидан, янги эҳтиёж ва имкониятлар пайдо бўлишига, тўртинчидан, мамлакатнинг халқаро бозорда обрўсини ошириш ва энг муҳими, фаровон ҳаётни таъминлашга олиб келади.

Бошқача қилиб айтганда, барча иқтисодий ислоҳотлар халқ фаровонлигини ошириш ва яхшилаш каби битта мақсадга эришишга қаратилган.

Хулосалар

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, республиканинг рақобатдошлигини ошириш стратегияси рақобат афзаллиги манбаларига айланадиган ҳудудий ва тармоқ хусусиятларига асосланган ҳолда қурилмоқда. Шу билан бирга, рақобатбардошликнинг ўсиш стратегиясини муваффақиятли амалга ошириш, бизнинг фикримизча, ички иқтисодий сиёсатнинг асосий таркибий қисмларини тўғри комбинациялашга боғлиқ бўлиб, шунда улар бир-бирини ўзаро тўлдиради ва кучайтира олади, уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- самарали фискал ва пул-кредит сиёсатини олиб бориш орқали барқарор макроиқтисодий ўсиш ва назорат қилинадиган инфляцияни таъминлаш;
- корхоналарга солинадиган солиқ юкини янада камайтириш, бу қуйидагиларни талаб қилади:

✓ дунёнинг аксарият мамлакатларида қабул қилинган асосий ишлаб чиқариш фондларининг фаол қисмини мулк солиғидан озод қилиш. Шу мақсадда мол-мулк солиғи ўрнига кўчмас мулк солиғини тўлашга босқичма-босқич ўтиш талаб этилади;

✓ ягона ижтимоий тўлов ставкасини мунтазам равишда пасайтириш, шунингдек, ҳозирги кунда ҳар бир ишловчидан ҳар ойда бир минимал иш ҳақи хажмида ундирилувчи энг кам тўлов миқдорини камайтириш (ёки тўлиқ бекор қилиш);

✓ айрим корхоналар учун имтиёз ва преференциялар бериш амалиётини бекор қилиш, бунинг ўрнига иқтисодиётни рағбатлантирувчи тармоқларидаги барча корхоналарга камситилмайдиган асосда имтиёзлар бериш;

✓ инвестиция имтиёзларини (шу жумладан, модернизациялаш бўйича ҳам) беришни, муайян тўловларни тўлашдан озод қилиш шаклида эмас, балки шартли солиқ кредити шаклида тавсия этиш. Шунда, солиқ ва божхона кодекслари бўйича имтиёзлар ва халқаро шартномалар бўйича имтиёзлар сақлаб қолинади.

- бизнесни ташқи маблағлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, бу қуйидагилар асосида амалга ошади:

а) *ташқи молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш*. Ўрта ва узоқ муддатли истиқболда банк кредитлари ташқи молиялаштиришнинг бошқа манбалари билан тўлдирилиши керак, бу эса ўз навбатида, "ўрта" корхоналарни ривожланишининг турли босқичларида молиялаштиришни кенгайтириш имконини беради. Бунинг учун, бизнинг фикримизча:

- хусусий акциядорлик капитали бозорини тартибга солишнинг самарали тизимини яратиш;

- экспорт потенциалига эга истиқболли бироқ, капитал, технология ва кадрлар етишмаслиги билан тўқнаш келувчи корхоналарга инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун янги воситаларни жорий этиш;

• корхоналарнинг инновацион фаолиятини рағбатлантиишга имкон берувчи рискли молиялаштириш фондлари (венчур фондлар) ни ташкил қилиш бўйича чораларни амалга ошириш каби тадбирларни амалга ошириш зарур.

б) *банк хизматларидан фойдаланишни кенгайтириш қуйидагиларни тақазо қилади:*

• иқтисодий оборотга аҳолининг активлари (кўчмас мулк, ер, бошқа мол-мулк) ни кафолат сифатида жалб қилишнинг аниқ ва қулай механизмларини яратиш, бу айниқса бошланғич тадбиркорлар учун муҳимдир;

• бозор талабларига мувофиқ тақдим этиладиган банк хизматлари турларини кенгайтириш, шунингдек ҳар қандай сотув нуқтасида (ёки масофавий) мавжуд бўлган ҳар қандай хизматларни тақдим этиш имкониятини яратиш;

• самарали модернизациялаш ва таркибий ислоҳотларни чуқурлаштиришни назарда тутувчи ва иқтисодиётда ресурслардан фойдаланиш ва тақсимлаш самарадорлигини оширишни таъминлайдиган экспортга йўналтирилган саноатлаштириш стратегиясини шакллантириш;

• иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг юқори сифатини таъминлаш;

• табиий монополиялар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларнинг самарали ишлаши;

• бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш;

• хусусий мулкнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва шартномалар бажарилишини кафолатлайдиган иқтисодиётни қонун йўли билан тартибга солиш тизимини таъминлаш;

• фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий консенсусини таъминлаш, аҳолининг асосий иқтисодий гуруҳлари ва қатламлари ўртасидаги ҳамкорлик ва шерикликни ривожлантириш.

2-БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ҲОЛАТИ ВА САМАРАЛИ РИВОЖЛАТИРИШНИ БАҲОЛАШ

2.1. Тадбиркорлик субъектларини фаолият олиб боришининг меъёрий - ҳуқуқий асослари

Республикада бозор муносабатларини муваффақиятли ривожлантириш ва иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг асосий шарти - мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги ҳисобланади. Иқтисодий тизимини ўзгартириш ва бозор иқтисодиётига ўтиш мулкчиликнинг барча таркибий тузилмалари ва уни амалга ошириш шаклларини тубдан ўзгартиришни талаб қилди. Фақат қулай ишбилармонлик муҳитини таъминлаб ва ҳар бир шахснинг манфаатларини рўёбга чиқаришнинг самарали механизмини яратиш орқали Республика янгиланиш ва тараққиёт йўлидан боришга муваффақ бўлди[65]. Шу муносабат билан, Ўзбекистонда иқтисодиётни бозор муносабатларига ўзгартириш, миллий бозорни зарур истеъмол товарлари ва хизматлар билан тўлдириш, янги иш жойларини яратиш ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини берадиган кичик тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш билан чамбарчас боғлиқдир.

1991 йил февралда "Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолияти тўғрисида" ги Қонуннинг қабул қилиниши билан тадбиркорлик соҳасини шакллантириш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий майдонни шакллантириш бошланди. Қонун фуқароларнинг тадбиркорлик қобилиятларини тўлиқ рўёбга чиқариш асосида бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини жадаллаштириш, уларнинг тадбиркорлик фаоллигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатларини белгилашга

[65] Курпаяниди, К. И., Акромов, З. Х., & Толибов, И. Ш. У. (2019). Некоторые особенности нормативно-правового регулирования предпринимательской деятельности в Узбекистане. *Economics,* (2 (40)).

йўналтирилган эди. Унда мамлакатда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди. Қонун тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ва ҳуқуқий мустақиллигини кафолатлади, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаб берди, тадбиркорларнинг бошқа корхона ва ташкилотлар, давлат органлари билан муносабатларини тартибга солди. У шунингдек, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларини танлаш эркинлигини, уларнинг тенг ҳуқуқли ишлаши, ўзаро ҳамкорлик ва эркин рақобат шароитларини шакллантиришга имкон берди.

1992 йил декабрь ойида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонунида "Ўзбекистон иқтисодиётининг асоси бозор муносабатларини ривожлантиришга йўналтирилган мулкчилик - унинг турли шаклларидан ташкил топади. Давлат истеъмолчилар ҳуқуқларининг устуворлиги, мулкчиликнинг барча шаклларини тенг ва ҳуқуқий ҳимоя қилишни ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат эркинлигини кафолатлайди" деб айтиб ўтилди.

Миллий иқтисодиётнинг кўп тузилмалилигини ва энг муҳими, фуқароларнинг корхоналар, ишлаб чиқариш воситалари, мулкдорга тегишли мулкдан фойдаланишнинг хўжалик натижалари бўйича хусусий мулк ҳуқуқларини эътироф этадиган қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳуқуқий асос яратди.

1992-1993 йилларда кичик хусусийлаштириш амалга оширилди, натижада савдо, хизмат кўрсатиш, маҳаллий, енгил, озиқ-овқат саноати, автомобил-транспорт, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тизимидаги 54 мингдан зиёд кичик ва ўрта корхоналар деярли бутунлай хусусий мулкка айланди. Қишлоқ ҳудудида нодавлат мулкчилик асосида агрофирмалар, деҳқон хўжаликлари ва бошқа турдаги хўжалик бирлашмалари ташкил қилиш орқали хусусийлаштириш жараёни амалга оширилди.

Тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш учун шароитларни яратиш мақсадида 1994 йил январ ойида 21 январдаги Ўзбекистон

Республикаси Президентининг ПФ-745-сонли “Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”[66] ги Фармони эълон қилинди. У ўзида мамлакатда мулк эгалари синфини шакллантириш учун қулай муҳитни шакллантиришнинг кейинги босқичини маълум қилди. Ушбу ҳужжатда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича давлат дастурини тайёрлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Унга кўра, ёпиқ шаклдаги акциядорлик жамиятлари очиқ шаклдаги жамиятларга айлантирилди, фуқароларни хусусийлаштириш жараёнига эркин киришини таъминловчи республика кўчмас мулк биржаси ва республика фонд биржаси ташкил этилди. Фармонга кўра, жисмоний ва юридик шахсларга, шу жумладан, чет элликларга савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини, шунингдек улар жойлашган ер участкаларини, улар томонидан хусусийлаштирилаётган объектларни сотиб олиш учун фойдаланиладиган маблағларнинг манбаларини декларация қилмасдан танлов асосида сотишга рухсат берилди.

Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида, 1994 йилнинг феврал ойида фаолият олиб бораётган мавжуд қўмита негизида давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси ташкил этилди. Унинг фаолият йўналишлари ва асосий вазифалари аниқланди:

- кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда ягона сиёсатни олиб бориш, давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш дастурларни ишлаб чиқиш ва устувор йўналишларини белгилаш ва хусусий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш;
- давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш жараёнлари ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, тегишли тузилмалар фаолиятини

[66] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 2-сон, 54-модда

мувофиқлаштириш жараёнларига ташкилий ва услубий жиҳатдан раҳбарлик қилиш;

▪давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида республика аҳолисининг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат мулки объектларини мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантиришдан келиб тушган маблағларни иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга жалб қилиш;

▪давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга инвестициялар, шунингдек, чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг асосий йўналишлари ва шаклларини аниқлаш;

▪инвестиция фондлари, консалтинг ва аудиторлик хизматлари, холдинглар, фонд биржалари ва кўчмас мулк биржалари, бошқа фондлар ва бошқа бозор тузилмаларини яратиш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг шакллантирилиши ва унинг ваколатлари доирасида қабул қилган унинг қарорларини вазирликлар ва идоралар томонидан муқаррар бажарилиши ҳақидаги тегишли ваколатларни берилиши бозор муносабатларини қайта шакллантиришга туртки берди.

Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш хусусий мулкчиликни шакллантириш жараёни сифатида, ўзида нафақат юридик шахслар, балки жисмоний шахсларнинг манфаатларини амалга ошириш механизмини намоён этади, унинг йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

▪ корхоналарни сотиш йўли билан ҳақиқий мулкдорларни шакллантириш (уларнинг устав фондлари ёки алоҳида шаклдаги мулкида улашга эга бўлиш);

▪ республикада янги мулкдорларга иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи қонунлар тизими орқали уларнинг ўз ҳуқуқ ва имкониятларини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

▪ ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулк орқали эгалик қилиш ва муаян даромадларга эга бўлиш, ҳамда ўз фаолиятининг самарадорлигини

ошириш орқали аҳолининг ўз қобилиятларини намойиш этиш, турмуш шароитини яхшилаш кафолатини бериш.

Шундай қилиб, хусусийлаштириш кичик тадбиркорликни оёққа туриши, иш билан бандлик муаммосини ҳал этишнинг янги йўналишларни жорий этиш, демакки, аҳолининг янги даромад манбаига бевосита таъсир кўрсатиши керак эди.

1994 йилда қонун ҳужжатларида ҳеч қандай чекловлар белгиланмаган иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхоналарини оммавий хусусийлаштириш бошланди. У 1994 йил март ойида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича Давлат дастурида белгилаб қўйилган устувор йўналишлар, тамоиллар ва услубларга мувофиқ амалга оширилди. Уни амалга ошириш натижасида 5127 та объект хусусийлаштирилди ва қўшимча равишда 4177 та корхона мулк шаклини ўзгартирди. 1992-94 йиллар мобайнида жами 98 мингдан ортиқ давлат объектлари хусусийлаштирилди. Очиқ акционерлик жамиятларининг умумий сони 3569 тани ташкил этди. Хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 300 мингга етди, шу жумладан 220 мингдан ортиқ киши якка тартибдаги меҳнат фаолияти патенти асосида ишлади. Ишлаб чиқарилган миллий даромадлар ҳажмида нодавлат секторнинг улуши 53% ни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил январ ойида қабул қилинган "Хусусий тадбиркорликни бошлаш ва рағбатлантириш тўғрисида" ги қарори билан ҳақиқий мулкдорлар синфини ривожлантириш учун қулай муҳит яратилишининг навбатдаги босқичи бошланди. Унда социалистик ва собиқ иттифоқ давлатлари амалиётида биринчи марта давлат мулкини хусусийлаштиришдан олинган маблағларнинг 50% кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга йўналтирилди.

1995 йил август ойида Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш Давлат дастури қабул қилинди, унда:

•аҳолининг кенг қатламини бозор фаолиятига қўшиш, қарамлилик, истеъмолчилик психологиясини бартараф этиш, "тадбиркорлик вируси" ни сингдириш, хусусий бизнес билан фаол шуғулланиш истагини уйғотиш;

•қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш билан боғлиқ ҳолда ишдан бўшаган одамларни иш билан таъминлаш учун қишлоқ жойларида янги иш жойларини яратиш;

•қишлоқ жойларида бозор муносабатлари ва инфратузилмасини жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, рақобатни ривожлантириш;

•банк, аудиторлик, консалтинг, воситачилик фаолияти билан боғлиқ айниқса, билим талаб хизматларнинг ҳажмини кескин ошириш;

•хўжалик юритиш самарадорлигини оширишни таъминловчи кичкина мослашувчан ишлаб чиқаришни жорий қилиш, кичик ва хусусий корхоналарни ташкил этиш.

Дастур тўртта асосий йўналишга асосланган бўлиб, уни амалга оширмасдан туриб реал мулк эгалари синфини яратиш мумкин эмас эди. Улар ўзида қишлоқ жойларида кичик бизнесни фаол ривожланиши ва фаолият олиб бориш учун бозор инфратузилмаси ва шароитларини яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора - тадбирлари, молиявий таъминот ва ташкилий чора тадбирларни ўз ичига олади .

1995 йил декабрь ойида “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида” Қонун қабул қилинди. Унда иқтисодиётнинг ушбу соҳасини давлат ва минтақавий даражаларда рағбатлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Биринчиси, меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, инфратузилмани шакллантириш ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун шароит яратиш орқали амалга оширилади. Иккинчисида, кичик ва хусусий

тадбиркорлик субъектлари учун маҳаллий солиқ ва йиғимлар бўйича имтиёзлар белгилаш, танланган минтақавий устуворликлар асосида уни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш кўзда тутилади. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг устувор йўналишлари қилиб қишлоқ жойларида кичик ва хусусий тадбиркорлик субьектларини яратиш, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш белгилаб олинган.

Иқтисодиётнинг нодавлат секторини, хусусан, кичик тадбиркорликни шакллантириш ва республикада акциядорлик шаклидаги мулкни ривожлантиришни тартибга солиш учун 1996 йилнинг апрелида қабул қилинган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Қонун акциядорлик жамиятини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш, бошқариш, акцияларни тақсимлаш ва жойлаштириш, дивидендларни тўлаш қоидаларини тартибга солади. Унда акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида ўрин ажратилган. Давлат акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди ва давлат ва бошқа органлар томонидан жамиятнинг хўжалик ва бошқа фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди. Бундан ташқари, акциядорларнинг ҳуқуқлари акцияларининг улушидан қатъи назар ҳимояланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2003 йил августда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишни рўйхатга олиш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида" ги фармойиши тадбиркорликни ривожлантиришда бюрократик тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилди. Унда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини расмийлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида мувофиқлаштирувчи органларнинг сонини кескин қисқартиришни таьминлаш тартиби белгилаб берилган. Энди барча келишувлар фақатгина битта босқичда амалга оширилиб, тадбиркорлик фаолиятини юритувчи субъектлар амалдаги қонунчиликка бўйсунган ҳолда

рўйхатга олинади. Туман (шаҳар) ҳокимликлари қошида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари тузилиб, уларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

•аризачининг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни назарда тутувчи ҳужжатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш ва унинг учун зарурий талабнома бериш;

•ўз ваколатлари доирасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун улардан рухсат олиш ва келишиш учун зарур бўладиган тегишли органларни аниқлаш;

•тадбиркорлик субъектларига юқорида кўрсатилган рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш, рўйхатга олишни юритиш, шунингдек уларни солиқ ва статистика органларида рўйхатга қўйиш;

•талабгорга тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатига олинганлиги ҳақидаги гувоҳномани барча рухсат берувчи хужжатларни бериш.

Шунингдек, тадбиркорларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш объектларини қуриш учун ер участкаларини мунтазам равишда савдога қўйиш амалиётини жорий этиш ҳам назарда тутилган.

"Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларини ихтиёрийлик асосида бирлаштиришга асос бўлди. Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш, аъзоларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилотдир. Унинг асосий вазифалари бўлиб:

•Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни ривожлантириш, биринчи навбатда, кичик ва хусусий секторни ривожлантиришга кўмаклашиш;

•тадбиркорларга ишбилармонлик муносабатларини ва хорижий шериклар билан алоқаларни кенгайтиришда, ташқи бозорларда экспортбоп

маҳсулотларни илгари суриш, шунингдек рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва амалдаги ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш;

•бошқа мамлакатлар савдо саноат палаталари ва тадбиркорлар жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш;

•тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари ва бизнес амалиётини жорий этиш, тадбиркорлик фаолияти учун ҳуқуқий ва иқтисодий муҳитни яхшилашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

•тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан муносабатларда, шунингдек судда иштирок этиш;

•тадбиркорлик фаолияти учун кадрларни тайёрлаш, таълим тизимини ривожлантиришга кўмаклашиш, тадбиркорларни ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

Назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига асоссиз чекловларни олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июнда "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги №ПФ-3619 сонли Фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ, давлат органларининг ноқонуний қарорлари ёки мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари оқибатида тадбиркорлик субъектига етказилган зарар суд қарори асосида тўла ҳажмда қопланиши керак. Тадбиркорлик субъектлари ўртасида иқтисодий низоларни кўриб чиқиш хўжалик ёки ҳакамлик судлари томонидан амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолияти учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни халқаро амалиётга мувофиқ равишда тақдим этиш тартибини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июнда №ПҚ-100 сонли "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида" ги Қарори эълон қилинган. Ушбу Қарорда 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар давлат солиқ хизмати органларига солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича барча ҳисоб-китобларни тақдим этиш муддатини ойликдан чоракка қадар ўтказишни назарда тутади. Шу билан бирга, солиқлар, тўловлар, чегирмалар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашнинг даврийлиги сақлаб қолинган.

Давлат статистика қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги, шунингдек, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2006 йил учун Давлат статистика ишлари Дастурини тайёрлаш доирасида тадбиркорлик субъектлари учун давлат статистика ҳисоботларининг шаклларини қайта кўриб чиқдилар. ДСҚ шунингдек, тадбиркорлик субъектларидан давлат солиқ хизмати органлари оладиган молиявий ҳисоботларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш, солиқлар бўйича ҳисобот ва даромадлар хақида декларациялар, ёзма ва оғзаки мурожаатлари бўйича, тадбиркорлик субъектлари учун қабул қилиш жараёнларини соддалаштириш, соддалаштирилган иш графиги ва қулай шарт-шароитларни яратишни назарда тутувчи Низомни тасдиқлади. Фармонга кўра давлат солиқ хизмати органлари ва давлат статистика органлари томонидан тадбиркорлик субъектларидан ҳар қандай белгиланган молиявий ва статистик ҳисоботларга қўшимча тарзда ҳар қандай ахборот, маълумотнома ва ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Тадбиркорлик субъектларига ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, тармов ичида ва тармоқлараро кооперацияни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, маҳаллийлаштириш жараёнларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун мавжуд захиралардан фойдаланиш учун қўшимча шароит яратиш мақсадида 2007 йилнинг ноябр ойида Президентининг "Ички саноат ва тармоқлараро алоқаларни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унда узоқ муддатли истиқболда саноатни янада ривожлантириш учун устувор вазифа сифатида республиканинг жадал ривожланаётган тармоқлари учун зарур бўлган бутловчи қисмлар, истеъмол материали ва қайта ишланган хом ашёларни ишлаб чиқарувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб - қувватлаш устивор вазифалари белгиланган.

Фармонга кўра, тармоқ ичидаги ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- саноат корхоналари ўртасида тармоқ ичида ва тармоқлараро кооперация доирасида узоқ муддатли иқтисодий алоқаларни шакллантириш ва кенгайтириш учун зарур бўлган қонунчилик базаси ва бозор инфратузилмасини яратиш;
- асбоб-ускуналар, бутловчи қисмлар, хом-ашё ва материалларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни амалга оширувчи корхоналарга зарур хом ашё ва кредит ресурсларига эркин киришни таъминлаш;
- саноат кооперациясини ривожлантириш мақсадида ҳар йили қабул қилинадиган маҳаллий хом ашё асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини роли ва аҳамиятини ошириш, шунингдек, уларга маҳаллийлаштириш лойиҳаларига қўшилган лойиҳаларни ўз вақтида бажарилиши учун ижрочиларнинг масъулиятини ошириш;

•йирик ва кичик корхоналарда янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга ҳисса қўшадиган инновацион лойиҳаларни, шунингдек, инфратузилма объектларини қўллаб-қувватлаш ва амалга ошириш учун вентчур фондларини яратиш;

•маҳаллийлаштириш дастурлари доирасида маҳаллий корхоналарнинг эҳтиёжлари учун ускуналар, бутловчи қисмлар, қайта ишланган хом ашё ва материалларни ишлаб чиқарувчи, шунингдек уни экспортга йўналтирувчи корхоналарга махаллийлаштириш дастури доирасида солиқ ва божхона имтиёзларини ва преференцияларни бериш.

Модернизациялаш жараёнларига илмий ва амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишни рағбатлантиришнинг самарали механизмларини яратиш, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги яқин алоқани таъминлаш мақсадида 2008 йил 15 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни жорий этишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унда ўрта муддатли истиқболда инновацион маҳсулотлар ва технологияларни ривожлантириш бўйича қатор тадбирлар тасдиқланди.

Амалий илмий ишланмалар ва инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишни таъминлаш учун барча хўжалик бирлашмалари бошқарув органлари ва корхоналарини ташкил этишда ёрдам беришлари керак:

•модернизация қилиш ва янги технологиялар фондларини шакллантириш манбаларини аниқлаб, уни амортизация ажратмаларининг бир қисми ва тадбиркорлик субъектларининг соф фойдаси ва шунингдек, буюртмачиларнинг мақсадли даромадлари асосида шакллантириш;

•таркибий бўлинмалар, зарурат бўлганда тармоқ ва корхонанинг инновацион ривожланиши учун жавобгарлар лойиҳа-конструкторлик бюроларини ташкил этиш;

Яратилган таркибий бўлинмаларнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

•ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий қилиш бўйича йиллик ва ўрта муддатли дастурлар асосида халқаро ва маҳаллий замонавий техник ва технологик ишланмаларни ўрганиш;

•мақсадли ички амалий илмий тадқиқот ва ишланмалар учун буюртма портфелини шакллантириш, шунингдек уларни жойлаштириш;

•корхона фаолиятига амалий илмий тадқиқотлар ва ишланмалар натижаларини жорий этиш.

Улар фаолияти амалга оширилаётган инновацион лойиҳалар ва ишланмаларнинг сони, шунингдек улардан олинган иқтисодий самаралар билан баҳоланади. Ҳужжатда 2016 йил 1 январдан бошлаб барча таълим, илмий тадқиқот ва лойиҳа – конструкторлик ташкилотлари тадбиркорлик субъектлар билан тузилган шартномалар бўйича амалга оширилган амалий тадқиқотлар ва ишланмаларни бажариш доирасида:

• даромад солиғи;

• ягона солиқ тўлови;

• қўшилган қиймат солиғи;

• давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар (ягона ижтимоий тўловдан ташқари).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатлар бўйича модернизация қилиш доирасида илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотларини модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш учун келтириладиган жихозлар божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун божлар бундан мустасно) тўлаш бўйича тўловлардан озод қилиш кўзда тутилган. Мазкур Фармойишнинг қабул қилиниши кичик инновацион корхоналарни йирик тадбиркорлик субъектлари билан сифат жиҳатидан янги, ўзаро манфаатли асосда фаолият олиб бориш имкониятлари кучайтирилди.

2009 йил мобайнида мамлакатимизда хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга хизмат қилувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 9 июлдаги "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги 188-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги 216-сонли "Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори каби меъёрий актлар қабул қилинди.

Ҳаётнинг барча соҳаларини модернизация қилиш ва демократлаштиришнинг янги босқичи мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепциясини белгилаб берди. 22-23 апрел кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий конференцияда кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, БМТ, ЭХҲТ (ОБСЕ), Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки вакиллари, олимлар, экспертлар Ўзбекистоннинг давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини демократлаштириш бўйича чуқур изчил ўзгаришларни олиб боришда эришган тажрибасини муҳокама қилишди. Ўз чиқишларида улар концепция мустақилликнинг дастлабки кунларидан Ўзбекистонда бошланган ислоҳотлар, демократик янгиланиш ва модернизация жараёнларининг мантиқий ва қонуний давоми эканини таъкидладилар. Ушбу дастурий хужжат чуқур асосга эга бўлган янги қонунчилик ташаббусларини ўз ичига олади, унинг амалга оширилиши Ўзбекистоннинг узоқ муддатли мақсадига эришиши - ривожланган демократик давлатлар қаторига қўшилиши, одамларни муносиб турмуш шароитлари билан таъминлаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш учун хизмат қилади.

2011 йил мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли институционал ўзгаришлар асосида ўтказилди. Унду банкротлик, монополияга қарши кураш ва рақобат,

тадбиркорлик каби йирик бозор институтларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

2011 йил 3 октябрь куни Ўзбекистонда “Ўзбекистон Республикаси “Банкротлик тўғрисида” ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги Қонун кучга кирди. Қонунни қабул қилиш зарурати иқтисодий муносабатларнинг жадал суръатлар билан ривожланиши, жаҳон молиявий инқирозининг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирини олдини олиш зарурлиги билан боғлиқ. Бу фақат банкрот бўлган тадбиркорлик субъектларини инқироздан чиқариш, узоқни кўзламайдиган корхоналарни тугатиш ва уларнинг ўрнида соғлом ишлаб чиқариш секторини яратиш каби қатъий чора-тадбирлар ёрдамида амалга оширилади. Бунда иқтисодий ночор тадбиркорлик субъектларининг банкротлик механизмини шакллантириш муҳим омил ҳисобланади. Ушбу механизм ёрдамида зарар кўриб ишлайдиган корхоналарни тугатиш, истиқболли, ижтимоий аҳамиятга эга объектларни сақлаш ва ривожлантириш, мулкчилик муносабатларининг барқарорлиги ва аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари ҳал этилмоқда. Янги Қонун банкрот бўлган корхоналарни тугатиш билан боғлиқ тартиб-таомиллар муддатини сезиларли даражада оптималлаштиради, мол-мулкни янги мулкдорларга сотишни жадаллаштиради, ишларни тўхтатмай туриб ишчиларни ишдан бўшатиш жараёнини кафолатлайди, иқтисодий ночор банкрот корхоналар негизида замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштиради ва янги иш жойларини яратишга кўмак беради.

"Рақобат тўғрисида" ги янги Қонуннинг қабул қилиниши рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қоидаларни мустаҳкамлашга имкон берди, бу эса ушбу соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ошкоралиги ва самарадорлигини оширди, шунингдек тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун тенг шароитлар яратди. Бу рақобатни ривожлантириш ва республика товар ва хизматлар бозорларида уни ҳимоя қилишнинг энг муҳим жиҳатидир. Товар ва хизматлар бозорида тадбиркорлик

субъектнинг устун мавқеини аниқлаш мезонларини белгилаш ва аниқ белгилаш йўли билан "устунлик мавқеини" белгилаш тамоилини ўзгартириш ва ҳажми хўжалик субъектини устун деб эътироф этиш учун бозор улуши қайта кўриб чиқилган. Қонундаги асосий янгиликлардан бири молиявий хизматлар бозорига антимонополияни тартибга солишнинг оммалашуви бўлди.

“Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги Қонуннинг қабул қилиниши келгуси даврда иқтисодиётни янада либераллаштиришга хизмат қилади. Унда лицензиялаш тартиблари самарадорлигини ошириш ва соддалаштиришга йўналтирилган бир қатор норматив қоидалар ойдинлаштирилди. Қонунга киритилган ўзгартишлар, биринчи навбатда, лицензиялаш тартибини такомиллаштириш ва соддалаштириш, қонунчиликдаги келишмовчиликларни бартараф этиш, лицензия олиш ва тадбиркорлик субъектларининг лицензия талаб қиладиган фаолият соҳаларига жалб қилиш харажатларини камайтиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2011 йил 26 августда қабул қилинган "Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни қисқартириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги Қонуни қабул қилинди. Қонуннинг мақсади қонунчиликни соддалштириш ва тадбиркорлик ҳамда хўжалик субъектларини текширишларни ўтказиш жараёнида янада қулай шарт-шароитларни яратишдан иборатдир. Қонун асосида "Фермер хўжалиги тўғрисида" ги, "Тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида" ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида" ги ва "Хусусий корхона тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритди. Ушбу ўзгаришларга асосан, янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик ва фермер хўжаликлари молиявий-

хўжалик фаолияти давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текшируви ўтказилмайди.

Қонунда хўжалик субъектлари фаолиятининг аудитини бошлаш ва тугатишнинг аниқ тартиби белгиланган. Хусусан, текширилаётган хўжалик субъектига текшириш якунланган кунда текширув натижалари тўғрисидаги акт (маълумотнома) ни топширишни назарда тутувчи тартиб киритилди, бу эса, ўз навбатида, текширувлар расмий якунлангандан кейин амалда давом этишига имкон бермайди.

“Кредит ҳақидаги ахборот алмашинуви тўғрисида”ги Қонун потенциал қарз олувчининг кредитлар ҳолати, улар бўйича мажбуриятларни бажарилиши, шунингдек, кредитга лаёқатлилик, молиявий аҳволи, тўлов қобилияти, тўлов интизоми, обрў-эътибори ва бошқа сифати тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш ва фаолиятдаги тегишли ахборотларни алмашиш тизимини яратишни мақсад қилинган. Кредит ахбороти алмашинуви учун махсус ваколатли институт - кредит бюроси ташкил этилади.

2011 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилди. Ушбу мақсадда имтиёзли кредитлаш Фонди томонидан тақдим этилаётган ресурслар ҳисобидан олинадиган тижорат банклари даромадлари юридик шахслар фойдасига солинадиган солиқдан озод қилинган, қачонки, улар бўшаган маблағларни 2016 йил 1 январга қадар ушбу фонднинг ресурс базасини ошириш учун мақсадли йўналтирган ҳолатда солиқдан озод қилинади. Кичик бизнес субъектларига кредит беришда тижорат банкларига қарз олувчига гаровни бериш билан боғлиқ харажатларни жами кредит миқдорида ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди. Бундан ташқари, Фонд Ўзбекистон Республикаси Банклар Ассоциацияси қошида инвестицион лойиҳалар бўйича лойиҳавий ҳужжатларни тайёрлашни молиялаштириш Жамғармасини ташкил этди, унинг асосий вазифалари лойиҳавий ғояларни танлов асосида танлаб олиш ва молиялаштириш, уларнинг лойиҳа ҳужжатларини иқтисодий ривожланишнинг

устувор йўналишларига жорий этиш, шунингдек кредит ташкилотлари томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни ташкил этишга ёрдам беришдан иборат.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш учун кичик бизнес субъектларининг миллий валютадаги ҳисобварақлари ҳеч қандай тўловлар олмасдан бепул очилади ва уларнинг кредит бўйича аризалари тижорат банклари томонидан уч банк куни мобайнида кўриб чиқилади.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат дастури" доирасида банкларга қўйилган вазифаларни аниқ бажариш ва қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида тижорат банкларининг барча тармоқларида "Тадбиркорлар хонаси" фаолият олиб бориб, унда малакали мутахассислар тадбиркорларга кредит бериш ва банк хизматлари кўрсатиш, келгусида бизнесни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича зарур маслаҳатларни тақдим этадилар. Тадбиркорлик субъектларига доимий равишда республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган янги банк хизматлари, имтиёзлар ва шарт-шароитлар тўғрисида филиаллар ва мини-банкларда ташкил этилган “Тадбиркорлар бурчаги” орқали маълумотлар бериб борилади.

2016-2017 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш учун асос бўлган кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун хорижий инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун шароит яратишга йўналтирилган бир қатор тизимли чора-тадбирлар қабул қилинди. Жумладан, 2016 йил октябр ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Фармони[67] эълон қилинди. 2017 йил 1 февралда

[67] Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами, 2016 й., № 40, 467-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора - тадбирлар тўғрисидаги” ги Қарори[68] қабул қилинди. Ушбу иккала ҳужжатлар ҳам қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган бўлиб, унда барча турдаги режадан ташқари текширувни одини олиш ва тўсиқларни бартараф этишни назарда тутади. Тармоқлар ва ҳудудлар иқтисодий ўсишини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда асосий йўналиш бўлиши нуқтаи назардан, кичик ва хусусий корхоналарни жадал модернизация қилиш ва уларнинг экспорт фаолиятларини рағбатлантириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субектларининг экспортдаги иштирокини янада рағбатлантиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар назарда тутилган эди. Бундан ташқари, банклар ва кредит бюролари, уларнинг филиаллари ва ваколатхоналаридан ташқари барча тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишни қонуний равишда "ягона ойна" марказлари зиммасига юкланди. Ушбу чора-тадбирлар тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни рўйхатга олишнинг амалдаги тарқоқ тизими ўрнига ягона тизимни яратишга қаратилган.

Хусусий мулк ва кичик бизнес манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш 2016-2018 йилларда ушбу соҳанинг жадал ривожланишига ўз ҳиссасини қўшди. Йил давомида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг умумий ҳажмида кичик бизнес маҳсулотларининг қўшилган қиймати ўсди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоялаш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар

[68] Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами, 2017 й., № 5, 61 - бет, № 20, 354-бет, № 27, 608 - бет, № 29, 68-бет

тўғрисида" ги қарори[69] га биноан, 2017 йил 1 январдан бошлаб юридик шахсларни тугатиш билан боғлиқ текширувлардан ташқари хўжалик субъектлари томонидан режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинди. Шунингдек, текширувлар назорат қилувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг қарорига биноан қонун ҳужжатлари бузилганлиги факти бўйича юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида ўтказилади.

Бундан ташқари, ушбу ҳужжат тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг барча турдаги текширувларини, шу жумладан жиноий ишларни ҳам бекор қилди.

Қарорнинг қуйидаги қоидалари ҳам тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун муҳим чоралар ҳисобланади:

- биринчи марта молиявий-хўжалик фаолиятида жиноятлар содир этган, қонунда белгиланган муддатларда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этган ва етказилган моддий зарарни ихтиёрий равишда қоплаган, инсон ҳаётига ва соғлиғига зарар етказиш ҳоллари бундан мустасно, тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимлари жарима ва молиявий санкцияларни қўллаш, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод қилинади;
- биринчи маротаба ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ қонунни бузган, етказилган моддий зарарни ихтиёрий равишда қоплаган тадбиркорлик субъектларини маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод қилиш;
- тадбиркорлик субъектлар томонидан ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун ижро ёзувини олиш учун ариза беришда давлат божларини тўлашдан озод қилиш;

[69] Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами, 2016 й., № 40, 467-бет, 2017 й., № 37, 982-бет

•тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш шаклида жиноий жазо чоралари қўлланилмайди.

2016 йил 28 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-2646[70]-сон Фармони қабул қилинди. Унга кўра, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш кўзда тутилган.

Ҳужжатга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди ва айримлари бекор қилинди. Хусусан, кичик бизнес субъектларига рўйхатга олиш органига босма мухр ва штамплар, фотосуратлар, паспорт нусхалари, рўйхатга олиш (рухсат берувчи) жараёнлари карточкаси, якка тартибдаги тадбиркор яшаш жойидан маълумотнома, ягона логин ва парол, фирма номини захирага олинганлигини тасдиқловчи замонавий талабларга жавоб бермайдиган у ёки бу ҳужжатлар ва маълумотларни талаб қилиши бекор қилинди.

Бундан ташқари, таъсис ҳужжатларини нотариал тасдиқлаш, рўйхатдан ўтказувчи органга хорижий капитал иштирокидаги бошқа корхона ва хорижий инвестициялар билан корхонани давлат рўйхатидан ўтказаётганда юридик шахсни рўйхатдан ўтказган жойидаги савдо реестрдан хорижлик таъсисчи ҳақида кўчирма ёки ушбу юридик шахс фаолиятини тасдиқловчи бошқа хужжатларни талаб қилиш бекор қилинди.

Президентнинг 2017 йил 17 мартдаги ПФ-2844[71]-сонли Фармонига мувофиқ, юридик шахс ташкил этмасдан янги рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркорлар ва оилавий бизнес субъектларига микрокредитлар ажратишнинг соддалаштирилган механизми жорий этилди.

---

[70] Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорлари тўплами, 2017 й., N 2, 5-бет

[71] Tadbirkorlik sub’yektlari va keng aholi qatlamiga mikrokreditlar ajratish tizimini yanada soddalashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori //O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2017-y., 12-son, 187-modda

Ушбу шахсларга бериладиган микрокредитлар қуйидаги шартлар асосида берилади:

- энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баробарига қадар - тадбиркорлик фаолияти олиб бориш учун товарлар харид қилинганда;
- энг кам ойлик иш ҳақининг 60 баробаригача - қонун томонидан назарда ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида тақдим этадиган кафолати асосида.

Имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан юридик шахс бўлмасдан янги рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркорларга ва юридик ва оилавий тадбиркорлик субъектларига, агар улар узоқ ва қийин бўлган меҳнат ресурслари бўлган ҳудудларда рўйхатга олинган бўлса, энг кам иш ҳақининг 100 баробаригача бўлган миқдорда микрокредитлар берилади.

Бундан ташқари, 2021 йил 1 январдан бошлаб юридик шахсни ташкил қилмаган холда 18 турдаги фаолиятни жумладан, сартарошлик хизмати ва калит ясаш кабиларни амалга оширувчи хусусий тадбиркорлар ва тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар (20 ёки 60 минимал иш ҳақи миқдоригача) расмийлаштиришида қатъий белгиланган солиқдан 6 ойга озод қилинади. Бироқ, ушбу имтиёздан фойдаланилган тақдирда, улар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 12 ой мобайнида фаолиятини тўхтатса у бекор қилинади, барча амалдаги фаолият учун қатъий белгиланган солиқ тўланади. Улар 3 ой ёки ундан ортиқ вақт мобайнида ўз фаолиятларини тўхтатиб қўйиш ҳолларида ҳам худди шундай оқибатларга олиб келиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари биргаликда манфаатдор вазирликлар ва идоралар томонидан йирик қорамол, қўзичоқ, эчки, қуён, қуш, балиқ, ари оилалари, мевали дарахт кўчатларини етиштириш, узум, уруғлар, минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари, маиший техника, асбоб-ускуна, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотларни кредитлар

хисобига олгани учун ҳеч қандай чекловларсиз етказиб беришни ташкил этишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 29 август куни тадбиркорлик субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Президент комиссияси ҳузурида вакиллик институтини ташкил этди[72].

Қарор "Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, давлат органларининг улар фаолиятига асоссиз аралашувига йўл қўймаслик, хусусий мулк дахлсизлигининг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш, шунингдек тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги тамойилини таъминлаш"га йўналтирилган.

Бизнес-омбудсманнинг асосий вазифалари ва фаолияти тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилишини мониторинг қилишда иштирок этиш қилиб белгиланган.

Вакил шунингдек, тадбиркорлик субъектларга ўз фаолиятларини текширишда, қонун нормалари ва талабларини амалий ўрганиш, қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларни тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш бўйича ҳам ҳуқуқий ёрдам беради.

Ҳужжатда қайд этилганидек, бизнес омбудсман ўз ваколатларини давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил ва эркин равишда амалга оширади ва ўз фаолиятида Президентга ҳисобот беради. Вакил ва унинг

[72] Ўзбекистон Республикаси президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 915-модда

ўринбосари давлат Раҳбари томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади. Бизнес Омбудсман идорасининг ходимлари (жами ходимлар сони - саккизта) ни тайинлайди ва лавозимидан озод қилади.

Вакил тизимли равишда Президентга тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига давлат органлари томонидан риоя этилиши тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

Бизнес омбудсманига давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишнинг қонунийлигини назорат қилиш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш доирасида комплекс чора-тадбирлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган.

У давлат органларига қонун бузилишларига йўл қўймаслик тўғрисида ёзма огоҳлантиришлар бериб, давлат органларининг раҳбарларига белгиланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича ғоялар, уларни бартараф этишнинг сабаблари ва шартларини тақдим этиши, тадбиркорлик субъектлари манфаатларига оид статистика ва таҳлилий материаллар олиш ва ўз ваколати доирасидаги масалалар юзасидан бошқа маълумотлар, ушбу масалалар юзасидан давлат органлари мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга, шунингдек, зарур ҳолда ўз вазифаларини амалга ошириш учун раҳбарлар ва ҳукумат идоралари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотлар мутахассислари асосида ишчи гуруҳларни ташкил этиш ваколатига ҳам эга.

Шундай қилиб, бугунги кунда Ўзбекистонда умуман қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий асосда ва махсус тузилган институтлар томонидан тартибга солинувчи қулай тадбиркорлик муҳити шакллантирганлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Шу билан бирга, глобаллашув жараёнларининг таъсири тобора кенгайиб бораётган бир пайтда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг товарларини маҳаллий ва хорижий бозорларда рақобатбардошлигини янада ошириш учун шарт-шароитлар яратишни тақазо этмоқда. Бизнинг фикримизча, тадбиркорлар мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишига имкон берувчи,

шунингдек, кичик бизнес соҳасида инновациялардан кенг қўллашга имкон берадиган менежмент доирасидаги билимларига алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани таҳлил қилиш натижаси шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда ҳақиқий мулкдорлар синфини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи субъектив омилларни камайтиришга қаратилган кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантирувчи ҳуқуқий майдон шакллантирилган ва унинг йирик корхоналар билан ҳамкорликни давом эттириш жараёни динамик тавсифга эга.

2.2. Пандемия шароитида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес корхоналари фаолиятининг тизимли таҳлили

Ўзбекистон Республикасида муваффақиятли амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида мамлакат миллий иқтисодиётини модернизациялашда кичик бизнес асосий ўрин тутади[73]. Ўзбекистонда замонавий кичик ва хусусий бизнес амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсадли гуруҳи ва энг муҳими, ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий соҳалардаги ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қаралади.

Ҳозирги кунда дунёнинг бошқа кўпчилик мамлакатлари каби Ўзбекистон иқтисодиёти ҳам ноаниқлик шароитида ривожланиб бормоқда. Бир томондан, бу янги коронавирус пандемияси таъсири билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан – бизнес ривожланишини чекловчи мажбурий чекловларни жорий этилиши билан боғлиқдир.

COVID-19 устидан тезкор ғалабага бўлган умидлар ҳеч бир мамлакатда амалга ошмади. Ўзбекистонда жорий йилнинг 10 майидан 9 июлигача карантин енгиллаштирилгач, бу касаллик аниқланган ҳолатлар сони яна ўса бошлади.

[73] Курпаяниди, К. И., & Ашуров, М. С. (2019). Ўзбекистонда тадбиркорлик муҳитининг замонавий ҳолати ва уни самарали ривожлантириш муаммоларини баҳолаш. Монография. *Монография. GlobeEdit Academic Publishing, European Union.*

Шунинг учун 10 июлдан 1 августгача коронавирусга қарши кураш бўйича махсус комиссия қарори билан чекловчи чора-тадбирлар қайта жорий этилди, улар асосан хизмат кўрсатиш соҳаси, умумий овқатланиш, яъни одамларнинг кўплаб тўпланиши мумкин бўлган тармоқларга тегишлидир. Ҳозирги кунда ушбу чора-тадбирлар 15 августгача узайтирилди[74] .

Кўриниб турибдики, яқин ойларда, ҳатто йилларда иқтисодиёт янги ҳақиқатларга трансформацияланиши ва мослашиши керак бўлади ва ҳукумат эпидемиологик вазиятга қараб алоҳида бозорларни очиш ёки ёпиш бўйича мослашувчан қарорлар қабул қилиши керак.

Иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида давлатнинг муҳим вазифалари - касалланишнинг назоратсиз ўсишини олдини олиш ва шу билан бирга, мамлакат учун оғир пайтларда бизнесни қўллаб-қувватлашдан иборат. Ўзбекистон Президентининг 2020-йил 25-июлдаги Фармони ҳам коронавирус пандемиясини камайтиришга қаратилган[75]. Республикада кичик бизнесни ривожлантириш миллий иқтисодиётни янада юксалтиришнинг 8 устувор йўналишларидан биридир[76] .

Бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳукумат ва асосий регуляторлар иқтисодий воситалардан, жумладан, солиқ механизмларидан кенг фойдаланадилар. Улар пухта синовдан ўтказилгунга қадар солиқ воситалари иқтисодий вазиятнинг ўзгаришига қараб доимий равишда тўғрилаб борилади.

Жорий йилнинг март ойи ўрталаридан бошлаб Ўзбекистон иқтисодиётига COVID - 19 коронавирус пандемияси салбий таъсир кўрсатмоқда. Касалликларнинг кўпайиши, шунингдек, мажбурий чеклашлар барча тармоқ ва соҳаларга, жумладан, бизнесга зарба бўлиб келди.

---

74 https://www.gazeta.uz/ru/2020/07/26/restrictions-go-on/

75 Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. ПФ-6035-сон 25.07.2020 Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.07.2020 й., 06/20/6035/1115-сон.

76 https://www.gazeta.uz/ru/2020/06/09/economy/

2020 йилнинг апрел ойида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан саноат ишлаб чиқаришининг пасайиши 28%, хизматлар - 39% ва экспорт - 23% деб баҳоланди. Жорий йилнинг 20 апрел ҳолатига кўра, 380211 та фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлардан 189239 таси ёки барча корхоналарнинг қарийб 50% и карантин туфайли тўлиқ қувват билан ишламаган.

Бир қатор экспертларнинг фикрича, Ўзбекистонда коронавирус инфекциясининг тарқалишини чеклаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар бошқа қатор мамлакатларда кузатилган энг ёмон ҳолатдаги сценарийлардан қочишга имкон берган.

Ҳақиқатан ҳам, дастлабки маълумотларга кўра, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ЯИМ ўсиши 100,2% (дастлабки прогноз 105,8%), саноат – 98,1% (105,9%), хизматлар – 102,6% (107,3%), асосий капиталга инвестиция – 87,2%, қурилиш ишлари – 107,3%, чакана савдо айланмаси – 100,7%.[77] 2020 йил 1-июл ҳолатига республикада 75,7 мингта саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда, шундан 9738 таси 2020 йил январ-июн ойларида ташкил этилган[78]. Бу эса кўрилаётган чора-тадбирларнинг нисбий самарадорлиги ва аҳволнинг яхшиланишидан далолат беради.

Карантинни юмшатиш туфайли жорий йилнинг май ойида 18 минг корхона, 2020 йилнинг июн ойида эса 30,1 минг корхона ўз фаолиятини қайта тиклади. Шу билан бирга, деярли 70 минг корхона ҳали одатдаги иш фаолиятига қайтмаган[79]. Марказий Банк маълумотларига кўра, фаолиятини тўхтатган 18 минг корхонада тижорат банклари олдидаги қарзи ошиб бормоқда. Банклар портфелидаги муаммоли кредитларнинг улуши бир неча баробар ошиши мумкин ва жорий йилнинг 1 октябридан кейин бир қатор корхоналарга кредитлар хизмат кўрсата олмайди.

[77] https://stat.uz/uploads/doklad/2020/yanvar-iyun/uz/1.pdf
[78] https://uzdaily.uz/ru/post/53638
[79] https://www.gazeta.uz/ru/2020/07/14/credits/

2020 8 июл ҳолатига рўйхатдан ўтган барча тадбиркорлардан 23 мингга яқини фаолият кўрсатмаяпти, бу уларнинг умумий сонининг 24% ни ташкил этади[80]. 2020- йилнинг январ-июн ойларида кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 51,3 % ни ташкил этди.

2.2.1-жадвал

Январ-июн ойларида кичик тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари

	Ўлчов бирлиги	*2019 й*	*2020 й*	*(+;-)*
Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони	**бирлик**	**309 724**	**370 358**	**60 634**
Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар	**бирлик**	**54 007**	**46 564**	**-7 443**
Кичик тадбиркорликнинг улушлари:				
ЯИМ	%	51,5	51,3	-0,2
Саноат	%	32,8	25,3	-7,5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	%	97,7	97,4	-0,3
Инвестиция	%	40,4	52,4	12,0
Қурилиш	%	76,4	71,0	-5,4
Савдо	%	85,8	82,7	-3,1
Хизматлар	%	54,6	51,9	-2,7
Юк ташиш	%	52,3	50,8	-1,5
Юк айланмаси	%	77,8	76,5	-1,3
Йўловчи ташиш	%	90,9	93,3	2,4
Йўловчи айланмаси	%	95,1	95,9	0,8
Экспорт	%	27,1	22,3	-4,8
Импорт	%	59,8	47,7	-12,1

[80] https://www.spot.uz/ru/2020/07/09/small/

2.2.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кичик тадбиркорлик субъектларининг сони ҳар 1000 аҳолига 14,4 бирликни ташкил қилди. 2020-йилнинг январ-июн ойларида 46,6 мингта янги кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13,8 фоизга кам.

2.2.1 – расм. 2020- йил январ-июн ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да

2020- йилнинг январ-июн ойларида 2019 йилнинг январ – июн ойига нисбатан саноат ишлаб чиқариш ўтган йилги 32,8% дан 25,3 % га, яъни 7,5 % га камайган бўлса, қурилиш соҳаси 5,4 % га, савдо ва хизмат кўрсатиш мос равишда 3,1 ва 2,7 % га, экспорт 4,8 % ва импорт 12,1 га камайганлигини кузатишимиз мумкин. Иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдода 16588 та, саноатда 9713 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 8525 та, қурилишда 3302 та, яшаш ва овқатланишда 2460 та, ташиш ва сақлашда 1148 та ташкил этилган.

2020- йилнинг январ-июнида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг ҳудудлар бўйича энг кўпи Тошкент сҳаҳрида – 7008 та,

Сурхондарё вилоятида – 4906 та, Андижон вилоятида – 4508 та, Самарқанд вилоятида – 4049 та, Тосҳкент вилоятида – 3991 та ва Наманган вилоятида – 3184 тани ташкил этган. Шунингдек, энг паст кўрсаткич Сирдарё вилоятида – 1783 тани ташкил этган.

2.2.2.-жадвал

Ҳудудлар бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар, бирликда

	2019 й. январь-июнь	*2020 й. январь-июнь*	*Фарқи (+;-)*
Ўзбекистон Республикаси	**54 007**	**46 564**	**-7 443**
Қорақалпоғистон Республикаси	2 306	1 887	-419
вилоятлар:			
Андижон	3 248	4 508	1 260
Бухоро	3 750	2 586	-1 164
Жиззах	2 326	1 934	-392
Қашқадарё	3 067	2 532	-535
Навоий	2 972	2 636	-336
Наманган	3 444	3 184	-260
Самарқанд	4 806	4 049	-757
Сурхондарё	2 825	4 906	2 081
Сирдарё	1 524	1 783	259
Тошкент	5 229	3 991	-1 238
Фарғона	4 622	2 721	-1 901
Хоразм	3 125	2 839	-286
Тошкент ш.	10 763	7 008	-3 755

2020- йилнинг январ-июн ойларида ҳудудлар бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг жами миқдоридан энг кўп улуш Тошкент сҳаҳри – 15,1 %, Сурхондарё вилояти - 10,5 %, Андижон вилояти - 9,7 %, Самарқанд вилояти - 8,7 %, Тошкент вилояти -8,6 %, Наманган вилояти - 6,8 %, Хоразм вилояти - 6,1 %, Фарғона вилояти - 5,8 % га тегишли.

2.2.3.-жадвал

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар, бирликда

	2019- yil yanvar-iyun	2020 - yil yanvar-iyun	Farqi (+;-)
Jami	**54 007**	**46 564**	**-7 443**
Qishloq, o'rmon va baliq xo'jaligi	4 153	8 525	4 372
Sanoat	12 245	9 713	-2 532
Qurilish	5 283	3 302	-1 981
Savdo	21 143	16 588	-4 555
Tashish va saqlash	1 696	1 148	-548
Yashash va ovqatlanish bo'yicha xizmatlar	3 905	2 460	-1 445
Axborot va aloqa	904	874	-30
Sog'liqni saqlash va ijtimoiy xizmatlar ko'rsatish	643	676	33
Boshqa faoliyat turlari	4 035	3 278	-757

Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар 2020-йилнинг январ-июн ойларида 2019 йилнинг январ – июн ойига нисбатан саноатда ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 2532 тага камайган бўлса, қурилиш соҳаси 1981 тага, савдо ва хизмат кўрсатиш мос равишда 4555 тага, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 1445 тага бошқа соҳаларда 757 тага камайганлигини кузатишимиз мумкин. Ўтган йилга нисбатан жами 7443 та кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этилмаган. Бу ўз навбатида қанча иш ўрни яратилиши, бюджетга солиқ тушуми, аҳоли даромадларининг камайишига олиб келди.

2.2.2.-расм. Кичик тадбиркорликнинг иқтисодиёт тармоқларидаги улуши (умумий ҳажмига нисбатан % да)

2020- йилнинг январ-июн ойларида **Кичик тадбиркорликнинг иқтисодиёт тармоқларидаги улушига эътибор қаратсак,** 2019 йилнинг январ – июн ойига нисбатан қурилиш тармоғида 76,4% дан 71 % гача яъни, 5,4 % гача, хизматлар тармоғи 54,6% дан 51,9 % гача, яъни 2,7% гача, саноат тармоғи 32,8 % дан 25,3 % гача, яъни 7,5 % , экспорт 27,1 % дан 22,3 % гача, яъни 4,8 % га камайганлигига гувох бўламиз.

2.2.3- расм. 2020- йил январ-ийунида кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича ЯҲМдаги улуши, % да

Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улушини энг кўп салмоғи Жиззах (79,2 %), Сурхондарё (74,3 %), Бухоро (73,4 %), Самарқанд (71,2 %) ва Наманган вилоятларига (69,4 %) тўғри келди. Навоий вилоятида ушбу кўрсаткич энг паст бўлиб - 23,0 % га тенг.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг 2020- йилнинг **II** чорагида, охирги ҳисобот йилида маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушуми мавжудлари бўйича ўтказилган кузатув натижаларига кўра ўтган йилнинг шу даврига нисбатан иқтисодий вазиятни қониқарли деб баҳолаган корхоналарнинг улуши барча иқтисодий фаолият турлари бўйича пасайиши кузатилди.

Шу билан бирга, ўтган йил билан таққослаганда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 6,5 пунктга, савдо соҳасида 5,5 пунктга, саноат соҳасида 3,6 пунктга, қурилишда 0,7 пунктга, хизматлар соҳасида 0,5 пунктга иқтисодий вазиятни қониқарли деб баҳолаган корхоналар улушининг кўпайиши кузатилди.

Жорий йилнинг II чорагида, ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда хизматлар соҳасида 21,9 пунктга, саноат соҳасида 16,9 пунктга, қурилишда 13,9 пунктга, савдо соҳасида 11,1 пунктга, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 5,8 пунктга, иқтисодий вазиzтни қониқарсиз деб баҳолаган корхоналар улушининг кўпайиши кузатилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг 2020- йилнинг II чорагида, охирги ҳисобот йилида маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушуми мавжудлари бўйича ўтказилган кузатув натижаларига кўра, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан zқин уч ойда иқтисодий вазиятни яхшиланишига ишонган корхоналар улуши дерли барча иқтисодий фаолият турлари бўйича камайган.

Шу билан бирга, ўтган йил билан таққослаганда, саноат корхоналарида 7,7 пунктга, хизматлар соҳасида 4,1 пунктга, савдо соҳасида 4,0 пунктга, қурилиш корхоналарида 3,2 пунктга, яқин уч ойда уларнинг иқтисодий вазияти ўзгаришсиз қолишига ишонган корхоналар улуши ўсди.

Яқин келажакда иқтисодий вазият ёмонлашишини баҳолаган корхоналар улуши химатлар соҳасида 7,3 пунктга, саноат соҳасида 5,9 пунктга, қурилишда 4,4 пунктга, савдода 3,2 пунктга ошди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида корхоналар улуши 1,5 пунктга камайган.

Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар кузатуви маълумотларига кўра, 2020- йилнинг II чорагида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таққослаганда иқтисодий вазиятни қулай деб баҳолаган корхоналар улуши деярли барча фаолият турлари бўйича пасайиши кузатилди.

Шу билан бирга, жорий йилнинг II чорагида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан иқтисодий вазиятни қониқарли деб баҳолаган корхоналар улуши деярли барча иқтисодий фаолият турлари бўйича пасайиши кузатилди.

Жорий йилнинг II чорагида, ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда хизматлар соҳасида 13,2 пунктга, савдо соҳасида 12,9 пунктга, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги корхоналарида 8,6 пунктга саноат соҳасида 6,2 пунктга ва қурилишда 4,2 пунктга, иқтисодий вазиятни қониқарсиз деб баҳолаган корхоналар улушининг пасайиши кузатилди.

Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти кузатуви натижаларига кўра, 2020- йилнинг II чорагини ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда, яқин уч ой ичида иқтисодий вазияти яхшиланишига ишонган корхоналар улуши деярли барча иқтисодий фаолият турлари бўйича камайган.

Шунингдек, ўтган йил билан таққослаганда, яқин уч ойдаги иқтисодий вазият ўтган йилга нисбатан ўзгармайди деб ҳисоблаган корхоналар улуши хизматлар соҳасида 6,9 пунктга, саноатда 5,4 пунктга, қурилишда 4,5 пунктга, савдода 3,8 пунктга ошди, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги корхоналарида эса 2,0 пунктга камайди.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, карантин чора-тадбирлари кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти иқтисодий фаоллигининг сусайишига ва, бунинг оқибатида, – ғазнага келиб тушадиган тушумларнинг камайишига олиб келди. Молия вазирлиги маълумотларига кўра, 2020 йил I ярмидаги Давлат бюджети даромадлари 58,2 трлн сўмни ташкил этди. Бу ўтган йил мос даврига нисбатан 7,5 трлн сўмга (14,8%) кўпдир[81].

Бир қарашда, бюджет даромадлари маромида тушаётгандек кўринади. Бироқ чоракма-чорак тушумлар таҳлил қилинса, бошқача манзара намоён

[81] https://data.gov.uz/ru/sphere/authority/10

бўлади. I чоракда даромадлар ўтган йил мос даврига нисбатан 23,4%га ошди. Бундай ўсиш суръати II чоракда ҳам сақланиб қолганда, I ярим йилликда ғазнага қарийб 62,6 трлн сўм тушган бўларди. Шу тариқа, бир маромда ўсиш суръатлари гипотезасидан келиб чиқилса, бюджетнинг ҳисоб-китоб қилинган йўқотишлари тахминан 4,4 трлн сўмни ташкил этади. Пандемия сабабли иқтисодий фаолликнинг кескин сусайиши бунинг асосий сабабчиси ҳисобланади.

Бу кўпми ёки камми? Йўқотишлар бордек гўё, бироқ тушумларнинг ўсиши ҳам кузатилди. Солиқларнинг турлари бўйича тушумини таҳлил қилиб, буни яққол кўриш мумкин. Давлат бюджети даромадларининг асосий қисми (80%дан ортиғи) қуйидаги бешта асосий солиқ ҳисобига шаклланди: ҚҚС (24,6%), фойда солиғи (20,3%), ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (13%), ЖШДС (12,5%), акциз солиғи (10%). Шундай қилиб, қанча келиб тушди, асосий солиқлар бўйича тушумлар ўсиши ёки пасайишининг сабаби нимада:

2.2.4-жадвал

Ўзбекистонда асосий солиқлар бўйича тушумлар ҳолати тахлили

Солиқ тури	2019 йилнинг И ярми, трлн сўмда	2020 йилнинг И ярми, трлн сўмда	Ўсиш/ пасайиш	Тушумлар ўсиши ёки пасайишининг сабаблари
ҚҚС	16,3	14,3	- 14,0%	Пасайиш сабаблари: • иқтисодий фаолликнинг пасайиши; • ҚҚС ставкасининг 20%дан 15%га камайтирилиши (2019 йил 1 октябрдан); манфий ҚҚС барча солиқ тўловчиларга қоплаб берилмоқда (илгари фақат экспорт қилувчиларга қоплаб берилган); • сотиб олинган асосий воситалар бўйича ҚҚС бир йўла қопланмоқда (илгари 12/36 ой давомида қопланган). Пасайишга тўсқинлик қилган омиллар: • ҚҚС тўловчилари сонининг ўсиши (01.01.20 йил ҳолатига – 85 773, 01.07.20 йил ҳолатига – 97 815); • импорт ҚҚС бўйича имтиёзларнинг бекор қилиниши; • электрон ҳисобварақ-фактураларнинг жорий этилиши
Фойда	6,7	11,8	76,1%	Ўсиш омиллари:

солиғи				• солиқ базавий ставкасининг 12%дан 15%гача оширилиши; • тоғ-кон саноати корхоналарига солиқ солиш тартибидаги ўзгаришлар; • қимматбаҳо металлар нархининг сезиларли даражада ошиши; • солиқ тўловчилар сонининг ўсиши (01.01.20 йил ҳолатига – 47 000, 01.07.20 йил ҳолатига – 103 000). Эҳтимолий ўсишга тўсқинлик қилган омиллар: • пандемия сабабли иқтисодий фаолликнинг пасайиши; • ИИ чоракдан бошлаб бўнак тўловларини тўлаш тизимининг ўзгариши
ЖШДС	6,2	7,3	17,7%	Ўсиш омиллари: • жами МҲТФнинг ўсиши (И чоракда) ва энг кам иш ҳақининг 18%га ошиши; • давлат улушига эга корхоналар учун ижтимоий солиқ ставкасининг 25%дан 12%гача камайтирилиши; • кичик тадбиркорлик субъектлари ва иқтисодиётнинг айрим тармоқлари учун май ойидан бошлаб ижтимоий солиқ ставкасининг 12%дан 1%гача камайтирилиши. Эҳтимолий ўсишга тўсқинлик қилган омиллар: • пандемия сабабли иқтисодий фаолликнинг пасайиши;

				• ходимга тўланадиган, солиқ солинмайдиган моддий ёрдам суммасининг 4,22 МҲЭКМдан 7,5 МҲЭКМгача оширилиши
Айлан мадан олина-диган солиқ	0,94	0,63	- 49,2%	Пасайиш омиллари: • иқтисодий фаолликнинг пасайиши; • солиқни тўлаш муддатини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконини бериш; • тўловчиларнинг бир қисми йил якунлари бўйича айланма суммаси 1 млрд сўмдан ошганлиги учун умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтганлиги (ҚҚС ва фойда солиғига қаранг)
Ер қаъри-дан фойда ланган лик учун солиқ	6,8	7,6	11,8%	Ўсиш омиллари: • қимматбаҳо металлар нархининг ошиши (олтиннинг нархи 26%га ўсди); • солиқ ставкаларининг 15%га индексация қилиниши
Мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ресурс-ларидан фойда-ланган-лик учун солиқ	2,4	2,1	-14,3%	Пасайиш омиллари: • пандемия сабабли иқтисодий фаолликнинг пасайиши; • солиқ имтиёзлари ва преференциялар берилиши. Пасайишга тўсқинлик қилган омиллар: • ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларининг

				индексация қилиниши (15%га); • алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларининг оширилиши (60 баравар); • мол-мулк солиғи қайта баҳоланган (бозор) қиймати асосида ҳисоблаб чиқариладиган тўлиқ амортизацияланган биноларнинг солиқ солишга жалб қилиниши; • бозорлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва бошқаларнинг ушбу солиқларни тўлашга ўтказилиши

Шундай қилиб, асосий тамойиллар қандай тусга эга?

Қуйидагилар солиқлар тушумининг пасайишига олиб келди:

• солиқ тўловчиларнинг иқтисодий фаоллигига таъсир кўрсатган пандемия;

• ҚҚС – бюджет даромадларининг асосий қисмини ташкил этувчи солиқ ставкасининг пасайтирилиши ва йил бошидан тақдим этилган бошқа имтиёзлар;

• биринчи навбатда кичик бизнесга ва пандемиядан энг кўп жабрланган соҳаларга (туризм, умумий овқатланиш корхоналари ва б.) тадбиркорларнинг фаоллигига боғлиқ бўлмаган солиқлар (мол-мулк, ер солиқлари), шунингдек ижтимоий солиқ ва айланмадан олинадиган солиқ бўйича имтиёз ва преференцияларнинг берилиши.

Қуйидагилар солиқлар тушумининг ўсиши омилига айланди:

• тоғ-кон саноати корхоналари ҳисобига фойда солиғи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумларнинг ўсиши. Улар учун солиқ ставкалари оширилди, фойдага солиқ солиш тартиби ўзгарди. Қимматбаҳо

металлар нархининг ошиши билан бирга бу бюджет даромадларининг сезиларли даражада ўсишига олиб келди;

• тўловчиларнинг бир қисми 2019 йил якунлари бўйича айланма суммаси 1 млрд. сўмдан ошганлиги учун умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтганлиги;

• ресурс солиқлари ставкаларининг индексация қилиниши ва оширилиши;

• И чоракда солиқ тушумларининг анча юқори суръатлари;

• давлат корхоналарининг 2019 йилда олинган соф фойдасидан давлат улушига ҳисобланган дивидендларнинг тўлиқ миқдорда бюджетга йўналтирилиши;

• давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, судлар ва прокуратура, вазирлик ва идораларнинг солиқлар, мажбурий йиғимлар, бож ва жарималардан ажратмалар ҳисобига шаклланган, депозит ҳисобварақларида мавжуд маблағлар қолдиғи 50%ининг бюджетга ўтказилиши.

Шундай қилиб, статистика кўрсаткичлари динамикаси таҳлили шуни кўрсатадики, пандемия шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Пандемия шароитида ушбу соҳада ижобий тенденцияларига бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни ривожлантириш ва хусусий мулкни ҳимоя қилишга доир қўшимча чора тадбирларни амалга ошириш бўйича комплекс тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида эришиш мумкин бўлади.

2.3. Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши ва уларнинг фаолияти таҳлили

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш тадбиркорликни фаол модернизациялашни талаб этади, бунда кичик ва ўрта бизнес субъектлари муҳим ўрин тутади. Хўжалик юритишнинг бундай шакли иқтисодий салоҳиятнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради, ижтимоий ва

илмий-техникавий муаммоларнинг ечимини таъминлайди ҳамда аҳоли фаровонлигининг ўсишига ёрдам беради.

Тадбиркорлик хўжалик юритишнинг тури сифатида иқтисодчиларнинг бир неча авлодлари томонидан иқтисодий назария ва макроиқтисодий таҳлилга бағишланган илмий нашрларда кўриб чиқилган. Мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқлари ва соҳаларида кичик бозор тузилмаларининг шаклланиши, истисносиз, иқтисодий жараёнларнинг глобал иқтисодий тенденцияларига жавоб беради, чунки дунёнинг барча мамлакатларида жуда кўп турли хил йўналишдаги кичик бизнес деярли барча соҳаларда фаолият юритади.

Ўзбекистон Республикасида муваффақиятли амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида мамлакат миллий иқтисодиётини модернизациялашда кичик бизнес асосий ўрин тутади. Ўзбекистонда замонавий кичик ва хусусий бизнес амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсадли гуруҳи ва энг муҳими, ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий соҳалардаги ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қаралади. Бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти бозор инфратузилмаси институтлари – ўзаро боғланган лойиҳалаш ва технологик, ахборот-ишлаб чиқариш ва ташкилий тизимлар мажмуи орқали амалга оширилмоқда. У тадбиркорликнинг тўлиқ циклини - дастлабки ғоядан то аниқ маҳсулот ёки хизмат кўринишида якуний амалий кўринишда амалга ошириш имконини беради.

Тадбиркорлик- оқилона ташкил этиш, янги соҳаларини излаб топиш ва ресурсларни манфаатли жойлаштириш, ишлаб чиқаришда янги комбинацияларни амалга ошириш, янги бозорларга кириб бориш, янги маҳсулотлар яратишдир. У янги маҳсулот ва технологияларни яратишда, ишлаб чиқариш ёки маркетинг каби иқтисодий фаолиятнинг у ёки бу соҳасида муваффақият ва етакчиликка эришиш асосида эҳтиёжларни тўлиқ қондириш орқали ўртача даражадан юқори фойда олишга йўналтирилгандир.

Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тўғрисида" ги қонунида қуйидаги таъриф

берилган: "Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) тадбиркорлик субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти, ўз таваккалчилиги ва ўзининг мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолиятдир".

Энди тадбиркорликни аниқ таҳлил қилиш ва унинг ҳукумат иқтисодиётига таъсири учун биз тадбиркорликнинг аниқ моҳиятини шакллантиришимиз керак. Бунинг учун тадбиркорликнинг иқтисодий моҳиятига доир иқтисодчи олимларнинг бир нечта нуқтаи назарларини кўриб чиқишимиз лозим.

Рим ҳуқуқида" бизнес " касб, иш, фаолият, айниқса тижорат сифатида қаралган. Иқтисодий нуқтаи назардан, жаҳон амалиётида тадбиркорликка оид турлича изоҳлар мавжуд: «ентрепренеур» (французча сўздан «тадбиркор»), «емпресарио» (испанча -«бизнесмен»), «ентрепренеур», «бусинессман», «бусинесс», «owner», «емплоер», «бусинессowner», «традер», «бусинессперсон», «бусинессwoman» (инглизча -«антрепренер», «бизнесмен», «бизнес», «соҳиб», «иш берувчи», «трейдер», «тадбиркор аёл»), «импрендиторе» (италянча - «тадбиркор»), «унтемеҳмер» (немисча - «бизнесмен»).

Инглиз иқтисодчиси Ричард Кантильон тадбиркорни номаълум, белгиланмаган даромадга эга шахс деб ҳисоблаб, бегона товарларни аниқ нархда сотиб олади ва ўзи учун ҳали номаълум бўлган нархда сотади. Демак, таваккалчилик тадбиркорнинг асосий фарқловчи хусусияти ҳисобланади.

XVIII аср охири - XIX аср бошларида француз иқтисодчиси. Жан Батист Сей тадбиркорни ўз маблағлари ва таваккалчилиги билан маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олган шахс сифатида таърифлади. У тадбиркор ишлаб чиқариш омилларини (капитал, меҳнат ва табиий ресурсларни) бирлаштиришини таъкидлади. Сей тадбиркорнинг ўзига хос хусусиятлари ва бир қисми унинг камёб тадбиркорлик қобилияти учун тўлов ҳисобланадиган даромадларининг тавсифини батафсил тасвирлаб берди.

Физиократик мактаб доирасида тадбиркорлик назариясининг ривожланиши француз иқтисодчиси ва давлат арбоби А. Тюргонинг асарларида ўз аксини топган. У биринчилардан бўлиб, жамиятнинг синф тузилишини ўрганишда саноат мезонининг объективлигини шубҳа остига олиб, уни уч синфга ажратган: фойдали (деҳқон) лар, мулкдорлар (ер эгалари) ва самарасиз (бошқалар). А. Тюрго ишлаб чиқариш воситаларига муносабат асосида мукаммал моделни яратди. У самарасиз синфни тадбиркор-ишлаб чиқарувчилар ва оддий ҳунармандларга, фойдали синфни эса тадбиркорлар ва оддий ишчиларга ажратди. Тадбиркор билан бирга қоладиган қисм фойдани тадбиркорлик ишлари, таваккалчилик ва ташкилотчилик маҳорати учун махсус турдаги устама сифатида қараган. Шундай қилиб, А. Тюрго тадбиркорлик функциясини амалга ошириш нафақат рискли инвестицияларни, балки муайян бошқарув қобилиятларини ҳам талаб қилади деган хулосага келди.

Шотландиялик иқтисодчи ва классик сиёсий иқтисод асосчиси А. Смит ўзининг "Халқлар бойлигининг табиати ва сабабларини тадқиқ қилиш" асарида тадбиркорга тавсиф беради. А. Смитнинг таърифига кўра, тадбиркор аниқ бир тижорат ғоясини амалга ошириш ва фойда олиш учун таваккалчиликка боради. Шунинг учун тадбиркорлик фойдаси таваккалчилик учун бадал ҳисобланади. Тадбиркор ўзи ишлаб чиқаришни режалаштиради, ташкил қилади, меҳнат тақсимоти билан боғлиқ имтиёзларни амалга оширади, ишлаб чиқариш натижаларини бошқаради. А. Смит тадбиркорни мулкдор сифатида тавсифлайди. Айнан шу нуқтаи назардан, у иқтисодий ҳаётдаги ҳаракатларни, мотивацияни, хулқ-атворни кўриб чиқди ва тадбиркор ўз фаолиятида фақат ўз манфаатига асосланади, фақат ўз манфаатига эга, деб ҳисоблади.

Инглиз иқтисодчиси ва классик сиёсий иқтисод вакили Д. Рикардо тадбиркорни ўз маблағларини фойдали ишлатишни излаётган капиталист деб таърифлайди. У тадбиркорни фақат инвестор ёки оддий капиталист деб ҳисоблаган, " ўз маблағларини фойдали ишлатишни излаётган, табиийки, бир машғулотнинг бошқасига нисбатан барча афзалликларини ҳисобга олади.

Шунинг учун у пул маблағларининг бир қисмини тўғри, саранжом саришта, қулай жойлаштириши ёки бир машғулоти бошқасидан фарқ қиладиган бошқа ҳақиқий ёки фаразли даромадлар учун воз кечиши мумкин". Капиталлар ҳаракатининг сабаблари ва оқибатларини очиб берган Д. Рикардо ўз асарларида тадбиркорликни илмий таҳлил қилиш предметига айлантирмади.

XX аср бошларига келиб тадбиркорлик институтининг аҳамияти ва ролидан хабардорлик бошланади. Инглиз иқтисодчиси А. Маршалл биринчи бўлиб ишлаб чиқаришнинг классик омиллари (ер, капитал, меҳнат) қаторига тўртинчи омил– ташкил этишни қўшди. А. Маршалл тадбиркорлар, бир томондан, юқори малакали инсонлар бўлиб, жамият эҳтиёжларини қондириш учун ишлайдиган, таваккал қиладиган, бошқа томнлан, қўл меҳнати ишчилари ва истеъмолчилар ўртасида воситачилардир. Шу даврдан бошлаб тадбиркорлик тушунчаси шунингдек, унинг бажарадиган вазифалари кенгаймоқда.

Немис иқтисодчиси Вернер Зомбарт (XIX- аср охири - XX аср бошлари) таъкидлашича, тадбиркор таваккалчиликка боришга тайёр, маънавий эркин, бой ғоялар, ирода ва қатъият эгаси, кўп одамларни биргаликда ишлашга ундай оладиган ташкилотчи.

Тадбиркорликка ёндашувни ривожлантиришда Й. Шумпетер муҳим ўрин тутади. Унинг таърифига кўра, тадбиркор бўлиш "бошқалар қилмайдиган ишни бажариш" ва "бошқалар қила олмайдиган ишни қилиш" демакдир. Шумпетер капитални сақлаб қолиш тадбиркорликнинг асосий мақсади деб ҳисоблади ва тадбиркорлик нафақат мулк ҳуқуқига, балки ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига ҳам асосланганлигига эътибор қаратди.

Тадбиркорлик ва тадбиркорнинг барча таърифларида биз янгилик, ташкилотчилик қобилияти, ижодкорлик, таваккалчиликка боришга тайёрлик, ноанъанавий фикрлаш, ташаббускорлик, масъулият ва бошқалар каби тушунчалар мажмуини ўз ичига олган хусусиятлар ва хатти-ҳаракатлар ҳақида гапирамиз.

Иқтисодий таълимотлар тарихига қисқача экскурсия тадбиркорлик назариясида асосий асослар мавжудлигини тасдиқлайди, уларнинг асосий тоифалари вазифалари, хусусиятлари, шахсий фазилатлари ва бошқа хусусиятлари асосий категориялар ҳисобланади.

Тадбиркорлик ҳар қандай ривожланган иқтисодий тизимнинг ажралмас, объектив зарур элементи бўлиб, уларсиз иқтисодиёт ва умуман жамият нормал мавжуд бўла олмайди ва ривожлана олмайди. Бу ўз хусусиятлари, афзалликлари ва камчиликлари ва ривожланиш йўналишлари билан иқтисодий ҳаётни ташкил этишнинг мутлақо мустақил ва энг типик шаклидир. Унинг иккиёқлама роли кичик бизнес субъектларига хос бўлган, мақсадли ва инструментал таснифланган функцияларни таҳлил қилиш натижалари билан тасдиқланади. Биз кичик бизнесни ривожлантиришни давлатнинг макроиқтисодий вазифаларидан бири қилиб қўядиган мақсадли вазифаларга: ишсизликни камайтириш, илмий ва технологик тараққиётни жадаллаштириш ҳамда жамиятда ижтимоий ва сиёсий барқарорликни таъминлашдаги ролини кўрсатдик. Инструментал функцияларга эса иқтисодиётни монополлаштириш тенденцияларини чеклаш, ўрта синфнинг шаклланишига кўмаклашиш ва йирик корхоналар учун самарасиз бўлган бозор сегментларини тўлдириш мақсадида кичик бизнес субъектларидан фойдаланиш киради.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни ривожлантишини кўриб чиқамиз. Ўзбекистон ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш янги босқич остонасида турибди. Кичик бизнес бозор иқтисодиётининг энг муҳим элементи бўлиб, минтақаларнинг уйғун ривожланишини таъминлайди, асосан иқтисодий ўсиш суръатларини, ялпи ички маҳсулот таркиби ва сифатини белгилайди. Кичик бизнеснинг асосий афзалликларидан бири шундаки, у муқаррар равишда ички бозорда рақобатга олиб келади, бу эса ўз навбатида мамлакатнинг иқтисодий ҳолатига қулай таъсир кўрсатади.

Тадбиркорликнинг самарали фаолият кўрсатиши учун муайян иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва инфратузилмавий шарт-шароитлар зарур. Ўзбекистон ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилгани уларнинг ЯИМ даги улуши (56,5%) ва иқтисодиётда банд бўлганлар сони (айрим ҳудудларда 77,6% дан 83% гача) дан кўришимиз мумкин бўлади (2.2.5-жадвал).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида бир қатор меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, хусусий мулкни тўлиқ ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳат яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги 2016 йил 5 октябрдаги №ПФ-4848 сонли Фармони хусусий мулкнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада мустаҳкамлаш, қулай шарт-шароит яратиш ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тўлиқ қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун институционал база яратилди. 2013 йилда Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси" ташкил этилди. Жамғарма Жанубий Корея, Россия, Испания, Швейцария, Италия ва Болгария каби мамлакатларда ваколатхоналарга эга. Жамғарма ваколатхонаси Ўзбекистон тадбиркорларига маҳсулот экспорт қилиш ва ишончли ҳамкорлар топиш, Ўзбекистон ишбилармон доиралари ўртасида алоқаларни ривожлантириш, Ўзбекистон тадбиркорларининг халқаро кўргазмалар, ярмаркалар, тендерлар ва бизнес-форумларда иштирокини ташкил этишда кўмаклашади. Бундан ташқари, ваколатхона ички экспортчиларга юқорида қайд этилган мамлакатларда божхона тартиб-таомилларидан ўтиш учун зарур сертификатлар, лицензиялар ва бошқа рухсатномаларни олишда кўмаклашади.

2.3.1-жадвал.

Кичик тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари[82]

	Ўлчов бирлиги.	2018 г.	2019 г.	(+-)
Фаолият олиб бораётган кичик корхона ва микрофирмалар	бирлик	262930	334767	71837
Қайта ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар	бирлик	48922	92874	43952
Кичик тадбиркорликнинг улуши:				
ЯИМ	%	60,4	56,5	3,9
Саноат	%	37,4	34,9	-2,5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	%	98,3	98,3	-
Инвестициялар	%	38,0	47,0	9,0
Қурилиш	%	73,2	75,4,	2,2
Савдо	%	86,3	84,3	-2,0
Хизматлар	%	56,0	52,1	-3,9
Юкларни ташиш	%	55,5	54,6	-0,9
Юк айланиши	%	79,6	77,4	-2,2
Йўловчиларни ташиш	%	89,6	90,7	1,1
Йўловчиларни ташиш айланувчанлиги	%	94,8	94,9	0,1
Экспортда	%	27,2	28,7	1,5
Импортда	%	56,2	54,2	-2,0

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, бизнес муҳитини яратиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2019 йил январ-декабр ойларида 92874 янги кичик корхона ва микрофирмалар (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) ташкил этилди, 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 1,9 баробар кўп янги кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этилган. Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо (39,1 %), саноат (21,0%), қурилиш (9,4%), қишлоқ

[82] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тизимлаштирилди.

хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва балиқчилик (8,0%), турар жой ва озиқ-овқат хизматлари (7,8%), транспорт ва сақлаш (3,2%) да ташкил этилган.

2.3.2- жадвал

Ҳудудлар бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар, *бирликда*

	2018 й. январь-декабрь	*2019 й. январь-декабрь*	(+;-)
Ўзбекистон Республикаси	**48 922**	***92 874***	**43 952**
Қорақалпоғистон Республикаси	2 177	3 645	1 468
вилоятлар:			
Андижон	3 131	6 632	3 501
Бухоро	3 024	6 154	3 130
Жиззах	2 319	3 432	1 113
Қашқадарё	2 365	5 154	2 789
Навоий	1 810	7 129	5 319
Наманган	2 709	5 447	2 738
Самарқанд	4 312	7 980	3 668
Сурхондарё	2 781	4 845	2 064
Сирдарё	1 354	3 153	1 799
Тошкент	5 080	9 671	4 591
Фарғона	3 780	6 712	2 932
Хоразм	2 009	4 668	2 659
Тошкент ш.	12 071	18 252	6 181

Худудлар бўйича энг катта улуш Тошкент шаҳрига тўғри келади ва янги ташкил этилган кичик ва микро корхоналар умумий сони 18252 та, Тошкент вилоятида - 9671 та, Самарқанд вилоятида - 7980 та, Навоий вилоятида -7129 та, Фарғона вилоятида - 6712 та, Андижон вилоятида -6632 та. Бу кўрсаткич бўйича паст даража Сирдарё вилоятида қайд етилди - 3153 та. (1-расмга қаранг)

2.3.1-расм. 2020 йил 1 январ ҳолатига Ҳудудлар бўйича тадбиркорлик субъектларининг улуши.

2019 йилнинг январ-декабр ойларида худудлар миқёсида кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг энг катта кўрсаткич (1000 та аҳоли сони, дона) Тошкент шаҳрида - 28,8 та, Навоий вилоятида - 18,1 та, Сирдарё вилоятида - 17,9 тани ташкил этди. Жиззах вилоятида бу кўрсаткич 15,6 тага, Тошкент ва Бухоро вилоятларида эса 14,9 тадан, Фарғона вилоятида еса 12,2 тага етди. Бу кўрсаткич бўйича Сурхондарё вилояти паст даражада қайд этилган бўлиб - 8,3 тани атшкил этди. (2.3.1-расмга қаранг).

2019 йилнинг январ-декабр ойларида кичик тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши 56,5 % (2018 йилнинг январ-декабр ойларида 60,4%) ни ташкил этди. Бу камайиш йирик корхоналарнинг ЯИМ таркибидаги улушининг ошиши билан боғлиқ.

2.3.2-расм. Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари сони (1000 та аҳоли сони, дона) (2019 йил ҳолатига)

Ўтган йилдаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг асосий натижаларини таҳлил қиламиз. Шундай қилиб, кичик бизнес субъектлари 2019 йилда:

•115406,4 млрд. сўмлик (жами саноат ишлаб чиқаришининг 34,9%) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди;

•89352,0 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди. сўм (Республикадаги ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 47,0%) ёки 2018 йил январ-декабр даражасига нисбатан 166,1 % ;

•51949,8 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 75,4%), ёки 2018 йил январ-декабр ойлари даражасига нисбатан 122,8%;

•99139,3 млрд.сўмлик хизматлар ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) (жами хизматларнинг 52,1%) ёки 2018 йилнинг январ-декабри ойига нисбатан 104,8 %

•138368,1 млрд. сўмлик чакана товар айланмаси шакллантирилган бўлиб, жами чакана товар айланмасининг 84,3% ни ташкил этди, (ўсиш суръати 105,4% га ошди);

•5135,7 млн. АҚШ долларилик маҳсулот (товар ва хизматлар) экспорт қилинди (умумий экспортнинг 28,7%), ёки 2018 йил январ-декабр ойларига нисбатан 1324,8 млн. АҚШ доллари ёки 34,8% кўп;

•автомобил транспортида юк айланмасининг ўсиши 7,4% (умумий юк айланмасининг 77,4 %);

•йўловчи ташиши айланмаси 2,7 % (жами йўловчи айланмасининг 94,9%) ўсишга эришди.

Худудлар миқёсида тадбиркорликнинг ривожланишини кўриб чиқадиган бўлсак, таҳлиллар шуни кўрсатадики, кичик тадбиркорликнинг энг катта улуши ЯХМда Жиззах (84,1%), Наманган (79,2%), Сурхондарё (78,2%), Самарқанд (77,5 %) ва Бухоро (75,7 %) вилоятларига тўғри келади. Навоий вилоятида бу кўрсаткич пастлигича қолмоқда ва 31,3 % га тенг. (3-расм)



2.3.3 - расм. 2019 йилнинг январ-декабр ойлари учун кичик тадбиркорликнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши (ЯҲМ), %

Ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш аҳволини кўриб чиқиш мақсадида Фарғона вилоятидаги ҳолатни кўриб чиқамиз.

Фарғона вилояти Ўзбекистон Республикасининг енг ривожланган тадбиркорлик субектларидан биридир. Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ўзига хос платформаси шакллантирилди. Кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай муҳит яратишнинг асосий омили маҳаллий аҳолининг тадбиркорлик руҳидир.

Фарғона вилояти иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим ўрин тутади. Шундай қилиб, Фарғона вилоятида кичик бизнесни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2019 йилга қадар ЯҲМда кичик бизнеснинг улуши 67 фоизни ташкил етди. 2019-йилда кичик тадбиркорлик субъектлари сони (1000 та аҳоли сони, дона) 12,2 тани ташкил этди. 2019 йилда яна 6712 та янги кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этилди (деҳқон ва фермерларсиз), бу эса 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 2,1 баробар кўпдир.



2.3.4-расм. Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши

2019 йил январь – декабрь ойлари ҳолатига жамига нисбатан фоизда

Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо тармоғида 3 006 та (жами ташкил

этилган субъектларнинг 44,8 фоизи), саноат соҳасида 1 660 та (24,7 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 267 та (4,0 фоизи) ва қурилишда 493 та (7,3 фоизи) ташкил этилган.

2019 йилнинг январь-декабрь ҳолатига кичик бизнес субъектларини (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) сони 29 599 та (ўтган йилнинг шу даврида 23 542 та) ташкил этди. Шундан фаолият кўрсатаётганлари эса 29 300 тани (жамига нисбатан 98,9 фоиз) ташкил этди.

2.3.3- жадвал

Ҳудудлар бўйича иқтисодиёт тармоқларида кичик тадбиркорлик улушлари

(2019 йил январь-декабрь холатига, жамига нисбатан, фоизда)

	ЯҲМ		Саноат ишлаб чиқариш		Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги		Асосий капиталга киритилган	
	2018й.	2019й.	2018й.	2019й.	2018й.	2019й.	2018й.	2019й.
Вилоят	**70,7**	**67,0**	**39,4**	**43,6**	**97,1**	**97,5**	**54,3**	**60,6**
шаҳарлар:								
Фарғона	х	х	10,5	28,6	98,4	97,7	31,1	36,7
Қўқон	х	х	14,6	28,2	99,6	99,8	47,5	43,8
Қувасой	х	х	17,2	32,0	94,5	94,7	53,4	43,3
Марғилон	х	х	100,0	84,4	100,0	100,0	81,1	94,0
туманлар:								
Олтиариқ	х	х	100,0	100,0	99,6	99,7	47,0	74,9
Қўштепа	х	х	100,0	100,0	99,1	99,2	75,7	77,8
Бағдод	х	х	44,3	58,2	83,1	87,9	45,5	78,3
Бувайда	х	х	100,0	100,0	99,5	99,9	85,7	87,7
Бешариқ	х	х	43,7	65,7	99,6	99,8	21,6	12,1
Қува	х	х	69,5	55,8	99,6	99,8	69,9	88,9
Учкўприк	х	х	92,4	95,5	99,1	99,6	73,6	91,6
Риштон	х	х	46,2	62,1	99,7	99,9	44,5	61,4

Сўх	х	х	100,0	100,0	84,5	88,6	31,9	38,9
Тошлоқ	х	х	28,8	13,8	99,5	99,7	68,3	80,7
Ўзбекистон	х	х	65,4	89,5	99,5	99,8	62,5	96,3
Фарғона	х	х	97,7	89,3	79,4	87,0	82,2	82,8
Данғара	х	х	100,0	100,0	99,1	99,9	75,2	90,6
Фурқат	х	х	57,6	100,0	99,8	99,9	64,7	82,3
Ёзёвон	х	х	100,0	100,0	99,5	99,7	55,1	41,5

	Қурилиш ишлари		***Кўрсатилган хизматлар жами***		***Чакана товар айланмаси***	
	2018й.	***2019й.***	***2018й.***	***2019й.***	***2018й.***	***2019й.***
Вилоят	**92,0**	**87,6**	**74,6**	***71,8***	***88,3***	**88,4**
шаҳарлар:						
Фарғона	90,8	90,3	48,3	45,7	75,0	75,0
Қўқон	61,7	68,7	91,8	88,8	82,4	82,6
Қувасой	98,0	95,9	98,1	95,7	93,2	95,4
Марғилон	100,0	99,9	97,7	97,0	91,7	90,8
туманлар:						
Олтиариқ	100,0	99,5	96,0	96,5	96,5	96,8
Қўштепа	100,0	99,7	99,7	99,4	99,9	99,9
Бағдод	92,6	94,8	95,6	97,8	87,8	85,4
Бувайда	100,0	98,8	99,5	99,2	98,4	98,2
Бешариқ	88,2	36,9	97,1	96,9	98,0	98,2
Қува	100,0	99,6	95,3	94,1	95,9	93,8
Учкўприк	90,3	97,8	98,6	97,4	98,5	96,7
Риштон	99,7	98,9	91,8	95,0	91,4	95,2
Сўх	100,0	98,9	98,5	98,5	99,5	99,4
Тошлоқ	72,6	99,3	97,4	98,0	91,6	93,7

Ўзбекистон	100,0	99,4	98,4	98,7	97,3	97,4
Фарғона	95,8	90,1	84,1	86,4	94,5	99,4
Данғара	95,7	94,6	97,0	96,8	97,5	97,4
Фурқат	100,0	99,7	99,2	99,2	98,5	98,5
Ёзёвон	97,4	59,4	98,4	98,7	96,8	97,3

Вилоят миқёсида кичик бизнеснинг саноатдаги энг катта улуши Олтиариқ, Қўштепа, Бувайда, Сўх, Данғара, Фурқат, Ёзёвон туманларида (100,0 %), ва Учкўприк туманида (95,5%) қайд этилган. Қурилишда Марғилон (99,9%), Қўштепа (99,7 %), Олтиариқ (99,5 %), Бувайда (98,8 %), Қува (99,6 %), Тошлоқ (99,3%), Ўзбекистон (99,4%), Фурқат (99,7%) ташкил этди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида - Қўштепа (99,4 %), Бувайда, Фурқат (99,2 %), Сўх (98,5 %), Тошлоқ (98 %), Ўзбекистон, Ёзёвон (98,7 %).

Инвестиция томонидан – Ўзбекистон (96,3%), Марғилон (94 %), Учкўприк (91,6%) ни ташкил этган.

2019 йилда Фарғона вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан[83]:

- 5557,8 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 60,6 фоизи) ўзлаштирилди ва 2018 йилнинг январь-декабрга нисбатан ўсиш суръати 157,4 фоизни ташкил қилди;
- 3560,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 87,6 фоизи) бажарилди ва 2018 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 110,4 фоизни ташкил қилди;
- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 8 490,3 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқариш хажмидаги улуши 43,6 фоизи ташкил этади) ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 140,5 фоизга ўсди;
- 8102,0 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб (вилоят жами хизматлар

[83] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Фарғона вилояти бошқармаси маълумотлари

хажмининг 71,8 фоизи), 2018 йилнинг январь-декабрга нисбатан ўсиш суръати 105,3 фоизни ташкил қилди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 88,4 фоизи ёки 11 944,2 млрд. сўми (ўсиш суръати 105,1 фоизни ташкил қилди) шакллантирилди;
- 307,1 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 53,5 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 652,3 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 77,3 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди;
- автомобил транспорти юк айланмасининг 8,7 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 96,6 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 2,1 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 96,1 фоизи) кўпайиши таъминланди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 2019 йилнинг январь-декабрь

1. 8490,2 млрд.сўмлик саноат махсулотлари чиқарилди (жами саноат ишлаб ишлаб чиқаришнинг 43,6 %);
2. 5557,8 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар хажмининг 60,6 %) ўзлаштирилди ва 2018 йилнинг январь-декабрига нисбатан 157,4 фоизни ташкил этди;
3. 3560,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишларининг умумий хажмининг 87,6 %) бажарилди ва 2018 йилнинг январь-декарига нисбатан ўсиш суръати 110,4 %ни ташкил қилди;
4. 8102,0 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб (вилоят жами хизматлар хажмининг 71.8 % 2018 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 105,3 % ни ташкил қилди;
5. чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 88,4 % ёки 11944,2 млрд. сўми (ўсиш суръати 105,1 % ташкил қилди) шакллантирилди;
6. 307,1 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 53,5 %) миқдорида маҳсулот (товар ва хизмат) лар экспорт қилинди, бу эса 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 85,6 млн. АҚШ долларига ёки 38,6 % га кўп;
7. автомобиль транспорти юк айланмасининг 8,7 % га (вилоят жами автомобиль транспорти юк айланмаси нинг 96,6 %) кўпайиши таъминланди;
8. йўловчи айланмасининг эса 2,1 % га (умумий йўловчи айланмасининг 96,1 %) кўпайиши таъминланди.

2.3.4-расм. Фарғона вилоятида тадбиркорлик субъектларининг 2019 йилдаги натижалари

Пандемия шароитида Фарғона вилоятида кичик тадбиркорликнинг ривожланишини тахлил қилиб чиқимиз. 2020–йилнинг zнвар – июнида кичик тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши 61,5 % ни ташкил этди.

Кичик тадбиркорлик субектларининг сони ҳар 1000 аҳолига 12,7 бирликни ташкил қилди. 2020-йилнинг январ-ийунида 2,7 мингта янги кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 41,1 фоизга кам.

2020 – йилнинг январ–июнида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) туманлар бўйича энг кўп кўрсаткич Фарғона шаҳрида 19,6 бирлик, Қўқон шаҳрида 17,2 бирлик, Қувасой шаҳида 16,8 бирлик. Марғилон шаҳрида 15,4 бирлик, Данғара туманида 14,8 бирлик, Фурқат туманида 14,8 бирлик, Қува туманида 14,2 бирликни ташкил этган. Бешариқ туманида эса ушбу кўрсаткич энг паст бўлиб 6,8 бирликка тўғри келди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг 2020 – йилнинг **II** чорагида, охирги ҳисобот йилида маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушуми мавжудлари бўйича ўтказилган кузатув натижаларига кўра, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қониқарли иқтисодий вазият хизматлар соҳасида 15,9 пунктга, саноат корхоналарида 14,7 пунктга, савдода 8,1 пунктга, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 6,0 пунктга ошди.

Шу билан бирга, ўтган йил билан таққослаганда иқтисодий вазиятни қулай деб баҳолайдиган барча фаолият турлари бўйича корхоналар улушининг пасайиши кузатилди.

Жорий йилнинг **II** чорагида, ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда барча фаолият турлари бўйича иқтисодий вазиятни қониқарсиз деб баҳолаган корхоналар улушининг кўпайиши кузатилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг 2020 – йилнинг **II** чорагида, охирги ҳисобот йилида маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушуми мавжудлари бўйича ўтказилган кузатув натижаларига кўра,

ўтган йилнинг мос даврига нисбатан яқин уч ойда иқтисодий вазиятни яхшиланишига ишонган корхоналар улуши барча иқтисодий фаолият турлари бўйича камайган.

Шу билан бирга, ўтган йил билан таққослаганда , барча фаолиятда, яқин уч ойда уларнинг иқтисодий вазияти ўзгаришсиз қолишига ишонган корхоналар улуши ўсди.

Яқин келажакда иқтисодий вазият ёмонлашишини баҳолаган корхоналар улуши хизматлар соҳасида 1,3 пунктга, савдо корхоналарида 1,0 пунктга ошди.

Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар кузатуви маълумотларига кўра, 2020 – йилнинг **II** чорагида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таққослаганда иқтисодий вазиятни қулай деб баҳолаган корхоналар улуши қурилиш корхоналарида 3,8 пунктга ошган бўлса, қолган фаолият турлари бўйича пасайиш кузатилди.

Шу билан бирга, жорий йилнинг **II** чорагида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан иқтисодий вазиятни қониқарли деб баҳолайдиган корхоналар улуши қурилиш корхоналарида 16,1 пунктга пасайган бўлса, қолган барча фаолият турлари бўйича ўсиш кузатилди.

Жорий йилнинг **II** чорагида, ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда саноатда 1,8 пунктга, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 1,1 пунктга, иқтисодий вазиятни қониқарсиз деб баҳолаган корхоналар улушининг пасайиши кузатилган бўлиб, хизматлар соҳаси (2,2 пунктга), қурилиш (12,3 пунктга) ва савдо (4,9 пунктга) корхоналарида иқтисодий вазиятни қониқарсиз деб баҳолаган корхоналар улушининг ўсиши кузатилди.

Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини кузатуви натижаларига кўра, 2020 – йилнинг **II** чорагини ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда, яқин уч ой ичида иқтисодий вазиятни яхшилашга ишонган корхоналар улуши барча иқтисодий фаолият турлари бўйича камайган.

Шунингдек, ўтган йил билан таққослаганда, барча фаолият турларида, яқин уч ойдаги иқтисодий вазият ўтган йилга нисбатан ўзгармайди деб ҳисоблаган корхоналар улуши ошди.

Яқин келажакда иқтисодий вазиятни ёмонлашишини баҳолаган корхоналар улуши хизматлар соҳасида 2,4 пунктга камайди.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, вилоятда кичик бизнес соҳасининг ривожланиш салоҳияти тўлиқ амалга ошмаяпти. Фикримизча, бугунги кунда Фарғона вилоятида кичик бизнес соҳасини ривожлантириш йўлидаги асосий тўсиқлар:

•тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун маъмурий тўсиқлар;

•кичик бизнеснинг сотув бозорлари, жумладан, хорижий ва минтақавий бозорларга эркин кириш имкониятининг чекланганлиги, бу эса йирик корхоналар билан таққослаганда кичик бизнес субъектларининг кам имкониятлари ва чекланган молиявий ресурслари билан изоҳланади;

•кичик бизнес соҳасида юқори малакали кадрлар ва компетенциянинг етишмаслиги, шу жумладан бизнесни бошқариш компетенциялари;

•бошловчи тадбиркорларни етарли даражада қўллаб қувватламаслик.

Кичик бизнеснинг тармоқ таркибида тадбиркорлик фаолияти учун муҳим салоҳият ва юқори ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, аммо ҳозирги кунда тўлиқ ривожланмаган бир қатор сегментлар мавжуд. Масалан, мева-сабзавотни қайта ишлаш, трикотаж ва тикувчилик тармоғи ва хизмат кўрсатиш соҳаси.

Таҳлиллар асосида Фарғона вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни узоқ муддатда ривожлантириш учун қуйидаги йўналишларни такомиллаштириш лозим:

•кичик бизнес учун кадрларни фаол тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

•кичик бизнес фаолият олиб бориши ва ривожланиши учун зарур бўлган аҳолининг бирламчи эҳтиёжларини қондиришга эътибор қаратиши керак. Бунинг учун озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида соғлом турмуш тарзини шакллантиришни ҳисобга олган ҳолда озиқ-овқат саноатининг асосий

номенклатурадги маҳсулотларини ишлаб чиқариш доирасини кенгайтириши лозим;

•вилоят аҳолисининг кутилаётган ўсишини ҳисобга олган ҳолда меҳнат талаб қиладиган тармоқларни: пахта, ипак, жун, трикотаж, тайёр маҳсулотлар ва халқ ҳунармандчилиги ишлаб чиқариш бўйича мини-цехларни ривожлантириш мақсадга мувофиқ;

•истеъмол талабининг ўсиши туфайли мавжуд анъанавий хизматларнинг барча турларига талаб ўсиши кутилмоқда, шунингдек, янги ва юқори сифатли хизматларга талаб шакллантирилмоқда. Бундан келиб чиқадики, 2030 йилгача кичик бизнес соҳасида хизматларни ривожлантиришнинг махсус стратегиясини ишлаб чиқиш зарур;

•иқтисодиётни модернизациялаш, диверсификациялаш ва рақамлаштириш туфайли узоқ муддатда инновацион маҳсулотларга катта талаб пайдо бўлади. Шунинг учун инновацион бизнес марказларини шакллантиришни олдиндан режалаштириш мақсадга мувофиқ, бундан кўзланган мақсад тадбиркорларга бу соҳада, жумладан, ахборот технологияларини ривожлантиришда билим ва кўникмалар беришдан иборат бўлади.

Хулоса

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, мамлакат ҳудудлари иқтисодиётида тадбиркорлик муҳим ўрин тутади. Кичик бизнес ва тадбиркорлик миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига ҳисса қўшади, унинг инновацион ривожланишига кўмаклашади, мамлакатдаги сиёсий вазиятни барқарорлаштиради, аҳоли фаровонлиги даражасини оширади ва республиканинг жаҳон саҳнасига чиқишига кўмаклашади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасида кичик бизнесни ривожлантириш устувор вазифа бўлиб, бу вазифани амалга ошириш учун давлат томонидан ҳар томонлама ҳаракат қилинмоқда.

2.4. Пандемия шароитида тадбиркорлик инфратузилмасининг самарали фаолияти таҳлили

Тадбиркорликни ривожлантириш - мураккаб комплекс жараён бўлиб, у ўзида такрор ишлаб чиқариш, мақсадлар, тамоиллар, функциялар ва фаолият услубларини босқичма – босқич ўзгартириш, ишбилармонлик фаоллиги доирасини кенгайтириш, уларнинг ташкилий-техник даражасини ошириш орқали тадбиркорлик фаолиятини сифат жиҳатдан ўстиришдир.

Республикада олиб борилаётган жамиятни демократлаштириш жараёнлари, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш жараёни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини биринчи даражага олиб чиқади. 1999 йилдан 2018 йилгача у мамлакатда кўп укладли иқтисодиётни ривожланиш суръатларининг сезиларли даражада ўсиши, аҳоли бандлигини ошишига имкон берди, ўзининг ресурс базасини сезиларли даражада кенгайтира олди, ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлади.

Кичик ва йирик бизнес субъектларининг ҳамкорлик муносабатлари маҳсулот ва хизматларнинг рақобатбардошлигини таъминлайди, бу уларнинг ўзаро муносабатлар тизимини ташкил этишнинг бир шарти ҳисобланади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатдики, корпоратив сектор замонавий иқтисодиётнинг асосидир. Мисол учун, Ғарбий Европа ва АҚШда бу кўрсаткич 1: 500 даражага яқинлашганда, Россияда йирик ва кичик бизнеснинг нисбати 1: 5 дан 1:25 гача бўлган ҳудудий ҳажмда ўзгариб туради. Йирик тадбиркорлик субъектлари бозор иқтисодиётининг асосий элементлари бўлиб, унинг ривожланиш ва самарадорлик даражасини белгилайди. Улар ўз-ўзини ривожлантириб, улар иқтисодиётнинг тизимли яхлитлигини таъминлайди. Ривожланган мамлакатларида иқтисодиётнинг илмийлиги, инфратузилмавий ва ресурсларни эксплуатация қилиш тармоқлари, саноат гигантлари ва уларнинг бирлашмалари технологик тараққиёт ва иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Бирок, хўжалик юритишнинг объектив шароитларини ўзгариши, рақобат муносабатларининг ривожланиши, бозор шароитининг ноаниқлиги ва беқарорлиги билан хўжалик субъектларининг мослашувчанлик, реакциянинг тезлиги, янги технологияларни жорий этиш ва ўзлаштириш каби хусусиятларини долзарблаштиради. Юқорида кўрсатиб ўтилган омиллар саноат ишлаб чиқаришдан, мослашувчан ишлаб чиқариш линияларидан фойдаланишга ўтишини тақазо этади, маҳсулотлар кичикроқ партияларда ишлаб чиқарилади, қайтанга, барча имконли модификацияларни фойдаланади. Бу йирик хўжалик тузилмалари учун кичик бизнеснинг жозибадорлигини оширади. Давлатнинг мақсадга йўналтирилган қўллаб қувватлаши аҳолининг тадбиркорлик ташаббусининг кучайишига, мамлакат иқтисодиётида ушбу секторнинг роли ва ўрнига сезиларли даражада таъсир этиди.

Иқтисодиётда кичик бизнеснинг улуши ва аҳамияти ортиб бораётганлигига қарамасдан, ушбу кўрсаткичлар қиймати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга нисбатан паст (ўртача 65-75%) даражада қолмоқда. Шуни инобатга олиб, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини шакллантириш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун имтиёз ва преференциялар бериш, жиноий қонунчиликни демократлаштириш, инсонпарварлаштириш ва либераллаштиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Фарғона вилоятида инфратузилмани шакллантириш методологияси мавжуд эҳтиёжларнинг устуворлигини таъминлай олиши керак, уларни амалга оширишда минтақавий ва тармоқ манфаатлари уйғунлигини таъминлай олиши керак. Бу ҳолда уни ривожлантириш ва жойлаштиришнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тизимли-функционал ёндашув йўли билан амалга оширилади ва ушбу дастурнинг асосий кўрсаткичлари маҳаллий талаблар асосида унинг таркибий қисмларининг самарадорлиги даражасида аниқланади.

Бизнинг фикримизча, давлатнинг асосий параметрларини таққослаш ва инфратузилма комплексининг минтақадаги структуравий-функционал ёндашув билан таққосланиши қуйидаги методологик схема билан аниқланиши мумкин:

1. Ҳар бир инфратузилма блокида таққослаш учун инфратузилма элементларини танлаш.

2. Вилоятдаги (туман) инфратузилманинг ҳар бир элементи ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичларни аниқлаш.

Маълумки, ишлаб чиқаришнинг юқори даражада ривожланганлиги ҳам, заиф моддий-техника базага эга инфратузилма комплекси кичик бизнеснинг юқори даражада самарали фаолият олиб боришини таъминлай олмайди.

Биз томондан олиб борилган ЯҲМ таҳлили, Фарғона вилоятида бозор инфратузилмаси билан заиф алоқалар туфайли кичик бизнес ривожланишнинг потенциал даражасига эриша олмаганлигини кўрсатмоқда.

Инфратузилманинг асосий мақсади ахборот, маслаҳат, таълим, прогнозлаштириш, аналитик, илмий-техникавий, суғурта ва молиявий хизматларни тақдим этиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг нормал фаолият юритишига шароит яратишдир. Инфратузилма ташкилотларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига таъсири самарадорлигини алоҳида ўрганиш керак. Шу муносабат билан, биринчи навбатда, самарадорликнинг моҳиятини аниқлаб олишимиз керак.

Умуман олганда, самарадорлик - натижанинг нархга нисбати асосидаги кўрсаткич. Бизнингча, инфратузилма объектлари миқдорининг ўзгариши харажатларни бевосита акс эттирмасада, бироқ, улар сонининг ўсиши ва ўзгариши асосида қўшимча харажатлар ётади. Шу билан бирга, кичик бизнес билан боғлиқ инфратузилма фаолияти самарадорлиги кўрсаткичи кичик бизнесга хизмат кўрсатишда фаол иштирок этадиган инфратузилмага таъсир кўрсатадиган кўрсаткичлар нисбати асосини ташкил этувчи индикатор сифатида талқин қилинади. Юқорида келтирилган кўрсаткичларни ўрганиш асосида вилоятдаги мавжуд инфратузилма объектларида ҳам миқдорий

ўзгаришларнинг таъсири ва кичик бизнеснинг умумий аҳволига боғлиқ бўлган фаолият даражасининг ўзгариши баҳоланади. Натижада, минтақада кичик бизнесни ривожлантириш учун илмий асосланган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

Шу муносабат билан кичик бизнесни тегишли инфратузилма объектлари билан таъминланганлик даражаси алоҳида эътиборга молик масала ҳисобланади. Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида кичик бизнесга хизмат кўрсатадиган инфратузилма самарадорлиги даражаси бир хил эмас. Инфраструктура объектларининг юқори самарадорлиги Тошкент шаҳрига (2,46%), энг паст кўрсаткич Сурхондарё (0,4%) га тўғри келади. Шуни таъкидлаш керакки, ушбу вилоят республикада инфратузилма объектлари сони бўйича 5-ўринни эгаллайди ва бу 13,3 кичик бизнес субектларининг фаолиятига мос келади.

Фарғона вилояти ЯҲМда КБХТ субъектларининг улушини янада ошириш учун, бизнинг фикримизча, қуйидаги интенсив усуллардан фойдаланиш керак:

- кичик корхоналарга янги техника ва технологияларни жорий этишни жадаллаштириш;
- банд бўлганлар сонини ўзгартирмаган ҳолда товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш хажмини ошириш;
- ишчи кучидан мақсадли фойдаланиш асосида ишлаб чиқаришни ошириш;
- бозор инфратузилмаси билан кичик бизнес субъектлари ўртасидаги алоқаларни яхшилаш.

Шуни айтиб ўтиш керакки, вилоят иқтисодиётида ишлаб чиқариш ҳажмида кичик бизнеснинг улуши ҳажмига нисбатан йирик корхоналарнинг нисбатани юқори. Вилоятда яратилаётган ЯҲМнинг асосий улуши иқтисодиётнинг саноат тармоғи йирик корхоналарига тегишли бўлиб, уларнинг ЯҲМдаги улушининг камайиши, уларнинг бандликдаги улушини пасайишидан

ортда қолмоқда. Бунинг сабаби шундаки, кичик бизнесда яратилган янги иш ўринлари сони ўсиб бормоқда.

Юқоридагиларга асосланиб, биз қуйидагиларни таъкидлаб ўтишимиз мумкин: ЯҲМни ўрганишда кичик бизнесда меҳнат омилининг самарасизлиги аниқланди, бунинг сабаби кичик бизнесни капитал билан таъминлашнинг паст даражада эканлигидадир. Шу билан бирга, йирик бизнесда капитал билан таъминланганлик кўрсаткичи юқори бўлса-да, бироқ, кичик бизнес билан таққослаганда ундан фойдаланиш самарадорлиги паст.

2014-2019 йиллар ҳолатига Фарғона вилоятида кичик бизнес субъектлари фаолиятининг тўхтаб қолиши сабаблари ўрганилганда, унинг асосий салбий омили бўлиб, айнан саноат корхоналари учун муҳим бўлган айланма маблағларнинг етишмаслиги ҳисобланади. Айнан шунинг учун, жорий йилда 5,2 фоиз кичик бизнес субъектлари ўз фаолиятини тўхтатган. Хом ашё етишмаслиги ҳам улар фаолиятини тўхтатишининг сабабларидан биридир. Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг тармоқлараро тузилмасини ўрганиш натижасида, мос равишда энг юқори улуш қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва юк ташишга тўғри келаётганлиги аниқланди. Шуни таъкидлаш керакки, тармоқлар бўйича кичик бизнес субъектлари фаолиятини тўхтатилишининг сабабларини ўрганиоганда ҳам бу ҳолатга ушбу сабаблар таъсир қилаётганлиги аниқланди. Фарғона вилоятида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш инфтузилмаси фаолиятининг самарадорлигини аниқлаш учун, аввалам бор, унинг улуш кўрсаткичларини, яъни 1 та инфратузилма объекти томонидан қанча кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатилишини баҳолашга ҳаракат қиламиз.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра қуйидаги хулосалар берилди:

1. Кичик тадбиркорликнинг ҳолати ва ривожланишини тавсифловчи кўплаб кўрсаткичлар мавжудлиги ва ушбу мавзу бўйича турли тадқиқотларнинг олиб борилганлигига қарамасдан, натижалар бўйича бошқарув мақсадларига

мувофиқ келувчи кўрсаткичларнинг комплекс тизими ҳали шакллантирилмаган.

Бу биринчидан, давлат ҳокимиятининг ижро этувчи органлари фаолиятига натижага йўналтирилган бошқарув тамойилларини жорий қилиш зарурлигини тушуниш билан боғлиқ бўлиб, у яқинда белгиланган маъмурий ислоҳотларнинг устувор йўналишларида ўз аксини топган.

Иккинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг натижавийлиги ва самарадорлигини аниқ шаклда тавсифловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, объективлик, назорат ва тўлиқлик талабларига жавоб берадиган ва иложи борича “кўрсаткичлар бўйича ишлар” нинг таъсирини бартараф этадиган кўрсаткичлар тизимини ривожлантириш билан боғлиқ объектив қийинчиликларнинг мавжудлиги.

2. Кичик бизнес субъектлари фаолиятининг самарадорлигига таъсир кўрсатадиган энг муҳим омиллардан бири, кичик бизнес субъектлари ва инфратузилманинг ҳудудий контекстда нотекис тақсимланиши ҳисобланади. Фарғона вилоятида ЯҲМ даражаси ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг ижобий динамикасини таъминлаш учун вилоятнинг туманларида кичик бизнес субъектлари ва инфратузилмани жойлаштиришни мувофиқлаштириш зарур. Бунда, фаолият турлари бўйича инфратузилма объектларини тармоқларнинг хусусиятига қараб ҳисобга олиш керак.

3. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш инфратузилмасининг асосий ўзига хослиги шундаки, унинг фаолият самарадорлигини баҳолаш, у билан боғлиқ тадбиркорлик субъектларининг самарадорлиги даражаси билан амалга оширилади. Иқтисодий тизим субъектлари орасидаги ўзаро боғлиқлик ва товар-пул оқимларининг ҳаракатини тартибга солувчи иқтисодий алоқаларнинг узлуксизлигини таъминлаш инфратузилманинг макро ўзига хос хусусиятларини намоён этади.

4. Иқтисодиёт ва саноат Вазирлигининг ҳудудий бўлинмаларида кичик бизнес инфратузилмасини ривожлантириш бўлинмасини яратиш, шунингдек,

кичик бизнес субъектларига кўрсатилаётган хизматлар самарадорлигини унинг асосий вазифаси сифатида белгилаш мазкур муассаса фаолиятида сифат кўрсаткичларини яхшилашда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

5. Кичик бизнес фаолиятини самарали ташкил этиш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш ва унга хизмат кўрсатадиган инфратузилма объектларини ривожлантиришни такомиллаштириш зарур. Бунда, маркетинг хизматларининг сифатини ошириш учун, "Маркетинг тадқиқот марказлари" ни яратиш, уларни электрон савдо, алоқа тизими ҳамда ахборот технологиялари воситаларини лизинг тизимига ўтказиш йўли билан ривожлантириш керак.

Кичик бизнес инфратузилмаси самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар, унинг фаолияти кўламини кенгайтиради, шунингдек, бутун минтақада кичик бизнеснинг ЯҲМдаги улушини, аҳоли бандлиги даражасини оширишни таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган деярли барча мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик корхоналар йирик корхоналарнинг қўллаб-қувватлаши остида энг самарали фаолият кўрсатади. Айнан йирик корпорациялар иқтисодиётнинг самарадорлик ва миллий иқтисодиётнинг технологик тараққиёт даражасини белгилайди. Мамлакат иқтисодиётида йирик ва кичик корхоналарнинг оптимал нисбатларини сақлаб қолиш учун йирик инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ва улар учун кичик корхоналардан тарқатиш тармоқларини яратиш зарур.

Бироқ, республика иқтисодиётининг асосий тармоқларида кичик корхоналарнинг ривожланиш даражаси бўйича олиб борилган баҳолаш умумлаштирувчи ва тенденцияларнинг умумий кўринишини тавсифлайди.

Хулосалар

1. Қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий асосни таҳлил қилиш, Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш учун ҳуқуқий майдонни шакллантириш жараёни динамик тавсифга эга бўлиб, ҳақиқий мулкдорлар

синфини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи субъектив омилларни максимал камайтиришга қаратилганлигидан гувохлик бермоқда.

2. Фарғона вилоятида кичик бизнесни ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги тармоқлар бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Қурилиш ва пуллик хизматлар билан ҳам юқори улушларга эга. Шу билан бирга, саноатда кичик бизнеснинг улуши ҳали ҳам паст даражада қолмоқда. Бу шуни кўрсатадики, тармоқдаги тадбиркорлик муҳити кичик бизнес субъектларининг ишлаб чиқариш фаолиятини жадаллаштиришни рағбатлантира олмаяпди.

3. Ҳозирги кунда Фарғона вилоятида кичик тадбиркорликни ривожлантириш даражаси бўйича эришилган натижалар янги иш ўринларини яратиш, маҳаллий товарлар бозоридаги талабни қайта тиклаш, аҳоли иқтисодий фаол қисмининг асосий қисмида хусусий тадбиркорлик ташаббуси орқали мустақил даромад манбаларини пайдо бўлиши, барча даражадаги бюджет харажатларида ижтимоий юкларни камайтириш учун этарли эмас. Сўнгги йилларда кичик корхоналарнинг тармоқ тузилмаси деярли ўзгармади. Фаолиятнинг ноишлаб чиқариш соҳаси ишлаб чиқаришга қараганда жозибадор бўлиб қолмоқда.

4. Келгусида ишлаб чиқариш самарадорлиги, маҳсулот сифати ва меҳнат унумдорлигини янада оширишнинг энг муҳим омили, тармоқ ичида ва тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш ҳисобланади. Саноат кооперацияси иқтисодиётни жадал ва барқарор ривожланиши, ишлаб чиқариш жараёнларига янги, самарали технологияларни жорий этишни жадаллаштириш, маҳаллий хом ашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш, унинг асосида замонавий рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, валюта ресурсларидан тежаб ва оқилона фойдаланиш, шунингдек, янги иш ўринларини яратиш ва ички бозорда товарлар ва хизматлар учун барқарорликни мустаҳкамлашни таъминлайди.

3 Боб ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ COVID-19 ПАНДЕМИЯСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

3.1. Тадбиркорликни ривожланишига коронавирус пандемиясининг иқтисодий таъсири

Ҳозирги кунда COVID-19 коронавирус эпидемияси Хитой иқтисодиётини хонавайрон қилди ва бутун дунёга ёйилмоқда. Инфекция табиати ва унинг иқтисодий оқибатлари, улар макроиқтисодий сиёсат учун самарали ечим сифатида сиёсатни ишлаб чиқишни қийинлаштирадиган жуда кутилмаган ҳолат бўлиб қолмоқда.

COVID -19 эпидемияси 2019 йил декабр ойида Хитойнинг Ухан шаҳрида бошланди. Дунё бўйлаб тарқалишда давом этмоқда. 2020 йилнинг 16 август ҳолатига дунё бўйлаб ушбу вирус бўйича 21,648,443 та ҳолат қайд этилган. Жорий даврдан бошлаб тузалганларнинг умумий сони бир 14,356,864 ошди. Ва вирусдан тахминан 769,571та одам вафот этди[84].

Айрим мамлакатлар хабар қилинган ҳолатларни самарали даволашга муваффақ бўлган бўлса-да, янги ҳолатлар қаерда ва қачон пайдо бўлиши номаълумлигича қолмоқда. Янги ҳолатлар ҳар куни хабар қилинади ва жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) рўйхатига вирус қайд этилмаган саноқли давлатлар қолмоқда. Бироқ, Хитойда қайд қилинган ҳолатлар сони энг юқори чўққига чиқиб ва ҳозирда кўрсаткичлар камайиб, барқарорлик хукм сурмоқда. Европа ва Америкада қарама-қарши тенденциялар кузатилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) аҳоли саломатлигига хавфни ҳисобга олган ҳолда халқаро даражада фавқулодда ҳолат эълон қилган эди.

[84] https://www.worldometers.info/coronavirus/

Юқори даражада боғланган ва интеграциялашган дунёда бу касалликнинг оқибатлари ўлим ҳолатидан ташқарига чиқа бошлади. Шу тарзда, бутун дунё бўйлаб ҳукуматлар ўз иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш учун фавқулодда вазиятларда харакатланишга доир режалар ва ёрдам пакетларини тайёрладилар.

Биз Хитойда жиддий тўсиқни кўрдик. Бу эса истеъмол хажмининг камайишига ва ишлаб чиқаришда узилишларнинг юзга келишига олиб келди. Умуман олганда, глобал таъминот занжирларининг фаолияти бузилди, бу бутун дунёдаги компанияларга таъсир кўрсатди. Икки ой ичида миллионлаб одамлар ишидан айрилди. Бундан ташқари, биз ҳар куни кўплаб компаниялар ўз фаолиятларини тўхтатаётганлиги, фаолиятларини қайта баҳолаётганлиги ёки ходимларини ишдан бўшатаётганлиги ҳақидаги хавотирли янгиликлар эшитиб, кузатиб бормоқдамиз. Шунингдек, истеъмолчилар ҳам ўзларининг истеъмол моделини ўзгартириши, бутун дунё бўйлаб супермаркетларда кўплаб маҳсулотлар тақчиллигига олиб келди. Дунё молиявий бозорларида кескин пасайиш кузатилди ва ўзгарувчанлик даражаси 2008 йилги молиявий инқирозга ўхшаш ёки ундан каттароқ хажмни ташкил этди.

Бу каби гирдобли харакат доирасида, Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) 2020 йил (2020 йил феврал) учун ўсишнинг янги баҳосини ишлаб чиқди. Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) нинг қайта ҳисоб-китобларга кўра, Хитойда ўсиш 0,4 фоиз пунктга секинлашгани ва шунингдек, глобал ўсиш 0,1 фоиз пунктга секинлаши кутилаётганлигини айтмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ҳам март ойи бошида ўзининг ҳисоб китобларини қайта кўриб чиқди. Бунда ушбу йил давомида дунё иқтисодиёти 2019 йилдаги 2,9% билан солиштирганда, 2,4% гача пасайиши прогноз қилинган. Ишонаманки, иккала тахмин ҳам нотўғри бўлиб чиқади ва яқин ойларда қайта кўриб чиқилади.

Глобал сиёсатни ишлаб чиқувчиларда ҳали ҳам вируснинг таъсири ва унинг иқтисодий оқибатларига мувофиқлаштирилган сиёсий жавоб бериши учун вақт бор. Бироқ, вақт ўтмоқда. Иккинчи жаҳон урушидан кейин ўртача

пасайиш натижаси ишсизлик даражасини тахминан 2 фоиз пунктга оширди. Биз энди аввалги инқирозларга дуч келган вақтга нисбатан бутунлай бошқа дунёда яшаяпмиз. Шунинг учун таққослашлар хавфли ва хатоларга мойил. Бу сафар биз биргаликдаги талаб ва таклиф шокига ва иқтисодий воситалар чекланганлигига дуч келамиз. Бундан ташқари, Марказий банклар яхши пайтлардаги ўт ёғдириш қувватини йўқотган. Уларда олдиндаги рискларга бардош беришда ёрдам бериш учун пул – кредит асосида рағбатлантиришга деярли ҳеч қандай ўрин қолмаган. Умуман, бу инқироз қачон бўлмасин аввал тарихда кузатилганларидан ҳам салоҳиятли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Сўнгги маълумотлар Хитой ЯИМ биринчи чоракда камайганлигини кўрсатмоқда. Жаҳон иқтисодиётининг тахминан 16% и Хитойга тўғри келади, бундан келиб чиқиб, Хитой ЯИМининг биринчи чоракда камайганлиги бутун дунё учун ёмон хабар ҳисобланади. Инқирозга қадар 2020 йилнинг биринчи чорагида Хитойнинг мўлжалланган ялпи ички маҳсулотининг ўсиши 6% ни ташкил этар эди.

Бугунги кунда биз пандемиянинг глобал сценарийсига кирмоқдамиз. Ўтган ойлар давомида бизда ва бутун дунёда жамият ҳаётига чекловлар ўрнатилди.

Тўсиқларнинг пайдо бўлиши, ҳаракатчанликка чекловлар, оммавий карантин шифохоналарини шакллантириш, жамият соғлиғини сақлашга доир чора-тадбирларнинг кучайтирилиши, кексаларни ҳимоя қилиш ва ҳоказо масалаларда мамлакатлар Хитойга эргашдилар. Бундан ташқари, саёҳатларга чекловлар ўрнатилди, компаниялар ўз ишчиларини уйга юборди, самолётлар учишни тўхтади ва ҳоказо. Ҳақиқат шундаки, Ғарб давлатларининг аксарияти Хитойдан 1,5-2,5 ойга ортда қолмоқда. Шунингдек, улар тузатувчи чораларини амалга ошириш режаларида ҳам ортда қолмоқда ва уларни чеклаш борасидаги саъй-ҳаракатлари Хитойдагидек муваффақиятли бўлиши шубҳали.

Шундай қилиб, дунёнинг аксарият мамлакатларида иккинчи чорак биринчи чоракдан ҳам ёмонроқ бўлиши кафолатланади. Биринчи чорак

охиридаги сўнгги далиллар буни тасдиқлайди. Қўшма Штатларда март ойининг охирги икки ҳафтасида 2008-2010 йиллардаги инқироз давридагига нисбатан кўпроқ иш ўрни (10 миллиондан ортиқ) йўқотилди. Март ойининг охирги ҳафтасида 6,7 миллион АҚШлик ишчилар ишсизлик нафақаси учун ариза топширдилар, аввалги энг юқори даража 700,000 дан камни ташкил этган эди.

Таъминот занжири тармоқлари - COVID -19 орқали жаҳон иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатадиган бошқа каналдир. Турли бозорлардаги маълумотлар шундан далолат берадики, ҳозирги инқироз глобал таъминот занжирларининг фаолиятини тўхтатди. Бу эса етказиб берувчи тармоқларнинг турли даражаларида ножўя таъсирларни юзага келтиради.

2020 йилда глобал савдо дунёнинг барча ҳудудларини қамраб олади ва иқтисодиётнинг барча соҳаларига таъсир қилади. Бу кучли экспорт қилувчи (ўзининг маҳаллий компаниялари учун маҳсулот йўқ) мамлакатларга, шунингдек импорт қилувчи (хом ашё етишмаслиги) мамлакатларга таъсир қилади. Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) бу йил коронавирус пандемияси туфайли жаҳон савдосининг 32% га қисқаришини башорат қилмоқда.

Автомобил компаниялари эҳтиёт қисмлар етишмаслиги туфайли фаолиятини тўхтатади. Бу кўплаб саноат тармоқларида содир бўлади. Ҳаттоки, Швейцария соатлари каби ҳашаматли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар компонентларини етказиб беришда узилишларга дуч келади.

Таъминот занжири бузилиши ишлаб чиқариш компаниялари учун бизнес қийматини оширади. Ўз маҳсулотларининг деярли 70% ини Хитойдан таъминловчи ўйинчоқлар ишлаб чиқарувчи Ҳасбро каби компаниялар ҳам жабр кўради. Хитойда заводларнинг ёпилиши ва транспорт маршрутларининг издан чиқиши, Ҳасбро каби компанияларнинг ўз маҳсулотларини бозорга етказиб бериши янада қийинлашади.

АҚШ нинг таъминотларни бошқариш институти маълумотлари бўйича 75% компаниялар ўзларининг етказиб бериш занжирида тўхталишлар юзага келганлиги ҳақида хабар бермоқда.

Шунингдек, ушбу сўров натижаларига кўра, кўплаб Америка компаниялари учун буюртмаларни бажариш вақти икки баробар ошди. Бундан ташқари, хом ашё ва якуний маҳсулотлар етишмовчилиги юзага келди. Бу бутун дунё бўйлаб товарлар ташиш учун ҳаво ва денгиз транспорт имкониятларининг етишмаслигини пайдо қилди.

Зарар ҳақиқий. Албатта, бу кўп компанияларнинг вақтни бой бермасдан қабул қилинадиган стратегияларини шубҳа остида қолдиради. Эндиликда кўплаб менежерлар учун самарадорлик ва тўхтовсиз ишлаш ўртасидаги муроса аёндир. Баъзи компаниялар рискни камайтириш стратегияси сифатида турли мамлакатларда объектларга (ёки етказиб берувчиларга) эга бўлишни афзал кўришлари аниқ, ҳатто бу ўртача нархдан бир оз юқори бўлса ҳам.

Хитой расмийларининг айтишича, пандемия чўққисидан ўтган. Бироқ, кўплар Хитой иқтисодиёти бир неча ой ўтганидан сўнг нормал ҳаётга қайтади деб ҳисоблайди. Вируснинг бутун дунё бўйлаб тарқалиши ҳам глобал таназзул бўйича хавотирларни юзага келтириб, хитой маҳсулотларига бўлган талабни янада камайтиради.

Миллий статистика бюросининг энг сўнгги маълумотлари шуни кўрсатяптики, кўплаб таҳлилчилар инқироз таъсири ҳақида хатога йўл қўйишди ва уни етарлича баҳолай олмадилар. Буни яқиндагина чоп этилган маълумотлар ҳам исботлади, унга кўра 2020 йилнинг биринчи икки ойида саноат ишлаб чиқариш хажми 13,5% дан ортиққа тушиб кетганлигини кўрсатди. Reuters агентлиги томонидан ўтказилган сўровномада таҳлилчиларнинг ўртача прогнози 1,5% ўсишини прогноз қилган эди.

Худди шунга мос тарзда, асосий капиталга инвестициялар йиллик 25% га тушиб кетди. Бу ерда таҳлилчилар 2,8% (ўтган даврдаги 5,4% ўсишга нисбатан) ўсишни башорат қилишган эди.[85]

Прогнозчилар яна лойқа сувга ўтириб қолишди. Улар швед иқтисодиёти ва бутун қиролликка даҳшатли замонларни «башорат» қилишаётган эди.

[85] Электрон нусхага ушбу манзил орқали кириш мумкин: https://ssrn.com/abstract=3557504.

Аввалига карантиннинг жорий этилмагани иқтисодиётга заррача ёрдам қилмагани, ҳаттоки аксинча, зиён келтирганини ёзишди, сўнгра жуда ёмон чораклик кўрсаткичларни тахмин қилишди.

Бироқ, Скандинавиянинг энг йирик иқтисодиётидаги иккинчи чорак кўрсаткичларига ҳозирда нафақат Европанинг бошқа давлатлари ҳасад қилмоқда. Швеция статистика бошқармаси маълумотларига кўра, Швеция ЯИМи апрель-июнь ойларида аввалги чоракка нисбатан 8,6 фоизга пасайган. 2019 йилнинг иккинчи чорагига нисбатан пасайиш бироз камроқ — 8,2 фоиз.

Бу — чораклик ҳисобот жорий этилган сўнгги 40 йил ичидаги энг катта пасайиш. Бу пасайиш 2008 йилнинг тўртинчи чорагида — бутун сайёра молиявий инқироз ёқасида қолган вақтдаги 3,8 фоиздан қарийб икки баробар кўпроқ.

Январь-март ойларида 2019 йилнинг сўнгги кварталига нисбатан рамзий 0,1 фоизлик ўсишга эришган Швеция иқтисодиёти Қўҳна қитъанинг нафақат жанубий, балки барча йирик иқтисодиётларидан ўзган. Апрель-июнь ойларида еврозона иқтисодиётидаги таназзул 12,1 фоизни ташкил этди, бутун Европа иттифоқининг иқтисодиётида эса 11,9 фоизни. ЯИМ бўйича иккинчи чоракда энг ёмон кўрсаткичлар Испанияда (боз устига, кетма кет икки чоракда ҳам) — минус 18,5 фоиз. Германия (–10,1 фоиз), Италия (–12,1 фоиз) ва Франция (–13,8 фоиз) кўрсаткичлари бироз «яхшироқ».

Жаҳоннинг биринчи иқтисодиётини Швеция иқтисодиёти билан умуман таққослаб бўлмайди. Иккинчи чорак якунлари бўйича АҚШ ялпи ички маҳсулоти 32,9 фоизга пасайган.

Швеция Марказий банки – Риксбанк прогнозига кўра, 2020 йил якунлари бўйича Швеция иқтисодиётида пасайиш 4,5 фоиз бўлади. Юқорида номи тилга олиб ўтилган Дэвид Оксли Сапитал эсономисс тадқиқотида ҳаммуаллиф бўлиб, унга кўра Швеция иқтисодиёти 2020 йилда бор-йўғи 1,5 фоизга қисқаради холос.

Дания Марказий банки мамлакат иқтисодиётида жорий йилда пасайиш 4,1 фоиз бўлишини айтмоқда.

Норвегияга солиштирилганда вазият янада ёмонроқ. Норвегия марказий банкига кўра, мамлакат материк иқтисодиётида (нефть-газ секторидан ташқари) 2020 йил якунларига кўра пасайиш 3,9 фоизга тенг бўлади.

Иқтисодчилар жўр бўлиб нафақат бутун Швеция иқтисодиётида, балки швед бизнеси ҳам ёзда қийин даврларга дуч келишини «башорат» қилишаётган эди. Бироқ июль ойида компаниялар иккинчи чораклик учун ҳисоботларни тақдим эта бошлашгач, манзара у қадар қўрқинчли эмаслиги ойдинлашди. эрисссон ва элестролухъдан тортиб Handelsbanken ва Assa Abloy' гача бўлган швед компаниялари бирин-кетин таҳлилчилар прогнозларидан анча юқори натижаларни кўрсата бошлашди. Бу ерда иккинчи чоракдаги йўқотишлари 97 млн швед кронаси бўлган Handelsbanken банки рекордчи бўлди — у тахмин қилинган миллиард кронадан қарийб 10 баробар камроқ йўқотишга учраган.

Швед саноатининг йирик экспорт секторига кирувчи компаниялар эса хорижлик рақобатчилари сингари пандемия, талабнинг сустлашуви ва етказиб бериш занжирининг узилиши олдида заифлашиб қолган. Volvo Group, Alfa-Laval, Trelleborg, SKF, Getinge ва бошқа кўплаб шу каби компанияларда иккинчи чоракда даромад кескин пасайган. Лекин ҳаттоки шунда ҳам уларнинг кўрсаткичлари таҳлилчилар пронозидан юқори.

Таҳлилчилар ҳам саноат компанияларига Хитой ҳамда Европанинг катта қисми (карантиндан чиқишнинг илк босқичида) тезда тиклангани, шунингдек, ҳукуматнинг иш ўринларини сақлашга қаратилган кучли дастур, чекловлар ва тавсиялари ҳам ёрдам берган.

Чунки, Хитойликлар ўз хукуматлари томонидан киритиладиган кучли дастурлар, чекловлар ва тавсияларга ҳурмат билан қарайдилар. Улар вирусдан қўрқишган ва шунинг учун савдо марказлари, ресторанлар ва кинотеатрлардан узоқлашишган. Натижада, чакана савдо таҳлилчилар прогнози билан

солиштирганда 0,8% эмас балки, 20% га тушиб кетган (ва декабр ойида 8% ўсиш жуда мураккабдир).

2020 йилнинг 16 мартида эълон қилинган маълумотлар Хитойда январ ва феврал ойларида 5 миллион киши (CNBC) ишидан айрилганини кўрсатди. Аммо бу кўрсаткич 9 миллиондан ортиқ (Economist Intelligence Unit) га ўсиши эҳтимоли мавжуд.

Инфраструстурага инвестициялар ҳам биринчи икки ой ичида (бир йил аввалгига нисбатан 30%) камайди. Ва шундай бўлишига қарамасдан маҳаллий хокимият ташкилотлари бир қатор лойиҳалар учун йил бошидан буён сотилган облигациялари ($140 миллиард) ҳисобидан тўловни амалга оширдилар.

2020 йил Хитойни ривожлантиришнинг жорий беш йиллик режаси ниҳоясига етиши билан аҳамиятли эканлигини билиш муҳимдир. Ушбу режа доирасида 2020 йилда (2010 йилгага нисбатан) Хитой иқтисодиётининг ҳажмини икки баробар ошириш мақсад қилинган. Бунинг учун 2020 йилда 6% дан юқори ўсиш талаб қилинар эди.

Ҳукумат иқтисодий рағбатлантириш орқали барқарор ўсиш истиқболларини сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқда. Бироқ, бизнес капитал харажатлари ва истеъмол харажатлари охир-оқибат ЯИМ бўйича мақсадга эришишда муаммолар туғдириши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, иқтисодиёт яна ишлай бошлагандан кейин ҳам, уч ой ўтгач, корхоналар ҳали ҳам нормал қувватда фаолият юритмайди. Мисол учун, Хитойда КЎБ ўртача 60% ишлайди.

COVID -19 бутун дунё бўйлаб тарқалганлиги аниқ, у жаҳонда талабни камайтиради ва Хитой товарлар учун талабни пастлашига олиб келиши аён.

COVID -19 инқирози ўтган ойлар давомида дунё бўйлаб тез тарқалди. Биз инқирознинг бутунлай янги тури билан тўқнаш келмоқдамиз. Бундай ҳолда, соғлиқ учун риск (ҳақиқий ўлим ва касалланиш даражаси) жаҳон иқтисодиёти учун иқтисодий риск билан мутаносиб эмас. Тарихан, глобал савдо мамлакатлар рискларни ажратишга имкон берди. Бу сафар бу канал кўп ҳам ёрдам бериши даргумон. Дунё ўта интеграциялашган бўлса, бу глобал

зарбадир. Фоиз ставкалари тарихий паст ставкада бўлади ва жорий инқироз ҳам барча таъминот занжирлари бўйлаб салбий таъсирни юзага келтиради.

Глобал турғунлик энди муқаррар кўринади. Лекин пасайиш қанчалар чуқур ва узоқ давом этиши, COVID -19 тарқалишини олдини олиш учун қабул қилинган муваффақиятли чора-тадбирларга, КЎБ фаолияти ликвидлиги уларнинг муаммоларини ҳал қилиш бўйича ҳукумат сиёсати таъсирига ва молиявий қийинчиликларни бошдан кечираётган оилаларни қўллаб-қувватлашнишига боғлиқ бўлади. Бу, шунингдек, иқтисодий фаолиятни янгилашга компаниялар қандай жавоб бериши ва тайёргарлигига боғлиқ бўлади. Ва, биринчи навбатда, жорий блокировкалар қанча давом этишига ҳам боғлиқдир.

Коронавирус маскани бўлган Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларига тўхталадиган бўлсак, Хитой Ўзбекистоннинг етакчи савдо ҳамкорларидан ҳисобланади. Хитой Ўзбекистоннинг энг катта савдо ҳамкори ҳисобланиб, Хитой билан 2018 йилда бу икки давлат ўртасидаги ташқи савдо айланмаси 5,6 млрд. долл. ни ташкил этган бўлса, 2019 йил якунлари бўйича бу кўрсаткич 7,6 млрд.долл. (умумий ташқи савдо айланма ҳажмига нисбатан - 18,1%), экспорт- 2,5 млрд., импорт – 5,1 млрд.долларни ташкил этган. (3.1.1-жадвал) ва яқин йилларда бу кўрсаткични 10 млрд.долл.га етказиш режалаштирилмоқда.

3.1.1-жадвал

Ўзбекистон республикаси билан ташқи савдо айланмаси энг юқори бўлган давлатлар (2019 йил январь-декабрь, млн. АҚШ доллари, % да)[86]

Топ 10 давлатлар	Ташқи савдо айланмаси	Экспорт	Импорт	Улуши, %
Хитой Халқ Республикаси	7620,9	2519,0	5101,9	18,1
Россия Федерацияси	6626,9	2492,5	4134,4	15,7

[86] https://stat.uz/uz/?option=com_content&view=article&id=2323&catid=182&lang=uk-UA

Қозоғистон	3367,8	1429,7	1938,0	8,0
Корея Республикаси	2755,4	93,5	2661,8	6,5
Туркия	2525,2	1203,6	1321,6	6,0
Германия	980,1	53,9	926,2	2,3
Қирғизистон	829,1	679,0	150,0	2,0
Афғонистон	618,0	615,1	2,9	1,5
АҚШ	596,2	29,1	567,1	1,4
Туркманистон	541,9	145,1	396,8	1,3

Бугунги кунда Ўзбекистонннинг ташқи савдо оборотида Хитойнинг салмоғи 18,1 фоизгача ўсганини кўришимиз мумкин.

Хитойдаги энергоресурсларга бўлган талабнинг камайиши, Ўзбекистоннинг Хитойга амалга ошираётган экспортини, шу жумладан табиий газ экспорти ҳажмининг камайишига олиб келади. Ўзбекистоннинг экспорт таркибида энергия манбаалари ва нефт маҳсулотлари (яъни табиий газ) 3-ўринда (14,1%) туришини, текстил, хизматлар кабилар Хитойга жами экспорт ҳажмининг 36,4% энергия манбаалари ва нефть маҳсулотлари ҳисобига тўғри келишини ҳисобга олиб, хулоса қилиш мумкинки, бу ҳолат Ўзбекистонга валюта тушумининг қисқаришига олиб келади.

Шунингдек, Хитойдан келаётган хом-ашё ва бутловчи қисмларнинг камайиши, транспорт харажатларининг ўсиши, ишлаб чиқариш таъминотидаги узилишлар Ўзбекистоннинг саноат соҳасига жиддий зарар келтириши эҳтимолдан холи эмас.

Сабаби, Ўзбекистон саноати учун зарур бўлган машина ва асбоб-ускуналар импорти умумий импорт ҳажмида Хитойнинг улуши 30,9%ни ташкил этади, кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмларнинг импорти ҳажмида ҳам Хитойнинг улуши энг катта кўрсаткич (24,0%) ҳисобланади. Шу билан бирга, 9 март куни дунё нефт бозорида яна бир жиддий вазият юзага келиб, нефтнинг нархи ўзининг 2014 йилдан кейинги энг паст даражани қайд этди. Ушбу ҳолат нефтга бўлган глобал талабнинг тушиб кетиши ортидан нефть экспорт қилувчи

давлатлар ташкилоти (OPEC) ва Россия нефть қазиб чиқаришни (таклифни) камайтириш бўйича келишувга эриша олмагани оқибатида юзага келди.

2019 йилда Ўзбекистонда хитой капитали иштирокида 531 та янги корхоналар очилган бўлиб бугунги кунда уларнинг сони 1652 тага етди. Ўзбекистон сезиларли ҳажмдаги хом-ашё, қишлоқ хўжалиги ва текстиль махсулотларини Россия, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатларга экспорт қилади ва бошқа зарур товар - махсулотларни ушбу ва бошқа давлатлардан импорт қилади. Бундай шароитда коронавируснинг кенг тарқалиши Ўзбекистоннинг хамкор давлатлар билан иқтисодий алоқаларининг қисқаришига ёки тўхтаб қолишига ва охир оқибатида унинг иқтисодиётига салбий таъсирини кўрсатади.

Бу биринчи навбатда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига, туристик бизнесга, қолаверса, аҳоли бандлигига салбий таъсир кўрсатади. Масалан, фақатгина 2019 йилда республикамиз бўйлаб 61,9 минг хитойлик туристлар саёҳат этишган. Бугунги кунда мамлакатлар ўртасида туристик хизматларнинг тўхталиши мамлакатимиздаги мехмонхоналар, овқатланиш шахобчалари, транспорт ва бошқа соҳалар даромадининг камайишига олиб келади.

Умуман олганда, глобал иқтисодиётдаги мазкур салбий тенденциялар оқибатлари глобаллашган иқтисодиётнинг бир қисми сифатида Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатиши табиий. Гарчи, Ўзбекистон ривожланган давлатлар сингари бир-бири билан ўзаро боғлиқлик даражаси юқори бўлмаса-да, уларда бўлаётган жиддий ўзгаришлар мамлакат иқтисодиётига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

3.2. Пандемия шароитида Ўзбекистонда бизнесни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари таҳлили

Жорий йилнинг 18 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев дунёдаги COVID -19 вирус эпидемияси муносабати билан

Ўзбекистон халқига мурожаат қилиб, бу таҳдидга қарши чоралар, шунингдек, иқтисодиёт ва молия бозорини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларини белгилаб берди.

Президентнинг қайд этишича, жаҳон нефт нархининг (баррел учун 60 доллардан деярли 30 долларгача) кескин пасайиши туфайли газ экспортининг даромади камайишига олиб келиши мумкин. Бизнинг асосий хорижий савдо ҳамкорларимиз валюталарининг девальвацияси хорижий валюта тушумларини камайтиради[87].

Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш тезлиги инқироздан олдинги даврда Жаҳон банки томонидан 5,7 фоиз миқдорида бўлиши, Европа ва Марказий Осиё давлатлари ичида энг юқори кўрсаткичга айланиши башорат қилинган эди. Энди эса Осиё тараққиёт банки (ОТБ) иқтисодиётни кейинги йилда тикланиб олиш шарти билан бу кўрсаткични 4,7 фоиз деб ҳисобламоқда.

Жаҳон банки ҳам ўз прогнозларини эълон қилди. Халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистон иқтисодиёти режадаги 5,5 фоиз ўрнига 1,6-1,8 фоиз атрофида ўсиши кутилмоқда.

Бу инқироз Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам бевосита, ҳам билвосита ўзининг таъсирини ўтказди ва ўтказмоқда. Чунки Ўзбекистон миллий иқтисодиёти ҳам сўнгги 3 йилда жаҳон иқтисодиётига ўз интеграциясини жуда кучайтирди. Бу бозор иқтисодиёти учун табиий ҳолатдир. Чунки экспортимиз, импортимиз кўпайди. Шунинг учун биринчи чоракнинг март ойида бошлаб миллий иқтисодиётга дунёда вужудга келган салбий жараёнларнинг таъсирини сеза бошладик. Аниқ ҳисоб-китобларимиз чиққани йўқ.

Биринчи чорак бўйича ЯИМ 4,1-4,4 фоиз атрофида ўсиши кутилмоқда. Ўтган йили биринчи ЯИМ 5,3 фоизга ўсган эди. Худди шу каби саноатда ўсиш

87 http://uza.uz/oz/politics/prezident-koronavirus-bilan-bo-li-vaziyat-b-yicha-khal-a-mur-18-03-2020?sphrase_id=16681266

суръатлари 4 фоизни ташкил қилди. Экспортимиз қарийб 11 фоизга қисқарди. Импортимиз 10 фоизга камайди[88].

Солиқ тушумларининг камайиши ва инқирозни юмшатиш харажатлари туфайли бюджет дефицити 2020 йилда ЯИМнинг 5,6 фоизига, 2021 йилда 4,7 фоизига етиши тахмин қилинмоқда.

Инфляция 2020 йилда 15,8 фоиз, кейинги йилларда 14,8 ва 12,0 фоизга тенг бўлиши мумкин[89].

Шунингдек, чет эллик туристлар сонининг камайиши ва уларнинг хизматларидан тушадиган даромаднинг камайиши ҳам бўлиши мумкин. "Буларнинг барчаси, албатта, ялпи ички маҳсулот ва экспорт ҳажмига таъсир этмай қолмайди", - деди давлат раҳбари.

Ўзбекистон дунёнинг бошқа мамлакатлари билан бир қаторда коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши кураш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар пакетини тасдиқлади ва бу ҳар уч турдаги ижтимоий ҳимоя тадбирларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Уларнинг бир нечтасини кўриб чиқайлик.

Ижтимоий ёрдам чора-тадбирлари.

Моддий ёрдам. Бенефициарлар сони камида 10% га ёки 60 минг уй хўжалигига кўпаяди. Кам таъминланган оилалар учун яъни март-июн ойларида тугайдиган (бола 2 га ёки 14 ёшига етгунга қадар олинадиган нафақалар) ижтимоий нафақалар муддати 6 ойга узайтирилди. Бунинг учун 60 миллион доллар ажратилди. Агар соғлиқни сақлаш ходими беморлар билан ишлашда COVID -19 билан касалланган бўлса, уларга $10,400 бир марталик компенсация тўланади. Инфекция соғлиққа жиддий зарар етказса ёки натижалари ўлим билан тугаса, шахс ёки уларнинг оила аъзолари $26040 товон пули олади.

[88]https://kun.uz/news/2020/04/15/karantin-may-oyida-ham-davom-etishi-ehtimoli-ancha-katta-amshidqochqorov
[89]https://kun.uz/news/2020/04/09/jahon-banki-ozbekistonda-yaim-osishi-16-foizga-tushishini-prognoz-qildi

Жамоат ишлари. Дастурларни кенгайтириш учун тахминан $ 21 млн. ажратилган.

Маҳсулотли қўллаб-қувватлаш. Кекса (60 ёшдан ўтган эркаклар ва 55 ёшдан ўтган аёллар) ва ёрдамга муҳтож имконияти чекланган инсонлар бир марталик ниқоблар, антисептиклар ва антибактериал совун, озиқ-овқат ва гигиена маҳсулотлари билан таъминланади.

Ижтимоий суғурта чора-тадбирлари. Касаллик бўйича иш ҳақи тўлаб бериладиган таътил. Касаллик бўйича иш ҳақи одатда меҳнат стажига қараб иш ҳақининг 60-80% миқдорида тўланади, лекин карантин даврида ҳамма учун у 100% га оширилди ва боласи карантинда бўлган ота-оналарга ҳам бу тадбир қўлланилади. Ишловчи ота-она (иккисидан бири) мактаб ва болалар боғчалари ёпилиши пайтида пуллик таътил олади, бу эса йиллик пуллик таътил жадвалига таъсир қилмайди.

Меҳнат бозорини мувофиқлаштиришни тартибга солиш чора-тадбирлари.

Инқирозга қарши Фонд доирасида 10 трлн. сўмлик меҳнат бозорига аралашув қуйидагиларни ўз ичига олади:

- кафилларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий муҳим истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, сотиб олиш ва сотиш учун, биринчи навбатда, берилган кредитлар бўйича фоиз харажатлари учун компенсация;
- тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат фондидан 500 миллиард сўм ажратиш;
- "Ишга мархамат" (ишга хуш келибсиз) ягона марказлари ва касб-ҳунар ўқув марказлари ташкил этиш, шунингдек, меҳнат муҳожирларини қўллаб-қувватлаш учун уларнинг профессионал ва тил бўйича тайёргарлигига доир таълимни ташкил этиш;

•14 ёшгача бўлган фарзанди (васий) бўлган, коронавирус инфекцияси билан зарарланган ёки карантинга жойлаштирилган ота оналар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тақиқланади;

• Иш ҳақи билан қўллаб қуватлаш. Вақтинчалик ногиронлик бўйича ҳужжатларни беришнинг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш.

Президент пандемия доирасида тадбиркорлар ва аҳолини қўллаб-қувватлаш илгари тақдим этилган имтиёзлар билан чекланиб қолмаслигини ва унинг давом этишини таъкидлади.

Биринчидан, кичик бизнес ва фермер хўжаликлари учун ижтимоий солиқ ставкаси май-июл ойларида 12 фоиздан 1 фоизгача пасайтирилди. Натижада 260 мингдан ортиқ корхона ва фермер хўжаликлари жами 650 миллиард сўм маблағ тежаб, улардан капитал ва айланма маблағлар сифатида фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Иккинчидан, кичик бизнес ва якка тартибдаги тадбиркорлик вакиллари кейинги уч ой давомида ер ва мулк солиқларидан озод қилинади. Бунинг натижасида 50 мингдан ортиқ тадбиркор 300 миллиард сўм маблағни тежайди ва уларнинг айланма маблағлари кўпаяди.

Шунингдек, аввалги қарорга мувофиқ, апрел-май ойларида 1000 дан ортиқ тадбиркорга ер ва мол-мулк солиғини кечиктириб тўлаш учун ҳисобланган 80 млрд. сўмлик жарималар ҳисобдан чиқарилади.

Учинчидан, тадбиркорларга божхона тўловларини 120 кунгача кечиктирган ҳолда тўлашга рухсат берилди. Бу уларга 540 миллиард сўм маблағ тежаш ва ушбу маблағларни ўз бизнесини ривожлантиришга йўналтириш имконини берди.

Тўртинчидан, кам таъминланган оилаларни янада қўллаб-қувватлаш учун бюджетдан яна 200 миллиард сўм ажратилди, бу эса яна 70 минг ёки 10 фоиз кўп оилага ёрдам олиш имконини берди.

Бешинчидан, илгари ҳукумат инвестиция кредитлари бўйича фоиз тўловларини 22 фоизгача ставка билан қисман қоплаган бўлса, эндиликда бу

кредитлар бўйича 26 фоизгача ставка билан фоиз тўловлари ҳам қисман қопланади.

Бундан ташқари, айланма маблағларни тўлдириш учун тадбиркорларга берилган 500 млрд.сўмгача (илгари – 10 млрд. сўмгача) кредитлар учун компенсация миқдори 5 фоиздан 10 фоизга оширилади.

Олтинчидан, Тошкентда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида жорий этилган якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва таъмирлаш учун аҳолини кредитлаш амалиёти қўлланила бошланди. Бу пойтахтимизда 10000 га яқин мавсумий иш ўринларини яратади.

Еттинчидан, ички корхоналар маҳсулотларига ички талабни ошириш ва шу тариқа уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат органларига жорий йилнинг III-IV чоракларида, II чоракда режалаштирилган харидларни амалга ошириш ҳуқуқи берилди.

Умуман, иқтисодиёт ва фуқароларни янада қўллаб-қувватлаш учун бюджетдан 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Иқтисодиётда ўсиб бораётган салбий тенденцияларни ҳисобга олиб, ҳукумат коронавирус оқибатларини юмшатиш ва иқтисодиёт, бизнес ва аҳолини қўллаб-қувватлаш учун бошиданоқ фаол мавқега эга бўлди.

Умуман олганда, ўтган ойлар мобайнида (жорий йилнинг март ва июн ойлари) давлат раҳбарининг республикада пандемия оқибатларининг аҳоли турмуш даражаси ва иқтисодиёт тармоқларига таъсирини юмшатишга қаратилган 14 та фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Ўтган ойлар мобайнида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар орасида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 4 та норматив ҳужжат (Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони) қабул қилинди (№ПФ-5969, ПФ-5978, ПФ-5986, ПФ-5996).

Амалга оширилган чора-тадбирлар стратегик корхоналар, тармоқлар ва иқтисодиёт соҳаларини, яъни мажбурий чекловлар натижасида энг кўп зарар кўрган (туризм, меҳмонхона бизнеси, ташқи иқтисодий фаолият, улгуржи

савдо), кичик бизнес ва якка тартибдаги тадбиркорларни, шунингдек, Жиззах вилоятидаги ҳудудларнинг ихтисослашувини ривожлантириш бўйича алоҳида қарорлар (№ ПҚ-4709), тўқимачилик ва тикув трикотаж саноати (№ ПФ-5989), транспорт соҳасида ўқитиш тизимини такомиллаштириш (№ ПҚ-4703), аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш ва ипотека кредитлаш бозорини янада кенгайтириш (№ ПҚ-4701), рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни жорий этиш (№ПҚ-4699), давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш ва коронавирус пандемияси даврида устувор чора-тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш (№ ПҚ-4649), аҳолини дори-дармон билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар (№ ПҚ-4662) га доир қарорлари қабул қилинди.

Натижада 500 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти ва 8 миллиондан ортиқ фуқарога қарийб 30 триллион сўм миқдорида имтиёз ва преференциялар берилди.

Иқтисодиёт тармоқларига Инқирозга қарши курашиш фондидан 2,3 триллион сўм солиқ имтиёзлари берилди ва уларни қўллаб-қувватлаш учун 3,6 триллион сўм (370 миллион АҚШ доллари атрофила) ажратилди. Бу маблағлар иқтисодиётга, биринчи навбатда, кичик ва ўрта бизнесга етказилган зарарни минималлаштиришга йўналтирилган эди. Бу соҳадаги корхоналар ЯИМ нинг 54% ини ишлаб чиқарадилар ва иқтисодиётда 76% бандликни таъминлайдилар.

Кичик бизнес учун қуйидаги воситалардан фойдаланилди:

• барча кичик бизнес субъектлари учун ижтимоий солиқ ставкасини жорий йилнинг 1 майидан 1 июлигача 12% дан 1% гача камайтириш (президент 20.07.2020 даги № ПФ 6029 сонли Фармонига асосан бу имтиёз 31.12.2020 қадар узайтирилди);

•жорий йилнинг июн-август ойлари (31.12.2020 гача узайтирилган) даврида кичик бизнес, якка тартибдаги тадбиркорлар ва кўплаб хизмат кўрсатувчи корхоналар мол-мулк солиғи ва ер солиғидан (апрел ва май ойлари учун ҳисобдан чиқариш) озод қилинди;

• шу йилнинг 15 май ҳолати бўйича, 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб шаклланган мол-мулк ва ер солиғи учун ҳисобланган пеня ва жарималар, жорий йилнинг 1 июлига қадар товарларни олиб келишда тўланадиган, истеъмол товарлари бундан мустасно, ундириладиган божхона божлари ва акциз солиғи тўловларини тўлаш кечиктирилди;

•хўжалик юритувчи субъектларга мол-мулк, ер ва сув ресурсларидан солиқ тўлашни кечиктириб бериш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар бюджетдан 870 млрд. сўм ажратди.

Коронавирус пандемияси вақтида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган барча чора-тадбирларнинг умумий қиймати 62,6 триллион сўм ёки 6,13 миллиард АҚШ долларидан зиёд деб баҳоланмоқда.

2020 йил 8 июлдан бошлаб Президент Фармонига мувофиқ Республикада ўзини-ўзи иш билан банд қилган фуқароларни рўйхатга олиш ва солиққа тортишнинг янги тартиби жорий этилди. Ўзини-ўзи иш билан банд қилган шахслар 2020 йил учун базавий ҳисоб миқдорининг камида 50% и (111500 сўм) миқдорида фақат ижтимоий солиқ тўлашга ҳуқуқини олди. Ушбу чора-тадбирлар туфайли 1 - июлдан бошлаб биринчи ҳафтада 44 мингга яқин, 13 - июл ҳолатига кўра эса 101 мингдан ортиқ фуқаро рўйхатга олинди.

2020 йилнинг биринчи ярмида солиққа тортиш соҳасида жорий этилган янгиликлар Ўзбекистон Президентининг 19.06.2020 йилдаги "Айрим солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида" ги Фармони қабул қилиниши билан якунланди.

Коронавирус пандемияси шароитида бизнес ва аҳолини қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган янги чора-тадбирлар:

2020 йилнинг 1 июлидан бошлаб, биринчи марта барча тадбиркорлик субъектлари моддий ва бошқа ресурсларни ("кириш" ҚҚС) харид қилишда улар томонидан тўланган ҚҚС нинг бир қисмини қайтариш механизмидан фойдаланадилар. Ушбу янгилик тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида фақат

2020 йилнинг учинчи чорагида айланма маблағлар шаклида 700 миллиард сўмга яқин маблағ қолдириш имконини беради. 2020 – йилда турли солиқ имтиёзлари берилиши (2019-йилда-12 трлн. сўм) туфайли корхоналар ихтиёрида жами 11 трлн. сўм қолади.

Ўзбекистон Президенти жорий йилнинг 8 июл куни бўлиб ўтган селектор йиғилишида вилоят раҳбарлари олдига 2020 йил охиригача (70% – жорий йилнинг 9 ойи мобайнида) 69 минг тадбиркорнинг ишини қайта тиклаш вазифасини қўйди.

Бизнесни қўллаб-қувватлаш воситалари сифатида қуйидаги чора-тадбирлар қўлланилди:

Биринчи босқичда (19 мартда Президент Фармони):

- ижтимоий аҳамиятга молик товарлар ишлаб чиқариш учун берилган кредитлар бўйича (500 млрд. сўм) кафолатлар бериш ва фоиз ставкаларини қоплаш;
- ҳудудларда инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш (5 000 млрд. сўм);
- кредитларни қайтариш учун стратегик аҳамиятга эга корхоналарга бюджетдан фоизсиз ссудалар ажратиш (800 млрд. сўм);
- ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига транспорт харажатларининг бир қисмини қоплаш учун (200 млрд. сўм);
- қишлоқ хўжалиги кластерларига кредитлар бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун (800 млрд.сўм).

Иккинчи босқичда (3 апрелдаги Президент Фармони):

- белгиланган миқдорда шахсий даромад солиғи ва ижтимоий солиқни ҳисобга олишни тўхтатиш (95 минг якка тартибдаги тадбиркор);
- юридик шахслар томонидан газ ва электр энергияси учун мажбурий олдиндан тўлов суммасини 30% га камайтириш (2,4 млрд. сўм);
- мол-мулк солиғи ва ер солиғининг оширилган ставкаларини бекор қилиш (20,2 минг солиқ тўловчилар);

- оборoти 1 млрд. сўмдан ошмайдиган ҚҚС тўловчилари учун ҚҚС тўлов муддатини ҳар ойликдан ҳар чоракда тўлашга ўтказиш (25,2 минг тўловчи); ҚҚС ни жадаллаштирилган қайтарилиши (248 та субъект);
- ҚҚС бўйича имтиёз эгаларини бўшаган маблағларни маълум мақсадлар учун мажбурий ажратишдан озод қилиш (400,0 млрд. сўм); солиқларни кечиктириб тўлаш (3,2 минг субъект учун);
- муддати ўтган дебиторлик қарзлари бўйича жарималарни бекор қилиш (25,4 минг сўм));
- авиаташувчилар, туристик компаниялар, меҳмонхоналарни мол-мулк ва ер солиғини тўлашдан озод қилиш, ижтимоий солиқ ставкасини еса 12% дан 1% гача камайтириш (136 млрд. сўм);
- қийинчиликларга дуч келган жисмоний шахслар, ягона мулкдорлар ва тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар бўйича кечиктирилган тўловлар (11,7 млрд. сўм); банклар томонидан кредитлар бўйича ҳисобланган ва кечиктирилган фоизлар суммаси корпоратив даромад солиғига тортилмайди (200,0 млрд. сўм));
- тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловларининг кирим қилиниши ва ундирилишини тўхтатиб туриш (30,0 млрд.сўм).

Жами 2020 йил 19 март ва 3 апрелдаги Президентнинг иккита Фармони доирасида тадбиркорлик субъектларига 3,7 триллион сўм ёки 369 миллион АҚШ доллари миқдорида солиқ имтиёзлари берилди.

Экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида, Президентнинг 2019 йил 24 майдаги №.ПҚ-4337 қарорига мувофиқ жорий этилган маҳсулот экспорти бўйича транспорт харажатларининг 50% гача ўрнини қоплаш учун субсидиялар тақдим етиш механизмидан фойдаланиш, шунингдек, автомобил ва ҳаво транспорти орқали экспорт учун маҳсулотлар ташиш учун (Президентнинг 7 майдаги Фармони) ҳам қўлланилади. Бундан ташқари, 2021-йилнинг 1-январига қадар барча турдаги мажбурий тўловлар ва

тартибот ҳужжатлари учун боқимандалик мавжудлигини текшириш амалиёти бекор қилинди. Экспортга кўмаклашиш агентлиги экспортчилар суғурта хизматларидан гаров сифатида фойдаланганда суғурта мукофотини қоплаш учун бюджет маблағлари билан таъминланади

2020 йил 15 май ҳолатига коронавирус пандемияси вақтида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб – қувватлаш учун жорий етилган чора-тадбирларнинг умумий қиймати 22,3 трлн.сўм (2 млрд. АҚШ долларидан ортиқ), шундан 20,1 трлн. сўм ёки 90% - кечиктирилган тўловлар шаклида баҳоланмоқда.

Тадбиркорларга фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация ва кафолатлар берилади; кредитлар бўйича фоизларни кечиктириш; иш капиталини ва иш билан банд бўлган ходимларнинг иш ҳақини тўлдириш учун маблағлар берилади (шу жумладан фаолиятни тўхтатишда); давлат мулкидан фойдаланиш учун ижара тўловларини тўлаш тўхтатилади, шунингдек бизнесни қўллаб-қувватлаш учун бошқа чора-тадбирлар амалга оширилади..

2020 йилнинг 1 апрелидан 31 декабригача бўлган даврда умумий овқатланиш корхоналари алкогол маҳсулотларини чакана сотиш ҳуқуқи учун ҳақ тўлашдан озод этилади.

Шунингдек, 2020 йил 19 март кунги Президент Фармони билан улгуржи алкогол компаниялари белгиланган 5 дан 3 фоизга ажратмалар миқдорини камайтириш бўйича имтиёзлар 2020 йил 31 декабрга қадар узайтирилди.

Бундан ташқари, 2021 1 июлгача умумий овқатланиш корхоналари карантин чекловлари бекор қилинганлиги сабабли, қўшни бўш ер участкаларида бепул жойлаштириш ва туман (шаҳар) ҳокимиятларини хабардор қилиш орқали истеъмолчиларга овқатланиш учун енгил коструқцияли жиҳозлаш ҳуқуқига эга бўлди.

2021 йил 1 июлгача бўлган даврда, карантин чекловлари бекор қилинганидан сўнг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан шартнома тузмасдан, транспорт воситалари тўхташи тақиқланмаган жойларда

давлат солиқ хизмати органларини огохлантириш йўли билан тадбиркорлик субъектларига автомобил кўчма дўконлари, автомагазинлар, автотиркамалар, *фудтрак*лар орқали савдо қилиш ҳуқуқини бериш белгилаб қўйилди"

Шундай қилиб, коронавирус пандемиясини жиловлашнинг атиги икки ойи мобайнида республикада мажбурий чекловлар оқибатларини юмшатиш мақсадида кенг кўламли чора-тадбирлар тўплами амалга оширилди. Бироқ, баъзи захиралар ва ишга солинмаган имкониятлар мавжуд бўлиб, улар бизнес фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш учун чекловлар, хусусан:

биринчидан, ўз фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш кутилган натижаларни бермади, чунки бу механизм корхоналар учун иқтисодий жиҳатдан фойдали эмас эди (бу ҳолда улар кредитга фоиз тўлаш ва асосий қарзни қайтариш, ижтимоий солиқ ва шахсий даромад солиғини тўлаш бўйича қўшимча харажатлар пайдо бўлди). 3-6 ой муддатга вақтинча ишдан бўшаган ходимларга тўғридан-тўғри фоизсиз кредит бериш маъқул бўлар эди. Агар меҳнат ёшидаги фуқаро карантиндан олдин умуман ишламаган бўлса (шахсий даромад солиғи ва суғурта бадалларини тўламаган бўлса), уларга инфляция даражаси бўйича шу давр учун кредит таклиф этилиши мумкин. Ушбу механизм иқтисодиётнинг расмий соҳасида ишлаган ва солиқ ва суғурта тўловларини ўз вақтида тўлаган одамларга нисбатан адолатли бўлар эди;

иккинчидан, кичик бизнес ва якка тартибдаги тадбиркорларни мол-мулк ва ер солиғи тўлашдан озод қилиш, бу тўловлар бўйича қарзлар, жарималар ва пеняларни ҳисобдан чиқариш ва ижтимоий солиқ ставкасини 12% дан 1% гача камайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш Президентнинг 18-майдаги Фармонида қабул қилинган. Ушбу чора жорий йилнинг апрел ойида амалга оширилса, тадбиркорлик субъектларининг тўхтатиб турилиши натижасида вақтинча ишдан бўшаган ходимларга иш ҳақи учун имтиёзли кредит олиш тадбиркорларга фойдали бўлар эди;

учинчидан, оборот айланмаси ойига 1 миллиард сўмдан ошадиган йирик, кичик корхоналар ва якка тартибдаги тадбиркорларга ҚҚС тўлови бўйича тўлашни 3 ойга кечиктириш, шунингдек, корхонанинг ўзлик айланма маблағларни уларнинг асосий фаолиятидан чалғитиш даражасини камайтиришга имкон берар эди (маълумки, Хитойда, ҚҚС ҚҚС тўловчи барча корхоналар учун амал қилади). Ушбу солиқ корхоналарнинг айланма маблағларини ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал қилишдан чалғитадиган асосий омил бўлиб ҳисобланади;

тўртинчи, тадбиркорлик субъектларини қўллаб – қувватлаш учун амалга ошириладиган чора – тадбирлар у ҳисобга солиқ тўловчи қайси солиқ ҳудудида жойлашганлигини ҳисобга олган ҳолда ("қизил" ҳудуд учун - пул маблағларини қайтариш учун янада қийин шароитлар, "яшил" учун - рўйхатга олиш ва қайтариш бўйича тадбиркор учун янада қулай шарт-шароитлар) амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Келажакда бу механизм солиқ тўловчиларни ДСҚ ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг соддалаштирилган механизми, яъни "яшил" зонага ўтишга ундаши мумкин.

бешинчидан, ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини "қайта тиклаш" давомида, корхоналар фаолиятини энергия ва ресурс тежайдиган технологиялар, инновациялардан фойдаланиш, бандлик кенгайтириш ва қашшоқлик камайтиришда иштирок этиш, шунингдек, атроф-муҳитга ифлослантирувчи чиқиндиларини ташлашни камайтириш, одамлар учун хавфсиз маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқаришга йўналтирса, молиявий ва бошқа рағбатлантириш жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда, коронавирусдан кейинги миллий иқтисодиётни ривожлантириш бўйича бизнес соҳасида қуйидаги чора-тадбирларни таклиф этамиз:

- рақобат муҳитини яхшилаш ва табиий монополия субъектлари маҳсулотлари ва хизматлари учун асоссиз нарх ошишини жиловлаш;

- иқтисодиётнинг асосий тармоқлари фаолияти устидан самарали давлат назоратини жорий этиш;
- тадбиркорлик учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш;
- хорижий инвестицияларни жалб этишда кўмаклашиш;
- "яшил "ва" сариқ " эпидемиологик режимини кенгайтириш учун шароит яратиш;
- рақамли технологиялар ва масофавий фаолиятни кенгайтиришни рағбатлантириш;
- тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда солиққа тортишни созлаш;
- инфляцияга қарши самарали кураш;
- инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, мажбурий тиббий суғуртани жорий этиш туфайли расмий бандликни кенгайтириш;
- иқтисодиётни энергия ва ресурс тежайдиган иш режимига ўтказишга қаратилган рағбатларни жорий этиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- инвестициялар самарадорлигини ошириш ва қайта ишлаш даражаси юқори бўлган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш учун рағбатлар яратиш .

Юқорида қайд этилган йўналишларнинг амалга оширилиши рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришга кўмаклашувчи рағбатлар асосида миллий иқтисодиётни "қайта бошлаш" имконини беради, унинг ўзаги билим ва янгилик бўлади.

3.3. Тадбиркорлик субъектларига пандемиянинг салбий таъсирларини юмшатиш ва олдини олишда солиқли қўллаб-қувватлаш йўналишлари

Жаҳон иқтисодиёти коронавирус пандемияси туфайли 2020 йилнинг бошидан чуқур инқирозга дуч келди. Биринчилардан бўлиб Хитой давлатида ишлаб чиқариш, савдо алоқалари ва хизматлар кўрсатиш тўхтади, кейинчалик Европа ва Осиё давлатлари, улардан сўнг АҚШга тўғри келди.

Деярли барча давлатларда инсонлар ҳаракатланишига киритилган чекловлар ва аксарият корхоналарнинг иш фаолиятини тўхтатиши иқтисодиёт ривожига салбий таъсирини кўрсатди. Бу эса касаллик тарқалган давлатларда ишлаб чиқариш билан бир қаторда истеъмол ҳажмларининг қисқариб кетишига, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқиши, жаҳон молия бозорларида хом ашё товарлари нархининг пасайиши ва конъюнктуранинг ёмонлашувига олиб келди.

S&P Global рейтинг агентлиги таҳлилчилари 2020 йилда жаҳон иқтисодиётида глобал рецессияни башорат қилиб, йиллик жаҳон ЯИМ ўсиши 1-1,5%дан ошмаслигини, айниқса иккинчи чоракда жуда оғир бўлишини таъкидлашмоқда[90].

Халқаро экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, пандемия дунё иқтисодиётига 2 триллион доллардан зиёд зарар етказиши кутилмоқда.

Халқаро валюта фондининг бош эксперти Гита Гопинат таъкидлашича[91], асосий ҳавф-хатар сиёсатчиларнинг чегараларнинг очилиши қўрқувидан фойдаланган холда глобаллашувдан одамлар ва фирмаларнинг органик ҳамда мақсадли чекинишини янада мураккаблаштиришида. Улар савдо-сотиққа протекционистик чекловлар қўйиши ва инсон соғлиғини сақлаш баҳонасида уларнинг ҳаракатланишини чеклаши мумкин.

Халқаро ҳамжамият бундай холатларнинг олдини олишга ва халқаро бирдамлик руҳини сақлаб қолишга қодир, деб таъкидлади.

Шундай шароитларда Европа, Осиё ва Америка давлатлари ҳукуматлари иқтисодий ночорликка учраган аҳолиси ва бизнес вакилларини солиқлар ва мажбурий бадаллар бўйича имтиёз ва енгилликлар бериб қўллаб-қувватлаш чораларини белгилади.

Жумладан, Франция ҳукумати март ойида солиқ ва ижтимоий тўловларни кечиктириш, банкрот холатига келган корхоналарга ушбу

[90] https://www.spglobal.com/en/research-insights/featured/economic-implications-of-coronavirus
[91] https://www.imf.org/ru/News/Articles/2020/04/14/blog-weo-the-great-lockdown-worst-economic-downturn-since-the-great-depression

тўловларни келгусида бекор қилиш чораларини белгилади. Германия фаолиятида қийинчилик кўрган компанияларга солиқ тўловларини кечиктириш сифатида енгиллик бериш белгиланди. Дания бизнесга ҚҚС тўлови бўйича кечиктириш мўлжаллади. АҚШ қийинчилик кўрган фуқаро ва корхоналарга солиқ тўловларини кечиктиришни белгилади.

Туркия ички авиаташув хизматларига 3 ойга ҚҚСни 18%дан 1%га пасайтирди, туристларга мехмонхона солиғини ноябрь ойига қадар бекор қилинди. Чакана савдо, металлургия саноати, савдо марказлари, автосаноат, мехмонхона ва кўнгилочар бизнес индустриясига, озиқ-овқат, ичимлик, тадбирлар ташкиллаштириш корхоналарига ярим йилга ижтимоий бадал тўлови муддатини кечиктирди. Хитой ўз компанияларига солиқ енгилликларини таклиф этди, етказиб бериш хизмати ташкилотларини ҚҚС тўловидан озод қилди. Россия талофат кўрган иқтисодиёт тармоқларига солиқ таътилларини бериш ҳамда бизнесни текширувларига моратория киритди.

Албатта глобал иқтисодиёт тизимининг бир бўлаги ҳисобланган Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам мазкур омиллар ўз таъсирини кўрсатди. Бу эса ўз навбатида мазкур ҳолатларнинг салбий таъсирларини юмшатиш ва олдини олиш бўйича давлат томонидан кечиктириб бўлмайдиган самарали чоралар кўришни талаб этди. Айниқса туризм, тўқимачилик, транспорт ва фармацевтика саноати каби тармоқларни қўллаб -қувватлаш ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш кечиктириб бўлмайдиган асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Бундай хавф-хатарлар даврида мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, ташқи савдо фаолиятини рағбатлантириш, аҳолимизни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг даромадларини кескин пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан март-апрель ойларида муҳим фармонлар қабул қилинди.

Фармонларга мувофиқ, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари учун солиқ ва йиғимлар бўйича кенг кўламли имтиёзлар ва енгилликлар белгиланди:

Хусусан, 2020 йил 1 апрелдан 6 ой муддатга:

- якка тартибдаги тадбиркорлар (кейинчалик ЯТТ деб юритилади) учун ижтимоий солиқнинг ойлик энг кам суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 50%га қадар (22300 0 сўм x50% = 111500 сўм) камайтирилди. Солиқ кодексининг 408-моддасига асосан солиқ тўловчининг календарь ойда ишлаган кунлари сонидан қатъи назар базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда белгиланган;
- алкоголь маҳсулоти улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналарнинг ажратмалари 5%дан 3%га пасайтирилди;
- умумий овқатланиш корхоналари учун алкоголь маҳсулотларини чакана сотиш ҳуқуқи учун йиғимлар миқдори белгиланган миқдорлардан 25%га камайтирилди;
- жорий йил 1 апрелдан 3 ой муддатга туристик (меҳмонхона) йиғимини ҳисоблаш ва тўлаш тўхтатилди;
- қишлоқ хўжалигидаги ерларни суғоришда фойдаланиладиган ҳажмлари бўйича сув солиғи 2020 йил учун белгиланган ставкалари 50%га пасайтирилди;
- жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадлари тўғрисидаги 2019 йил учун декларацияларини 2020 йил 1 августгача тақдим этиш имконияти берилди;
- жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкларнинг солиғи ва ер солиғи белгиланган биринчи муддатидан (15 апрель) кейинги муддатга узайтирилди, яъни 2020 йилнинг 15 октябрга қадар тўланиши белгиланди.

Бундан ташқари, 2020 йил 1 апрелдан жисмоний шахсларнинг хайрия ташкилотларидан моддий наф тарзида оладиган даромадларини солиққа тортишдан озод қилинди ҳамда солиқ тўловчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида ҚҚС бўйича

имтиёзларни солиқ солишдан бўшаган маблағларни муайян мақсадларга йўналтириш шартларисиз қўллаши белгиланди.

Коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича тиббиёт ва карантин муассасалари қурилиши учун зарур бўлган қурилиш материаллари, шунингдек, улар фаолият кўрсатиши учун зарур товарлар 2020 йил 31 декабргача муддатга божхона тўловларидан, шу жумладан ҚҚСдан озод этилди.

ПФ-5986-сонли Фармонга кўра, 2020 йил 1 апрелдан 2020 йил 1 октябрга қадар "Маҳалла" хайрия жамоат фондига, "Саховат ва кўмак" фондига, "Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фондига, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шакллантириладиган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтожлар рўйхатига киритилган жисмоний шахсларга беғараз бериладиган пул маблағлари ва товарлар (хизматлар):

- фойда солиғини ҳисоблашда чегириладиган харажатлар сифатида қаралади (15%);
- ҚҚСдан озод этилади (15%);
- айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ солиш объектига киритилмайди (4%).

Шунингдек, 2020 йил 1 октябргача бўлган даврда ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўллаш тўхтатилди. ДСҚ маълумотларига кўра, ташқи савдо операциялари билан шуғулланадиган 2542 та субъектга 717 млрд.сўмлик жарималар қўлланилмаслиги тўғрисида уларнинг шахсий кабинети орқали электрон хабарлар юборилди. Бундан ташқари, карантин эълон қилинган кун – жорий йил 16 мартдан кейин 284,5 млрд.сўм ҚҚС манфий суммалари тезкорлик билан қоплаб берилди.

2020 йил 27 апрелдаги "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5986-сон Фармонга асосан маҳаллий давлат

ҳокимияти органлари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи ва айланмадан олинадиган солиқларни тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ва келгусида тўланадиган солиқ суммаларини тўлаш бўйича муддатни икки йилгача бўлган даврда мустақил равишда белгилаш ҳуқуқига эга эканлиги маълумот учун қабул қилинди. Яъни ПФ-5969-сон Фармонда белгиланганидек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тадбиркорлик субъектларига мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш бўйича фоизларни ундирмасдан фақат 6 ой муддатга кечиктириш имкониятини тақдим этмасдан, мустақил равишда икки йилгача бўлган даврга белгилаши мумкин.

Солиқ қарзи тўлов муддатини узайтириш бўйича 2170 та ариза кўриб чиқилмоқда. Уларнинг умумий миқдори 682 млрд. сўмни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг маълумотларига асосан карантин даврида тадбиркорлик субъектларига 6 766,7 миллион сўмлик солиқларни тўлаш муддатини кечиктиришга рухсат берилди.



3.3.1-**расм. ПФ – 5969 – сон Фармонга асосан солиқларни тўлаш муддатлари кечиктирилган субъектлар сони ва солиқ суммалари тўғрисида маълумот**

Тармоқ ва соҳалар кесимида тўлаш муддатлари кечиктирилган солиқлар суммаси тўғрисидаги маълумотларни қуйидаги 1-расмда кўришимиз мумкин.



3.3.2-расм. Тармоқ ва соҳалар кесимида тўлаш муддатлари кечиктирилган солиқлар

Бундан ташқари, яна 690,2 млрд.сўм миқдоридаги солиқларни тўлаш муддатини ўзгартириш юзасидан мурожаатлар ваколатли органлар томонидан кўриб чиқилаётгани, албатта бизнес тузилмаларга берилаётган катта енгилликларнинг яққол исботидир.

Шунингдек, яна бир енгиллик бу тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини солиқ аудитидан (текшируви) ўтказиш 2021 йил 1 январга қадар тўхтатилишидир.

Имтиёзлар доирасида 2020 йил охирига қадар энг зарур озиқ-овқат, тиббиёт жиҳозлари ва айрим хўжалик товарларни олиб киришда божхона божи ва акциз солиғининг “0” ставкалари белгиланди. Шунингдек, спирт, алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан вино ва пиво учун акциз солиғи, шунингдек, бензин, дизель ёқилғиси ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғининг амалдаги ставкалари сақланиб қолинди.

Таъкидлаш жоизки, “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” қонунида бензин, дизель ёқилғиси ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахслар учун акциз солиғи ставкаларини шу йилнинг 1 апрелидан ошириш режалаштирилган эди. Акциз солиғи ставкаларининг 2020 йил йил бошига нисбатан ошиши режалаштирилган ставкалари ўртасидаги фарқ тафовутини қуйидаги жадвалда келтириб ўтамиз (3.3.1-жадвал).

3.3.1-жадвал

Акциз солиғи ставкаларининг 2020 йил йил бошига нисбатан ошиши режалаштирилган стакалари ўртасидаги фарқ[92]

№	Товар номи	Солиқ ставкаси				Ставкалар фарқи	
		2020 йил 1 январдан		2020 йил 1 апрелдан			
		миқдор	сўм	миқдор	сўм	миқдор	сўм
1	Бензин	1 л.	285	1 л.	350	1 л.	-65
		1 тн.	378480	1 тн.	465530	1 тн.	-87050
2	Дизель ёқилғиси	1 л.	285	1 л.	350	1 л.	-65
		1 тн.	346275	1 тн	425918	1 тн.	-79643
3	Суюлтирилган газ	1 л.	285	1 л.	350	1 л.	-65
		1 тн.	540645	1 тн.	664993	1 тн.	-124348
4	Сиқилган газ	1м^3	435	1м^3	500	1м^3	-65

Жадвалдан кўриниб турибдики, бензиннинг ҳар бир тоннаси 87050 сўмда, дизель ёқилғисини ҳар бир тоннасидан 79643 сўм, суюлтирилган газнинг ҳар бир тоннасидан 124348 сўм ва сиқилган газнинг ҳар 1м3 -65 сўмдан нарх оширилмаслиги ҳисобига акциз солиғи бўйича республика бюджети катта йўқотиши яққол кўриниб турибди.

[92] https://lex.uz/pdfs/4635018

2020 йилги билвосита солиқларнинг таркибида акциз солиғи улуши 12,4% ёки 6461,2 млрд.сўм миқдорида режалаштирилгани ҳамда пандемия туфайли I-чоракнинг март ойидан ёқилғи мойлаш материаллари реализацияси кескин пасайганлигини инобатга олсак, бу албатта Давлат бюджетига прогнозлаштирилган акциз солиғи тушумлари таъминланмаслиги муқаррар эканидан далолат беради

Шу билан бирга Республикадаги мавжуд карантин режими туфайли жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқларидан тушумлар 3 баробарга, ЯТТларнинг қатъий белгиланган солиғи бўйича тушумлар 84 фоизга камайган. Жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари бўйича тўлов муддати 15 октябрга кўчирилгани, якка тартибдаги 195 мингга яқин тадбиркор фаолиятини вақтинча тўхтатишга мажбур бўлганлиги сабабли солиқ тушумларида маълум ўзгаришлар бўлди.

Хусусан, жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқларидан тушумлар 3 баробарга пасайган – 130 млрд сўмдан 40 млрд сўмга тушган. Якка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий белгиланган солиғи бўйича тушумлар 84 фоизга камайган, уларнинг 80 фоиздан ортиғи фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган[93].

Тўғри, бугунги кунда республика бюджетининг асосий даромад манбаси бўлган билвосита солиқлар ҳисобига (2020 йил учун 52165,6 млрд.сўм, улуши 53,1%) тўғри келмоқда, чунки ушбу солиқларни йиғиш нисбатан осон ва унинг ҳақиқий тўловчиси эса охирги истеъмолчидир. Лекин, охирги истеъмолчи ҳисобланган аҳолимиз ҳам бугунги кундалик эҳтиёжи учун асосий озиқ-овқат маҳсулотларини 15 фоизли ҚҚС билан харид қилмоқда. Иқтисодиётимизнинг барча тармоқ ва соҳаларда, шу жумладан бюджет ва бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналар ходимлари меҳнат таътилига чиқарилганини, шунингдек

[93]https://kun.uz/news/2020/04/18/karantin-tufayli-soliq-tushumlari-qanchaga-kamaygani-malum-boldi

меҳнатга лаёқатли аксарият фуқароларимиз карантинда ўз уйида ўтирганини ҳисобга олсак, ойлик маоши, таътил пули ва жамғарган маблағлари кун сайин сарфланиб камайиб бораётгани инкор қилиб бўлмайди. Мисол учун аҳолимиз ҳар бир 100000 сўмлик озиқ-овқат товарлари харид қийматида 15000 сўм миқдорида 15 фоизли ҚҚС тўламоқда. Бу эса аҳолининг истеъмол қилиш даражаси пасаймаган бир пайтда (аксинча, заҳира қилиш ҳисобига ошмоқда) 15 фоизли ҚҚСни тўлаши ҳисобига сезиларли даражада харид қилиш имконини пасайтирмоқда.

Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини кучаётган бир пайтда самарали солиқ имтиёзлари ва преференцияларни тақдим этилиши:

- коронавирус пандемияси шароитида самарали солиқ имтиёзлари ва преференцияларни тақдим этиш орқали хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобида қолган маблағлар уларнинг фаолият барқарорлигини сақлаб қолишга, иқтисодий қийинчиликларни енгиб ўтишга ҳамда ходимлари иш ҳақларини ўз вақтида беришга эришиш мумкин.
- хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорларга тўғри ва ўз вақтида берилган имтиёзлар ва енгилликлар уларнинг барқарор фаолият юритишига хизмат қилади ва бу ўз навбатида, уларга хизмат қилаётган ишчи ва ходимларнинг оилалари фаровонлигини таъминлайди.

Давлат раҳбарининг шу йил 20 июлда қабул қилинган янги Фармони солиқ солиш соҳасидаги қўшимча давлат ташаббусларини тасдиқлади. Шундай қилиб, қабул қилинган ҳужжатга мувофиқ *1 июлдан 31 декабргача*:

- умумий овқатланиш корхоналари ва бинолар ижарага берувчи шахслар оборотдан олинадиган солиқ тўлашдан озод этилади (8%);
- жисмоний шахслар кўчмас мулкидан олинган даромадларга солиқ тўлашдан озод этилади;

• мулкни (бинолар ва автотранспорт воситаларини) ижарага берувчи жисмоний шахслар учун минимал ижара ставкаларини қўллаш тартиби тўхтатилади.

Бироқ бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг айрим самарадорлигига қарамай, бизнингча, улар кичик тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятни тиклаш учун етарли эмас. Шуни инобатга олиш керакки, умумий овқатланиш корхоналарининг асосий қисми ҳозирда карантиннинг чўзилиши туфайли (жорий йилнинг 15 августигача) ўз фаолиятини тўхтатган ва улар юқоридаги солиқларни тўлашдан озод қилишнинг кенг кўламли самарасини сезмайди.

Жаҳон тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, кўпгина мамлакатларда қабул қилинган мавжуд фискал механизмлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш чоралари фавқулодда вазиятда ва мажбурий чекловларда ҳаракат қилиш учун етарли даражада самарали эмас экан. Бир қатор мамлакатлар ҳукуматлари иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш тизимига бир неча бор аралашиши, солиқ имтиёзларини жорий этиши, солиқ ставкаларини бекор қилиши ёки камайтириши, солиқлар бўйича қарзларни, суғурта мукофотлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг жарималарини ҳисобдан чиқариши керак.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти солиқ бошқармаси котибияти раҳбари Питер Гриннинг сўзларига кўра, солиқ тўловларини кечиктириш, ҳисобот бериш, солиқ ҳаракатларини устуворлаштириш, тафтиш сиёсатини ўзгартириш ва солиқ тўловчилар билан алоқа сифатини яхшилаш билан боғлиқ чора-тадбирлар Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти мамлакатларида кенг қўлланилади .[94]

Экспертнинг сўзларига кўра, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти солиқ сиёсати ва бошқаруви Марказининг солиқ статистикаси раҳбари Девид Бредберн, ҳозирда кўплаб мамлакатларда амалга оширилаётган

[94] https://www.norma.uz/nashi_obzori/oesr-rossiya_luchshie_praktiki_po_podderjke_biznesa

фавқулодда ҳолат пандемиядан кейинги мунтазам режимга ўтиш пайтида йўқолмайди. Қўллаб-қувватлаш, биринчи навбатда, бизнес, уй хўжаликлари, соғлиқни сақлаш сектори ва хайрия фаолияти учун берилиши керак.

Хитой давлат солиқ бошқармаси халқаро солиққа тортиш департаменти Бош директори ўринбосари **Сухуа Хуанганинг таъкидлашича**, бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида, солиқларни тўлашни кечиктириш усули, хусусан ҚҚС бўйича фойдаланиш зарур. Пандемия туфайли давлат тўловни 3 ойга кечиктириш имконини берди. Транспорт компаниялари ва кейтеринг (ресторан бизнеси) даромад солиғи бўйича кечиктиришга имкон берилди. Бундан ташқари, суғурта фондларига бизнес бадалларини тўлаш 50% га камайтирилди.

Бизнесни қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган қўшимча чора-тадбирлар

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар Маркази мутахассисларининг фикрича, " инқирозга қарши курашда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш нафақат субсидиялар ёки тўғридан-тўғри тўловлар шаклида, балки биринчи навбатда солиқ ва тўловлардан камайтириш ва озод қилиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Ҳозир Ўзбекистон иқтисодиётни қўллаб-қувватлашнинг солиқ ва божхона имтиёзлари ва кечиктиришлар, тўғридан-тўғри субсидиялар вариантини қўллаб-қувватлайди[95].

Маълумки, оптимал солиққа тортишни шакллантиришнинг асосий тамойили солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган барча солиқлар миқдори солиқ тўловчилар учун давлат хизматларининг умумий қийматига тенг бўлиши керак[96] .

Бироқ, салбий таъсир этувчи омиллар шароитида давлат нафақат мол-мулк солиғи, ердан фойдаланиш ва ижтимоий солиқ бўйича имтиёзлар бериш, балки солиқ тўловчилар томонидан илгари давлат бюджетига ва ижтимоий суғурта

[95] Как Узбекистан борется с пандемией? https://review.uz/ru/post/kak-uzbekistan-boretsya-s-pandemiey

[96] Эрхард Л. Благосостояние для всех. М.: Начала-Пресс: 1991.

фондларига тўланган айрим маблағларни қайтариш мақсадга мувофиқдир. Агар бундай ёндашув амалга ошса, солиқ тўловчиларнинг аксарияти солиқларни тўлиқ тўлаш ва "соя"дан чиқиб кетишдан манфаат кўради.

Бизнесни қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш учун солиқ воситаларининг ишлашини созлашни давом эттириши керак. Шу билан бирга, солиққа тортишнинг асосий тамойиллари, мамлакатнинг белгиланган ривожланиш мақсадлари, мавжуд вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари (COVID-19 тарқалиши), ички ва халқаро тажрибани ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Солиққа тортишни янада ривожлантириш бўйича таклиф этилаётган барча чора-тадбирларни қуйидаги уч давр бўйича гуруҳлаш лозим: қатъий карантин чекловлари остида (№1 давр); чекловларни олиб ташлаш ва иқтисодиётни босқичма-босқич тиклаш (№2 авр); коронавирусдан кейинги босқич (№3 давр).

1-давр шароитида солиқ сиёсати биринчи навбатда энг кўп зарар кўрган тадбиркорлик субъектларини, юридик ва жисмоний шахсларни ҳамда аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб - қувватлашга қаратилиши лозим. Адолатлилик тамойилига амал қилган ҳолда барча кичик тадбиркорлик субъектларини мол-мулк, ердан фойдаланиш ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларидан карантин даврида озод қилиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, жорий йилнинг 1-ярмида улар томонидан тўланган ушбу солиқлар бўйича маблағларни кичик корхоналарга қайтариш имкониятини кўриб чиқиш керак. Ўзбекистон иқтисодиётини қўллаб-қувватлашга қаратилган халқаро молиявий ташкилотларнинг маблағлари, шунингдек, бюджет маблағлари қайтарилиш манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, 2020 йилнинг биринчи ярмида мол-мулк, ердан фойдаланиш ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ сифатида 2 143,4 млрд сўм давлат бюджетига келиб тушган. Бу барча бюджет маблағларининг 3,7% ёки ЯИМ нинг 0,8% (тахминан $ 220 млн) ни ташкил

этади. Кичик бизнес субъектлари ЯИМ нинг 54% ини ишлаб чиқаришини ҳисобга олсак, бу соҳа юқоридаги солиқлар умумий суммасининг қарийб ярмини ташкил этади, деб тахмин қилиш мумкин. Шу муносабат билан давлат кичик бизнес субъектлари ҳисобига атиги 1 трлн. сўмдан зиёд ёки бюджет маблағларининг 0.02% (100 млн. АҚШ доллари атрофида) маблағ ўтказиб бера олади.

Бизнинг фикримизча, кичик бизнес субъектларига 2020 йилнинг 1-ярмида тўлаган оборотдан олинадиган солиқнинг бир қисмига қайтиш мантиқан тўғримикан. Ўрганиш даврида давлат бюджетига ушбу солиқ бўйича 629,6 млрд. сўм ёки бюджет маблағларининг 1,1% и келиб тушган. Агар ушбу соҳада рўйхатдан ўтган барча корхоналарга ушбу маблағларнинг 50% га яқини (315 млрд. сўм) қайтарилса, бу уларга карантин шароитида ва фаолиятни тиклаш вақтида омон қолиш имконини беради. Қайтарилган маблағларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида, улар бўйича биринчи навбатда кредит қарзларини қайтариш, иш ҳақи тўлаш ва таъминотчилар билан ҳисоб-китоблар учун фойдаланиши лозим бўлган қоидани қабул қилиш карак.

Билвосита солиқлар бўйича уларнинг ставкаларини камайтириш ёки тўловларни кечиктириш механизмларидан фойдаланиш мумкин. Тўғридан-тўғри солиқлар бўйича юкламани ўзгаришсиз қолдирилиши мумкин. Бунинг сабаби шундаки, фаолият бўлмаган тақдирда корхоналарнинг фойда ва даромадлари "0" га яқинлашади ва тўланадиган солиқ миқдори ҳам бир хил даражада бўлади.

Мавжуд вазиятга қараб, юридик ва жисмоний шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини-ўзи иш билан банд қилувчилар учун даромад солиғини тўлашни “кечиктириш” ёки "солиқ таътили" механизмларидан фойдаланиш мумкин.

Агар ушбу чоралар кўрилса, ҳозирда катта қийинчиликларни бошдан кечираётган кичик корхоналар карантиндан омон чиқиш имкониятига эга бўлади, карантин бекор қилинганидан сўнг дарҳол фаол фаолиятга қайтиши

мумкин бўлади. Бу самарали қўллаб-қувватлаш билан таъминлаш ҳақидаги бизнес учун давлатдан самарали узоқ муддатли сигнал бўлади

Чекловларни бекор қилиш ва босқичма-босқич иқтисодий тикланиш (№2 давр) шароитида солиқ сиёсатининг самараси ресурс солиқ ставкаларини босқичма-босқич оширишга қаратилиши лозим. Агар даромад ва фойда ўсишни бошласа, тадбиркор аллақачон ресурс солиқларини ва мол-мулк солиғини тўлаш имконига эга бўлади. Бу босқичда, тўғридан-тўғри солиқлар учун "солиқни кечиктириш", "солиқ таътили" ва "солиқ кредити" ни бекор қилиш мумкин. Бундай вазиятда билвосита солиқ ставкаларини аста-секин бошланғич даражага кўтариш мумкин бўлади.

Коронавирусдан кейинги ривожланиш даврида солиқ сиёсати (№3 давр) фаолиятини юқори даражада қайта ишланадиган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ўсишини рағбатлантириш, нновациялар жорий этиш, экологик барқарорликни таъминлаш, ресурс ва энергия сақловчи, муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланиш ва ифлослантирувчи чиқиндиларини ташлашни камайтиришга йўналтириши керак.

Иқтисодий ривожланишнинг янги, коронавирусдан кейинги босқичида тадбиркорлик муҳитида хусусан иқтисодиётнинг реал секторида, моддий ишлаб чиқариш тармоқларида "инсон" ва унинг сифатли, юқори унумдорли, ҳимояланган ва яхши ҳақ тўланадиган "меҳнат" да асосий ўринни эгаллаши лозим. Инсон салоҳияти сифатининг яхшиланишини таъминлаш юқори қўшимча қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун асосий шартдир. Бу муаммони ҳал этиш учун хўжалик механизми ва бозор иқтисодиётининг мавжуд воситалари, шу жумладан солиқ сиёсатини ҳам мақсад қилиб олиш зарур.

Ҳукуматимиз томонидан солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш орқали ишга солинмаган захираларни излаш, солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда тўланишини таъминлаш «борасида чора -тадбирлар ижросининг

гувоҳи бўлиб турибмиз ва бу албатта йил давомида бюджет даромадларини барқарор таъминлашда ўзининг ижобий натижасини беради, албатта.

Юқоридаги фармонларга мувофиқ бевосита ва ресурс солиқлари бўйича имтиёзлар давлат томонидан қилинган зарур чоралар эканини таъкидлаган ҳолда хориж давлатлар тажрибаси ҳамда ўрганишлар натижасидан келиб чиқиб, билвосита солиқлар бўйича солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклиф ва тавсияларни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- қўшилган қиймат солиғи бўйича белгиланган солиқ ставкасини 15 фоиздан 12 фоизгача пасайтириш (Ўзбекистон Республикаси Солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепциясида ҚҚС 12 фоизли ставкада мўлжалланганлиги ҳамда Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлари тажрибаси асосида);
- аҳоли учун биринчи даражали зарур озиқ-овқат маҳсулотлари учун карантин даврида (вақтинча) қўшилган қиймат солиғи бўйича 5 фоизли пасайтирилган ставкани жорий этиш;
- иқтисодий қийинчиликка дуч келган хўжалик юритувчи субъектларига ҚҚС ва акциз солиғи бўйича кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имкониятини тақдим этиш ва айрим соҳаларни ушбу солиқлардан озод этиш (Дания ва Хитой давлатлари тажрибаси асосида);
- аксарият хўжалик субъектларининг молиявий ҳужжатларга масъул ходимларининг карантин даврида ҳаракатланиши чекланганлиги натижасида бирламчи ҳужжатлар билан ишлаш имкони мавжуд эмаслигини инобатга олиб, молиявий ва солиқ ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини узайтириш ҳамда кеч топширилган ҳисоботлар учун молиявий ва маъмурий жарима қўлламаслик;
- солиқ тўловчиларга имтиёзлар тақдим этиш ва бошқа хизматлар кўрсатиш максимал даражада масофадан, онлайн тарзда амалга ошириш ишларини такомиллаштириш зарур;
- пандемия даврида карантиннинг энг муҳим қоидаси – ижтимоий масофаланишни таъминлашда давлат солиқ органлари томонидан тақдим этиладиган электрон солиқ хизматларини янада такомиллаштириш;

- карантин шароитида мамлакатимизда сервис соҳасида банд бўлган тадбиркоралар, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар ва фрилансерлар фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган имтиёзлар ва преференцияларни бериш;
- хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари асосида бугунги кунда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга жаҳон бозорига рақобатбардош ҳамда кенг халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилган солиқ имтиёзларнинг рағбатлантирув-чанлик таъсирини ошириш керак.
- солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш доирасида фойда солиғини тўловчи хўжалик юритувчи субъектлар учун чораклик ва йиллик солиқ ҳисоботлари шаклларини янада соддалаштириш.

Жаҳон амалиёти таҳлилилидан келиб чиқиб, бугунги кунга қадар мамлакатлар томонидан нақдсиз ҳисоб-китоблар амалиётига ўтиш асосан қуйидаги солиқ механизмлари орқали амалга оширилганлиги маълум бўлди:

- истеъмолчиларнинг нақд тўловларига максимал чекловлар белгилаш (Болгария, Словакия, Чехия);
- нақд тўлов ҳисоб-китобларида онлайн назорат касса машиналаридан фойдаланиш ва барча молиявий операцияларни интернет орқали онлайн мониторинг қилиш тизимига улаш (Хорватия, Сербия, Словакия, Венгрия);
- нақдсиз тўловларни амалга оширганлиги учун истеъмолчиларга солиқ имтиёзларини татбиқ этиш (Жанубий Корея, Бразилия, Колумбия);
- нақд пул олиш учун фискал тўлов жорий этиш (Ирландия);
- нақдсиз тўловларда товар сотувчилар учун солиқ имтиёзлари бериш (Жанубий Корея, Уругвай).

ХУЛОСА

Ўтказилган илмий-тадқиқот ишлари тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат ва минтақавий сиёсатнинг қоидаларини илмий асосда ишлаб чиқди ва уларни амалга оширишнинг амалий натижаларини акс эттирди.

Ишнинг асосий хулосалари ва илмий натижалари қуйидагича:

1. Бозор ислоҳотларини амалга ошириш учун асосий институтлардан бири сифатида тадбиркорлик фаолияти вазифаларини илмий шарҳлаш, иқтисодий ривожланиш ва бизнес тузилмалари ўртасидаги муносабатларни аниқлаш имконини берди. Унинг маъноси шундаки, бозор иқтисодиёти ва тадбиркорлик тадбиркорликнинг неденсел муносабатларига таъсир ўтказмоқда. Кичик бизнес - ишлаб чиқилган иқтисодий тизимнинг ажралмас, объектив зарур элементидир, унда иқтисодиёт ва умуман жамият умуман мавжуд эмас ва ривожлана олмайди. У ўз хусусиятларини, афзалликлари ва камчиликлари ва ривожланиш қонунлари билан иқтисодий ҳаётни ташкил қилишнинг мутлақо мустақил ва энг типик шакли.

2. Иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш учун қулай ташқи муҳит талаб қилинади. Иқтисодиётда кўпинча "инфратузилма" атамаси ёрдамида аниқланади, масалан, "бизнес алоқаларига воситачилик қилувчи ва ушбу муносабатларни бир-бирига боғлайдиган бир қатор ташкилий-ҳуқуқий шакллар" деб талқин этилади. Бизнинг фикримизча, бундай таъриф МПга таъсир қилувчи ташқи омилларни тўлиқ ифодаламайди. Шу боис биз турли хил концепция - корхона муҳитини, яъни иқтисодий ва бошқа МП муносабатларининг субъектлари, фаолиятининг барча жиҳатларини тартибга солувчи қонунчилик, депутатларга давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари, уларни халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари сифатида белгилаб оламиз.

3. Тизимнинг тан олинган тавсифларига мувофиқ, кичик бизнес тизими қуйидагиларни ўз ичига олиши керак: тизимнинг ишлашининг мақсади ва чекланишларини аниқлаш; тизим элементларини аниқлаш ва уларнинг ўзаро муносабатларини (муносабатларини) аниқлаш, бу тизим тузилишини

аниқлашга тенг; тизимнинг ташқи дунё билан мавжуд ҳолатини ва ўзаро таъсирини аниқлаш, яъни кичик бизнеснинг ички ва ташқи муҳитини аниқлаш; тизим хатти-ҳаракатлари қонунларини белгилаш; тизим элементларининг функционал уланишларини аниқлаш.

4. Бизнинг фикримизча, бундай маҳаллий бозорларнинг сифат жиҳатидан бир хиллигини ташкил этадиган асосий омиллар:

Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, унинг ҳудудлари, шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги фарқлар мавжуд;

- минтақавий бозор даражасида шаклланаётган кичик бизнеснинг фаолияти учун шароитларни институционал жиҳатлари;
- вилоят миқёсида ҳам, уларнинг таркибий қисмларида ҳам ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш даражаси.

5. Қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш учун ҳуқуқий майдон яратиш жараёни ҳақиқий мулк эгаларининг синфини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи максимал субъектив омилларни камайтиришга қаратилган динамикдир.

6. Фарғона вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш даражаси ҳозирги кунга келиб янги иш ўринларини яратиш, маҳаллий товар бозорида талабни қайта тиклаш, хусусий бизнес ташаббуси орқали мустақил даромад манбалари пайдо бўлишининг иқтисодий жиҳатдан фаол қисмининг катта қисмидан пайдо бўлиши учун дарров этарли эмас. барча даражадаги бюджетларни сарфлашда ижтимоий юклар. Сўнгги йилларда кичик корхоналарнинг тармоқ тузилмаси деярли ўзгармади. Фаол бўлмаган ишлаб чиқариш соҳаси (биринчи навбатда, савдо, умумий овқатланиш) саноатга қараганда жозибадор бўлиб қолмоқда.

7. Кичик бизнесни ривожлантириш механизми репродукцион жараённи ташкил қилиш ва бошқаришда тизимли мақсадларга эришиш учун воситалар

мажмуаси бўлиб, унинг ташкилий-иқтисодий асосларининг структурасини асосли эканлиги инобатга олинади. Ташкилий базага асосланган механизмнинг иқтисодий таркибий қисми барча субъектлар учун қулай ишбилармонлик шароитларини яратишни таъминлайди.

8. Институционал механизм доирасида тадбиркорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кенг тарқалган шаклларидан бири сифатида давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга оширишнинг асосий воситаси бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, кичик бизнесни давлат ва минтақавий даражада қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастурларини шакллантириш ва амалга оширишни алоҳида ажратиш мумкин. Мақсадли дастурлар молиявий, инвестицион, кредитлаш, тадбиркорликни ахборот билан таъминлаш, инфратузилмани ривожлантириш чора-тадбирлари ва кичик бизнесда кадрлар тайёрлаш бўйича тадбирларни ўз ичига олади.

9. Иқтисодиёт фанида замонавий тадбиркорликни тадқиқ этишни институтционал ёндошувдан фойдаланиб амалга ошириш истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади. Институционал назария мамлакатда тадбиркорликни шакллантирувчи теран ва туб ўзгаришларни аниқлашга имкон беради. Институтларнинг роли тадбиркорларга янги корхоналарни яратиш учун энг яхши имкониятларни яратишни таъминлаш, шунингдек, келгусида унинг фаолият олиб бориши ва ривожланиши учун қулай шароитларни яратишдан иборат. Институционал муҳит барча хўжалик субъектлари учун тушунарли бўлган ўйин қоидаларини белгилайди ва тадбиркорлик фаолияти учун зарур бўладиган шароитлар ва рағбатларни шакллантиради. Институционал муҳит шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятига интилишига, тезлиги ва характерига уларнинг ҳулқ атворига бевосита ва билвосита таъсир этиб сезиларли таъсир ўтказади.

Ҳозирги вақтда эркин тадбиркорлик учун институционал шароитларни яратиш тараққиёт деб тушунилади. Бизнинг фикримизча, бу жараённи бир оқимга солиш асосида фаолललаштириш мақсадга мувофиқ:

▪ ҳуқуқий институтлар фаолиятини такрорловчи ва кераксиз қонунларни бартараф этиш, соддалаштириш ёрдамида оптималлаштириш;

▪ демарказлаштириш – маҳаллий хокимият органларини тадбиркорлик субъектларининг реал ҳаёти ва энг зарур муаммоларига яқинлаштириш мақсадида маъмурий ва қонуний жавобгарликни ҳудудий вакилларга ўтказиш;

▪ Тартибга солишдан воз кечиш орқали хусусий шахсларнинг жавобгарлиги ва имкониятларини кенгайтириш.

Шундай қилиб, реал мавжуд институтционал шароитлар тизими ҳақида аниқ тасаввурни шакллантиришни Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича харакатлар Стратегияси[97]ни амалга ошириш шароитида яқин йилларда институтционал қайта қуришлар вектори белгилаб беради.

Давлатнинг мувофиқлаштириш функцияларини такомиллаштириш, тадбиркорлик муҳитининг ноаниқлик даражасини пасайтириш қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- тўғридан-тўғри таъсир этувчи қонунларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш амалиётини кенгайтириш, унда ижроия ҳокимиятининг муайян соҳадаги фаолиятини тартибга солувчи ва унинг жавобгарлигини белгилаб берувчи барча меъёрлар баён этилиши керак. Бундай қонунларни қабул қилиш ижро хокимияти органларининг мажбурий тартиб доирасидаги тартибини чеклайди, бу улар томонидан ички ишлар идоралари манфаатлари устуворлиги меъёрларини белгилашга тўсқинлик қилиш нуқтаи назаридан муҳимдир;
- парламентнинг назорат-таҳлилий фаолиятини кучайтириш, биринчи навбатда, давлатнинг тартибга солиш таъсири ва қабул қилинган қонунларнинг иқтисодий самарадорлиги бўйича баҳолашни олиб бориш;

[97] О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 г., //Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70, № 20, ст. 354, № 23, ст. 448, № 29, ст. 683, ст. 685, № 34, ст. 874

- қишлоқ хўжалиги, давлат божхона, санитария ва ветеринария назорати, телекоммуникация, инфратузилма, қурилиш, ёнғин хавфсизлиги, тиббий ёрдам, нархларни тартибга солиш, ер муносабатлари ва солиққа тортиш соҳаларида бизнес юритиш шароитларини соддалаштириш ва такомиллаштириш;
- маҳаллий тадбиркорлар ва бошқаларнинг бизнес юритиш имкониятлари борасидаги нуқтаи-назарилари ва фикрларини ўрганиш учун даврий равишда ижтимоий сўровлар ўтказиб боришда парламент хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди имкониятларидан фаол фойдаланиш;
- МДФга ягона мажбурий ажратмаларни 0,5-1 фоиз даражада босқичма-босқич камайтириш ва уни 0% га этказиш, солиқ юкини якуний истеъмолга юклаш асосида камайган даромадларни қоплашга эришиш;
- кичик бизнес субъектларига солиқ юкини камайтириш бўйича аниқ мақсадли ишлар (меҳнатга ҳақ тўлаш фондига тўланадиган солиқ ставкасини пасайтириш) ни олиб бориш;
- кичик бизнес субъектлари сифатида хўжалик субъектларини таснифлаш учун қўшимча мезонларни ишлаб чиқиш (даромадига қараб, кичик бизнес субъектлари ўртасида ўзаро боғлиқлик даражаси ва бошқалар). Корхоналарнинг мақомини аниқлаш учун қўшимча мезонларни киритиш.

Халқаро тажрибага асосланган ҳолда, қуйидаги мезонлар тавсия этилади:

- охирги 12 ойдаги даромади хажми асосида. Бундай мезонлар жорий этилганда, кам миқдордаги ходимларга эга бўлган ва нисбатан камроқ ҳажмдаги товарлар, ишлар ва хизматларни сотадиган корхоналаргина кичик корхоналар гуруҳига киради;
- асосий воситаларнинг қиймати. Турли мамлакатларда кичик, ўрта ва йирик корхоналарни аниқлаш учун кенг фойдаланиладиган яна бир мезон;
- мамлакатимизда фаолият юритаётган кичик корхоналарни консолидациялашни рағбатлантирувчи солиқ сиёсатини олиб бориш, кичик

корхоналарни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш учун хизмат қилувчи корхоналар тоифасига, яъни йирик, ўрта ва кичик корхоналар учун мезонларни белгилайдиган, солиқ ва имтиёзлар тизимини ишлаб чиқадиган корхоналарни киритиш;

• пул маблағлари ва нақд пулсиз маблағлар ўртасидаги фарқни йўқотиш бўйича макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш ва хусусий сектор маблағларидан фойдаланиш шартларини тартибга солувчи қўшимча қоидаларни қўлламаслик чораларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

•банк соҳасидаги рақобат муҳитини ривожлантириш ва кредитлашнинг банклардан ташқари институтларни яратиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, чунки уларда кафолат бўйича талаблар ва бошқа шартлар банкларга қараганда анча осон;

• самарасиз имтиёзли кредитлардан воз кечиш (корхоналар таркиби бўйича имтиёзлар сонини қисқартириш ва тармоқлараро имтиёзларидан фойдаланишни амалиётга татбиқ этиш), янги шароитларда банкларнинг фоиз ставкалари сиёсатини қайта ишлаб чиқиш;

• мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни рағбатлантириш;

• корхоналар ва иқтисодиёт тармоқлари фаолиятидаги (масалан, кўплаб Инвестиция дастурларини) харажатларини қоплай олишини таъминлаши учун квазифискал воситалар (масалан, солиқ имтиёзлари, имтиёзли конвертация, қарзни бекор қилиш, “нархли қайчи”, шунингдек инвестиция устамалари ва бошқалар) дан доимо фойдаланиш;

• рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган корхоналарнинг фаолиятини кенгайтириш учун шарт-шароитлар яратиш (ер участкаларини олиш ва рўйхатга олиш, қурилишга рухсатнома олиш тартибини янада эркинлаштириш, “Корхоналарни тугатиш” тўғрисидаги қонунни такомиллаштириш ва ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишни такомиллаштириш);

• ҳуқуқий тизимнинг барқарорлиги, мустаҳкамлиги ва иқтисодий самарадорлигини таъминлаш;

• суд мажлисларида овозли ва видеотасма механизмларини тўлиқ жорий этиш дастурни ишлаб чиқиш, шунингдек, тадбиркорлар ҳуқуқларини суд томонидан ишончли химоя қилиниши ва судлардаги ошкоралик ва холисликни таъминлаш мақсадида суд томонидан қабул қилинган қарорларини веб-сайтларда эълон қилиш;

• "ягона ойна" тамойили асосида давлат хизматлари тизимининг самарали ишлаши учун идораларарo ахборот алмашуви механизмини янада такомиллаштириш;

• Интерактив давлат хизматлари ягона порталига интеграциялашган “ягона ойна” марказлари фаолияти ҳақидаги ягона веб - сайтни яратиш;

• “Солиқ” ва “Божхона” ахборот тизимларининг идораларарo интеграция майдончасини босычма-босыич интеграция ыилиш, барча хизматларни кщрсатиш, давлат хизматлари ва электрон хизмат кщрсатиш учун тщловларни амалга оширишни "ягона ойна" тамойили асосида амалга оширилишга эришиш;

• электрон хизматлар, давлат органлари ва маъаллий давлат бошыаруви органларининг идораларарo муносабатларини янада жадал ривожлантириш;

• давлат ъокимияти ва бошыаруви органлари фаолиятининг “очиқлиги индекс”ларини мониторинг қилиш тизимини шакллантириш, ушбу жараёнга фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш;

• “Электрон ҳукумат” механизмларини жорий этиш вазифаларини фаол ва самарали ҳал этиш орқали ахборотни очиқлиги, ошкоралигини ва ахборотни олиш имкониятларини кенгайтиришни таъминлаш.

Пандемия шароитида мамлакат иқтисодиётини барқарорлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қуйидаги ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш лозим. Буларга:

•давлат кафолати остида жалб этилган кредитларни сўндириш, шунингдек, биринчи даражали харажатларни амалга ошириш учун фоизсиз бюджет ссудалари ажратиш йўли билан стратегик корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга эришиш;

•ташқи савдо фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш;

•пандемия шароитида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини, шунингдек, кредит портфели сифати ёмонлашган ҳолларда тижорат банкларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чораларини тақдим этиш;

•уч йилгача бўлган муддатга фоизсиз бюджет ссудаларини ажратиш орқали солиқ тўлаш муддатлари бўйича кечиктириш тақдим этилиш;

•тадбиркорлик фаоллигининг сустлашиши муносабати билан маҳаллий бюджетларида олинмай қолинадиган даромадлар ўрнини тўлдиришга катта эътибор қаратиш;

•КБ субъектлари томонидан амалга оширилаётган фаолият йўналишларига муҳандислик коммуникацияларини ўтказиш учун имкониятлар кўламини янада кенгайтириш;

•кичик саноат зоналарида инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирган Инвестиция дастурини қайта кўриб чиқиб, пандемия шароитида уларни юмшатишга оид чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

• КБ субъектлари фаолиятини ҳамда аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида инқирозга қарши курашиш жамғармасини ташкил этиш;

•КБ субъектлари фаолиятида импорт маҳсулотларининг улушини камайтириш, уларни маҳаллайлаштириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларни молиявий қўллаб –қувватлашга эришиш.

Асосий хулосалар:

1.Пандемия тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятига жиддий салбий таъсир кўрсатди, бу эса бюджетга солиқлар тушумида акс этди.

2.Давлат томонидан кўрилган чора-тадбирлар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида юзага келаётган муаммоларни муайян даражада ҳал қилди, Давлат бюджети даромадларини таъминлаш билан боғлиқ катастрофик вазиятдан қочиб қутулиш имконини берди.

3. Кичик бизнесни имтиёз ва преференциялар ҳисобига қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ солиш тартибига ўзгартиришлар киритилди. Бунда республикамиздаги энг йирик корхоналар бюджет йўқотишларини қоплайдиган ва солиқлар тушумини таъминлайдиган асосий субъектларга айланди

Хулоса қилиб айтганда, аҳолимизни ва тадбиркорлик субъектларини бундай оғир синов пайтларида давлат томонидан қўшимча равишда янада қўллаб-қувватлаш, албатта уларнинг карантиндан талафотсиз ёки озроқ қийинчилик билан чиқиши, ўзини ўнглаб олишига, йўқотилган вақт, ресурс ва даромадларини тиклаб олиш имконияти беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. – Тошкент: Адолат, 2020.
3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Тошкент: Адолат, 2020.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Тижорат сири тўғрисида” ги Қонуни, 11.09.2014 й., №ЎРҚ-374
5. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги Қонуни, 29.08.1998 й., №670-I
6. Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ги Қонуни, 26.04.2012 й., №ЎРҚ-327
7. O‘zbekiston Respublikasining “Tadbirkorlik subyektlarini tekshirishlar soni qisqartirilganligi hamda tekshirishlar tizimi takomillashtirilganligi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida” ги Qonuni, 23.03.2006 й., №O‘RQ-26
8. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида” ги Қонуни. 29.04.2004 й., №613-II
9. Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни, №712-II, Қабул қилинган сана 03.12.2004
10. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида” ги Қонуни, 11.12.2003 й., №558-II
11. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида” ги Қонуни, 11.12.2003й., №562-II
12. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” ги Қонуни. 25.05.2000 й., №69-II
13. Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида” ги Қонуни, 14.04.1999 й., №763-I

14. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида” ги Қонуни, 24.12.1998 й., №717-I

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор ва Фармонлари

15. Тадбиркорлик субъектларни тугатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, №ПФ-5739, Қабул қилинган сана 07.06.2019, Кучга кириш санаси 08.06.2019

16. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, №ПФ-5409, Қабул қилинган сана 11.04.2018, Кучга кириш санаси 12.04.2018

17. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, №ПФ-5718, Қабул қилинган сана 14.05.2019, Кучга кириш санаси 15.05.2019

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, №584, Қабул қилинган сана 14.07.2019, Кучга кириш санаси 15.07.2019

19. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, №ПҚ-4417, Қабул қилинган сана 13.08.2019, Кучга кириш санаси 14.08.2019

20. Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, №ПФ-5986, Қабул қилинган сана 27.04.2020, Кучга кириш санаси 28.04.2020

22. Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, №ПФ-5996, Қабул қилинган сана 18.05.2020, Кучга кириш санаси 19.05.2020

23. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, №ПФ-5490, Қабул қилинган сана 27.07.2018, Кучга кириш санаси 28.07.2018

24. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ҳузурида Тадбиркорларнинг жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш тўғрисида.

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, №848, Қабул қилинган сана 05.10.2019, Кучга кириш санаси 05.10.2019

26. Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, №ПҚ-4525, Қабул қилинган сана 20.11.2019, Кучга кириш санаси 21.11.2019

27. Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, №ПҚ-4231, Қабул қилинган сана 07.03.2019, Кучга кириш санаси 09.03.2019

28. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги ҳамда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, №28, Қабул қилинган сана 16.01.2020, Кучга кириш санаси 17.01.2020

29. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, №ПФ-5409, Қабул қилинган сана 11.04.2018, Кучга кириш санаси 12.04.2018

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.07.2018 йилдаги "Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги №ПФ-5490 -сонли Фармони

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.05.2017 йилдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида" ги №ПФ-5037-сонли Фармони

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.06.2017 йилдаги "Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида" ги №ПФ-5087 -сонли Фармони

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.10.2016 йилдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" №ПФ-4848-сонли Фармони

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.10.2016 йилдаги "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида" ги №ПҚ-2646-сонли қарори

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017 йил учун Ўзбекистон Республикаси асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва давлат бюджети параметрлари прогнози тўғрисида" ги Қарори //Ўзбекистон

Республикаси қонунлари тўплами, 2016 й., № 52, 601 бет; 2017 й., № 6, 77 бет, № 11, 158 бет, № 13, 201 бет, № 14, 216 бет, № 22, 411 бет, № 25, 533 бет, № 33, 843 бет

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.05.2015 “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги №ПФ-4725-сонли Фармони

37. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.07.2015 йилдаги “Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги №179- сонли қарори

38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.09.2015 йилдаги “Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги №ПҚ-2412-сонли қарори

39. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.04.2014 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги №ПФ-4609-сонли Фармони

40. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.05.2011 йилдаги “Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги №ПҚ-1529 -сонли қарори

41. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.08.2011 йилдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги №ПФ-4354 -сонли Фармони

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.05.2009 йилдаги “Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” №ПҚ-1112 -сонли Қарори

43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2007 йилдаги “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги №ПФ-3860-сонли Фармони

44. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.04.2007 йилдаги “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” ги №ПҚ-630-сонли Қарори

45. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.06.2005 йилдаги “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги №ПФ-3619-сонли Фармони

46. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.07.2004 йилдаги “Ўзбекистон савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисида” ги №ПФ-3453-сонли Фармони

47. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.05.200 йилдаги “Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги №ПҚ-1112 -сонли Қарори

48. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.04.1998 йилдаги “Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги №ПФ-1987 -сонли Фармони

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг Қарорлари

49. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.09.2004 йилдаги “Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” №441-сонли Қарори

50. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.05.1998 йилдаги “Кичик тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида” ги №232 -сонли қарори

51. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.12.2003 йилдаги “Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш

механизмини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” ги №563 - сонли қарори

52. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2014 йилдаги «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ни №377- сонли қарори

Биринчи Президент И.А. Каримовнинг асарлари тўплами

53. Каримов И.А. Наша главная цель – несмотря на трудности, решительно идти вперёд, последовательно продолжая осуществляемые реформы, структурные преобразования в экономике, создавая ещё более широкие возможности для развития частной собственности, предпринимательства и малого бизнеса //Народное слово, 16 января 2016 г.

54. Каримов И. А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш— мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. - Т.: Ўзбекистон. 2010 й.

55. Каримов И. А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: Ўзбекистон, 2009. 2,7 - бетлар.

Президент Ш. М. Мирзиёевнинг асарлари, маърузалари

56. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Ташкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. – Ташкент: Ўзбекистон, 2017.

57. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган

тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь. – Ташкент: Ўзбекистон, 2017.

58. Мирзиёев Ш.М. Критический анализ, жесткая дисциплина и персональная ответственность должны стать повседневной нормой в деятельности каждого руководителя. Доклад на расширенном заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2016 году и важнейшем приоритетным направлениям экономической программы на 2017 год. – Ташкент: Ўзбекистон, 2017.

59. Мирзиёев Ш. М. Мы все вместе построим свободное, демократическое и процветающее государство Узбекистан. Выступление на торжественной церемонии вступления в должность Президента Республики Узбекистан на совместном заседании палат Олий Мажлиса. –Ташкент: Ўзбекистон, 2016.

60. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. https://www.pv.uz/uz/newspapers/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirzieeva-olij-mazhlisu-2020. 26.01.2020 yil.

61. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. https://www.pv.uz/uz/news/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirzieeva-olij-mazhlisu. 29.12.2018 yil.

Махсус адабиётлар

62. Abdullayev, A. M. & ets. (2020) Analysis of industrial enterprise management systems: essence, methodology and problems. *Journal of Critical Reviews*, 7 (14), 1254-1260. Doi: http://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.14.261

63. Aldrich H. E., Baker T. Blinded by the cites? Has there been progress in entrepreneurship research //Entrepreneurship. – 2000. – T. 2000. – C. 377-400.

64. Buhalis, D., & Leung, R. (2018). Smart hospitality—Interconnectivity and interoperability towards an ecosystem. *International Journal of Hospitality Management*, *71*, 41-50.

65. Burkhanov, A. H., Abduvakhidov, A. A., & Toshboev, B. B. (2019). Directions of Organizing the Activities of Clasters in Uzbekistan.

66. Carraher S. M., Paridon T. J. Entrepreneurship journal rankings across the discipline //Journal of Small Business Strategy. – 2015. – T. 19. – №. 2. – C. 89-98.

67. Chung, S. Building a national innovation system through regional innovation systems. *Technovation*, *22*(8), 485-491, 2002.

68. Deakins D., Freel M. S. Entrepreneurship and small firms. – McGraw-Hill College, 2009.

69. Doing Business 2016.-Washington, 2015.

70. Doing Business 2017: Equal Opportunity for All. - Washington, 2016.

71. Doing Business 2018: Reforming to Create Jobs. Washington, 2017.

